ГУЛИСТОН

12
1971

Беш йиллик режалари амалда

В. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министри

ТЎКИН ДАСТУРХОН

Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг кўп минг сонли ишчи-хизматчилари КПСС-нинг тарихий XXIV съезди қарорларидан руҳланиб, янги беш йилликнинг биринчи йилини катта меҳнат зафарлари билан якунламоқдалар.

Меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, эл-юрт дастурхонига янада ҳам мўлроқ ноз-неъмат етказиб бериш учун деярли ҳамма корхоналаримизда: завод, фабрика ва комбинатларда социалистик мусобақа авж олиб кетди. Ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз беш йиллик план топшириқларини тўрт, тўрт ярим йилда бажаришга аҳд қилмоқдалар. Она юрт фаровонлигини ошириш, социалистик Ватан қудратини янада ҳам мустаҳкамлаш ўзларининг муқаддас бурчлари эканлигини юракдан ҳис этган саноат ходимларимиз партия белгилаб берган марраларни эгаллаш йўлида барча имкониятларни ишга солдилар, маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ва меҳнат самарадорлигини юксалтирдилар.

Республикамиз озиқ-овқат саноатининг имкониятлари чексиз. Бепоён боғларимиздан ширин-шакар мевалар, полизлардан мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари йиғиб олинмоқда. Бу маҳсулотларни саноат йўли билан қайта ишлаб халқ дастурхонини яна ҳам тўкин-сочин қилиш бевосита бизнинг зиммамизда. Завод ва фабрикаларимиз қувватини янада ошириш, ишлаб чиқариш технологиясини тинмай такомиллаштириш, завод ва комбинатларимизни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш — олдимизга ана шундай масъулиятли вазифалар қўйилган эди. Бу шарафли вазифани бажариш йўлида анча-мунча ишлар қилиб қўйдик. Тўққиз ойлик план муддатидан олдин адо этилди, республикамиз меҳнаткашларига пландан ташқари 7 минг тоннага яқин ўсимлик мойи, 500 тонна маргарин, 150 минг декалитр узум виноси, 19 минг шиша юқори сифатли шампан винолари етказиб берилди.

1970 йилнинг тўққиз ойи давомида меҳнаткашларга 3 минг тонна обинон сотилган эди. Бу мазали нонга бўлган талаб кун сайин ўсиб бораётгани учун новвойларимиз нон заводларининг ишлаб чиқариш қувватини оширдилар, технологиясини яхшиладилар. Натижада аҳолига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 минг тонна ортиқроқ обинон ёпиб берилди. Тошкент шаҳрининг ўзидагина бир кеча-кундузда 60 тоннадан ортиқроқ обинон тайёрланмоқда.

Республикамиз пахтакорлари «оқ олтин»дан мисли кўрилмаган юқори ҳосил олдилар. Ёғмой саноати корхоналарининг азамат ишчи-хизматчилари ҳам пахтакорларимиз жасоратидан қолишмайдиган меҳнат жасорати кўрсатдилар, тўққиз ойлик ишлаб чиқариш планларини муддатидан олдин адо этиб, ўтган йилнинг тўққиз ойлигига таққослаганда 90 минг тонна ортиқроқ ўсимлик мойи ишлаб чиқардилар.

Сўнгги йилларда турли халқаро кўргазмаларда тўқсондан ортиқ медаль олган Ўзбекистон виноси, ширин-шакар мевалардан тайёрланган консерваларимиз қардош республикаларимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам юқори баҳоланмоқда. Бу маҳсулотларимизга талаб ниҳоятда ўсиб бораётганини турли мамлакатлардан кетма-кет келаётган илтимослардан ҳам билса бўлади.

Министрлик корхоналари съезд йилида планга қўшимча равишда 20 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган эди. Юксак мажбуриятни бажаришда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Андижон ёғ-мой комбинати, Фарғона, Каттақўрғон ва Қўқон комбинатлари, Ҳурмат Белгиси орденли Қўқон нон комбинати, Тошкентдаги 3-нон заводи, Тошкент кондитер фабрикаси, Олмалиқ пиво заводи ишчи-хизматчилари катта ҳисса қўшмоқдалар. Бу корхоналарда ишчиларнинг меҳнати яхши ташкил этилган, моддий манфаатдорлик намунали йўлга қўйилган, ишлаб чиқаришнинг илғор усулларидан кенг фойдаланиш, ҳар бир ишчининг малакасини ошириб бориш планли равишда амалга оширилмоқда.

Корхоналаримизнинг моддий-техника базаси ҳам кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Беш йилликнинг биринчи йилида Тошкент шаҳрида бир кеча-кундузда 140 тонна нон маҳсулотлари гайёрлаш қувватига эга бўлган янги завод қурилди. Андижон, Коғон шаҳарларида, Самарқанд ва бошқа областларда ёғ-мой заводлари ишга туширилди, ишлаб турган корхоналарнинг қуввати эширилди.

Кўпгина корхоналаримиз янги техника асосида қайта қурилмоқда. Самарқанд «Уроқ ва Болға» консерва заводида томат ишлаб чиқарадиган иккита янги линия ишга туширилди. Натижада завод планга қўшимча 400 тонна томат, 60 минг банка помидор шарбати тайёрлаш қувватига эга бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Партия XXIV съезди Директиваларида озиқ-овқат саноати ходимлари олдига улкан вазифалар қўйилган. Янги беш йилликда ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 36 процент, консервалар тайёрлаш 57 процент, макарон маҳсулотлари 35 процент, қанд маҳсулотларини 24,6 процент кўп ишлаб чиқаришимиз, аҳолининг мева шарбати, минерал сувларга бўлган талабини тўла-тўкис қондиришимиз керак. Бунинг учун область шаҳарларида, район марказларида янги-янги корхона, завод ва комбинатлар қурилишини тезлаштиришимиз, қурилаётган корхоналарни фақат юқори даражали техника билан жиҳозлашимиз керак, техниканинг энг сўнгги ютуқларини кенг жорий этишимиз зарур. Беш йиллик давомида шу ишларга 450 миллион сўм маблағ сарфланади.

Партия ва ҳукуматимизнинг озиқ-овқат саноати ходимларига қилаётган ғамхўрлиги чексиз. Бу ғамхўрликка меҳнат зафарларимиз билан жавоб берамиз. Эл дастурхонини ноз-неъматларга яна сероб қиламиз.

Турнман гиламдузларининг санъати оламга машҳур (2-бетга қаранг.)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

№ 12 (60) 1971

Декабрь

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

СССР—50

ТУРКМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Ягона оилада

А. ҚИЛИЧЕВ,
Туркманистон ССР Олий Совети
Президиумининг раиси

ГУЛЛАЁТГАН ЎЛКА

Совет ҳокимияти йилларида Туркманистон ССРда кескин ўзгаришлар содир бўлди, шаҳар ва қишлоқларнинг киёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, аҳолининг турмуши янада фаровонлашди.

Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг дўстона самимий ёрдами билан, ленинчи Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида тарихан жуда қисқа муддат ичида Туркманистон чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасидан саноати ривожланган, қишлоқ хўжалиги механизациялашган, кўп тармоқли йирик социалистик республикага айланди. Революцияга қадар йилига атиги 129 минг тонна нефть чиқарилар, 2,5 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинар эди. Ҳозир эса салкам бир ҳафтада 1913 йилда бутун Закаспийда олинганчалик нефть олинаётир. Республикада нефть чиқариш 1913 йилга нисбатан 111 марта кўпайди ва 14 миллион 430 минг тоннани ташкил этди. Беш йилликнинг охирига бориб, йилига 22 миллион тонна нефть олиш мўлжалланмоқда.

1970 йилда электр энергияси ҳосил қилиш 1 миллиард 657 миллион киловатт-соатни ташкил этди. Бу революциягача бўлган даражадан 663 марта кўпдир. Беш йилликнинг охирига бориб электр қуввати ҳосил қилиш 52,6 процентга кўпаяди. Ҳозирги кунда қурилаётган Мари ГРЭСининг икки агрегати яқинда ишга тушса, унинг қуввати 1 миллион 370 минг киловатт-соатга етади.

Республикада нефтни қайта ишлаш, кимё, газ, машинасозлик ва қурилиш материаллари саноатлари сингари тармоқлар қайтадан ташкил этилди. Газ чиқариш 1970 йилда 1965 йилдаги 1,1 миллиард куб метрга нисбатан 13 миллиард куб метр ошиб кетди. Ачак газ конденсат конидан Ўрта Осиё—Марказ газопроводи орқали Москва ва РСФСРдаги бошқа шаҳарларга ҳар куни 40 миллион куб метрдан зиёд газ узатилмоқда. Республиканинг газ ва нефть саноати янада ривожланади. Беш йилликнинг охирига бориб мамлакатга 22 миллион тонна нефть ва 60 миллиард куб метрдан зиёд газ етказиб берилади. Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводи тез суръатлар билан қурилмоқда. Катта кимё базаси бўлган Қорабўғоз-Кўл табиий бойликларидан фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Республикада оғир саноат ўсиши билан бир қаторда енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам жадал ривожланмоқда.

Совет кишисининг иродаси билан Қорақум саҳросида беполн пахтазорлар яшнамоқда.

Туркманистон тупроғида қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар бўлди. Ҳозирги кунда колхозлар ва совхозлар ихтиёрида 40 мингга яқин трактор ва 3300 пахта териш машиналари бор.

Совет ҳокимияти йилларида Туркманистонда ирригация соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Сув хўжалиги қурилишига йил сайин кўплаб маблағ ажратилмоқда. Фақат сўнгги 11 йил ичида ирригация иншоотлари қуришга 867 миллион сўм сарфланди. Туркман халқининг сувга сероблик ҳақидаги асрий орзуси амалга ошди. Дунёда энг узун, 850 километрли Қорақум канали қуриб битказилди. Бу канал орқали Амударёнинг суви республика пойтахти — Ашхобод шаҳрига ва Кўктепа районига етиб келди. Канал суви билан 300 минг гектардан зиёд ер суғорилмоқда. Туркманлар фахр билан «Бахт дарёси» деб номлаган Қорақум канали Каспий денгизига яқинлашиб бормоқда. Канал қурилишида бепоён Ватанимиздаги қардош миллат вакиллари елкама-елка туриб меҳнат қилдилар.

Қишлоқ хўжалигини мукаммал машиналар билан таъминлаш, кўплаб сув иншоотлари қуриш, деҳқончилик маданиятини ошириш қисқа муддат ичида экин майдонларини кўпайтириш, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш имконини берди. Масалан, 1971 йилда пахтанинг ялпи ҳосили 1913 йилдагидан 12 марта ошиб кетди. Ҳозир биз амалга ошираётган тадбирлар 1975 йилга бориб 900 минг тоннагача пахта етиштириш, мамлакатга янада кўпроқ дон, сабзавот, полиз экинлари, узум, қоракўл тери ва ипак етказиш имконини беради. Эндиликда асосий диққат-эътиборимиз чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган. Янги беш йилликда чорвачиликка ихтисослаштирилган йирик саноат комплекслари қуриш мўлжалланмоқда.

Колхозларнинг ўсиши ва мустаҳкамланиши билан бирга уларнинг даромади ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда колхозларнинг пул даромадлари 1953 йилдаги даржадан деярли тўрт баравар ошиб кетди. Колхозчиларнинг даромадлари ҳам анча кўпайди.

Республикамизда юзлаб пахтачилик усталари етишиб чиқди. Шулардан 181 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга муяссар бўлди.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Агар 1914 йилда Туркманистонда 58 мактаб бўлиб, унда атиги 6 мингга яқин киши ўқиган бўлса, 1970 йилда республикадаги 1 минг 479 умумий таълим мактабларида 539 мингга яқин ўқувчи таълим олди. Ҳозир республикамизда 5 олий ўқув юрти бор. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 57 мингдан зиёд талаба ўқимоқда. Республикада ҳар 10 минг аҳолига 135 студент тўғри келади. Туркманистонда ҳар тўрт кишининг бири ўқимоқда. Республиканинг халқ хўжалигида ишлаётган 102 минг киши олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, шуларнинг 44 процента маҳаллий миллат вакилларидир. Совет ҳокимияти йилларида ўзининг Фанлар академиясига эга бўлган республикамизда бугуч туркманлардан 765 фан доктори ва кандитати бор.

Маданий-оқартув муассасалари тармоқлари айниқса кенгайди. Ҳозирги пайтда республикада 1110 оммавий кутубхона, 675 клуб, 8 театр ишлаб турибди. Ҳозир фақатгина туркман тилида 29 газета, 11 журнал чиқарилмоқда.

Туркманистонда Совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ даволаш ва даволаш-профилактика муассасалари тармоқларини ташкил этиш тадбирлари кўрилган эди. Ҳозирги кунда республикада 280 касалхона бор. Бу 1913 йилдагидан 21,5 марта кўпдир. Ана шу давр ичида касалхоналардаги ўринлар сони 78 марта, врачлар сони эса 66 марта кўпайди. Мана шу оддийгина рақамларнинг ўзи ҳам республикамиз экономика, маданият соҳасида қанчалик дадил одимлар ташлаганини кўрсатиб турибди.

КПСС XXIV съезди тарихий қарорларидан руҳланган совет Туркманистони меҳнаткашлари янги уфқларни кўзлаб, Ватанимиздаги барча халқлар билан бирга коммунизм сари дадил олға бормоқдалар.

Ашхободда В. И. Ленин ҳайкали.



Урта Осиёнинг катта газ дарёсига Мурғоб «зангори олови» ҳам бир ирмоқ бўлиб қўшилади.



Туркман адабиётининг оқсоқоли, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Берди КЕРБОБОЕВ.

Бахтиёр ёшлик.

ЕТТИНЧИ ХАЗИНА

Йўлатон районидаги «Сандиқочи» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мередли Чопиқов каби миришкорлар кечаги гуркман даштларини боғ-роғларга айлантирдилар.

Н. БЕРДИЕВ, С. РУЗИЕВ, Қ. МУРОДОВ, К. ХОЛЛИЕВ, Ю. ЧУГУНОВ ВА С. КОРСИТНИКОВ фотолари

Республика яйловларидаги сон-саноқсиз сурувлар ва подалар элни тўйдиради, кийдиради.

Табиатнинг саховатини қаранг: ферманинг у чеккасида кўм-кўк бўлиб гуркираб ётган ўсимликлар ферманинг бу чеккасидан тухум, гўшт бўлиб чиқиб кетяпти — тухум ортган машиналар, жўжа юклаган прицеплар катта дарвозадан ўрмалаб чиқиб, шаҳар томон йўл олмоқда.

«Тошкент паррандачилик фермаси» деган бу хўжаликнинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин қисқа муддат ичида ферма тез юксалди, ҳар йили аҳолига 27 миллиондан ортиқ тухум, салкам 2 миллион жўжа ва қанчадан-қанча парранда гўшти етиштириб бермоқда.

Озуқабоп экинлар, бедаю маккажўхорилар ҳам шу ернинг ўзида экилади, шу ерда майдаланиб, ун қилинади. Тонна-тонна тўйимли озуқалар, эртасига қарабсизки, тухумга, гўштга айланади. Кунига қирқ тонна атрофида озуқа сарфланади бу ерда.

Ферманинг бош зоотехнигини сўрадик:

— Шайдойими?— дейишди кулимсираб бизга.

— Йўқ, Темур Имомхўжаевни сўраяпмиз.

— Ҳа, биз ҳам ўша кишини айтяпмиз-да. Темуржонни бу ерда Шайдойи деб аташади, ўз касбининг чинакам жонкуяри, чинакам ошиғи у киши. Товуқ ёки тухум ҳақида гап очсангиз, ҳафталаб гапириши мумкин. Биронта товуқ ёки жўжа касалга чалиниб қолса, ўзини қўярга жой тополмайди... Шунинг учун уни Шайдойи деб атаймиз. Ўзи қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, биронта институтда тинчгина дарс бериб юриши мумкин эди, бормади. Мен кетсам фермадаги жўжаларнинг аҳволи нима бўлади, деб ўйлади шекилли, чақиришса ҳам бормади...

— Хўш, у кишини қаердан топсак бўларкан?

— Қаердан бўларди, товуқхонадан-да. Идорада ўтирмайди, у ерда кечаси бўлади.

Темур Имомхўжаевни ҳўл бедани бир йўла қуритиб, ун қилиб тортиб чиқарадиган тегирмон —«АВМ-4» аппарати олдида учратдик. Слесарь Александр Иванович Мурзин билан аппаратни созлашаётган экан.

— Сиз билан танишгани келувдик,— дедик унга.

Зоотехник кулиб қўйди:

— Мен биланми ёки ферманинг ишчилари биланми?

— Ферманинг ишчилари билан, албатта.

— Бўлмаса, танишишни Александр Ивановичдан бошласак ҳам бўлади,— деди ҳамон кулимсираб Темур Имомхўжаев. — Товуқ-жўжаларимизнинг ризқ-рўзи шу кишининг қўлидан ўтади. Тегирмончимиз бўлади бу киши. Йиллик топшириқни ўн ойда бажариб қўйди. Шунга қарамай яна кечасию кундузи аппарат тепасида, йигирма соатлаб ишлаган пайтлари ҳам бўлди... Очиғини айтинг, бирон нарса ёзмоқчимисизлар?.. Унда, илтимос, фермамизнинг шуҳратини бутун республикага ёяётган ишчиларимиз бор, ўшалар ҳақида ёзсангизлар. Чунки бизда, гарчи иш ҳақи соатбай асосида тўланмаса ҳам ўн тўрт-ўн беш соатлаб ишлайдиган кишилар бор, чинакам қаҳрамонлик кўрсатаётган йигит-қизларимиз бор, шуларнинг меҳнатини ёзсангизлар... Бизда товуқ боқиш, тухум олиш, жўжа очириш, гўшт тайёрлаш — ҳамма-ҳаммаси конвейер усулида, ҳозирги замон фанининг энг сўнгги ютуқлари асосида ташкил этилган. Инкубаторлардаги намлик, ҳарорат, ёруғлик — жўжа етилиши учун нимаики зарур бўлса — ҳаммаси аппарат орқали ташкил этилган, аппарат орқали бош-



Бош зоотехник Темур Имомхўжаев ҳар куни хўжаликни бир кўздан кечирмаса кўнгли жойига тушмайди.

Саралаш цехининг ишчиси Галина Автикова минглаб тухумни кўрикдан ўтказади.

Г. ГРАФКИН фотолари

қарилади. Бир дақиқа бепарво бўлсангиз, баъзан минглаб жўжалар нобуд бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам Галина Прошенко билан Дора Багдасарова худди туғруқхонадаги дояларга ўхшаб, ҳамиша ҳушёр туришади. Электрчи Абдусамад Абдуллаев гоҳо ҳафталаб аппарат ёнидан жилмайди, узоқ тунларни мижжа қоқмай ўтказади. Эҳтимол, шунинг учундир, инкубатор коллективи планни ҳамиша 110—115 процент бажаряпти, ҳар 100 тухумдан 80—82 соғлом жўжа олиняпти. Батарея цехимиз тўртта, ҳар бирида 20 мингдан жўжа боқамиз,— деб тушунтиришда давом этди бош зоотехник.— Лекин бу цехларимизнинг иши оғир, мураккабликда бошқа цехлардан қолишмайди, негаки, жўжалар график бўйича семириши керак. Белгиланган муддатда белгиланган вазнда бўлиши керак. Бўлмаса, ферма зарар кўради. Шунинг учун тун у кун иш тўхтамайди. Беда уни, аралаш озуқа, сузма ёки зардоб қачону ва қанчадан берилишини назорат қилиб боришимиз керак. Иноят Эрматова, Муҳаббат Саримсоқова сингари ўз ишининг чинакам усталари бор. Булар жўжанинг ҳар битасини алоҳида парвариш қилишади. Товуқни катакда боқиш усули республикамизда биринчи бўлиб шу ерда ташкил этилди. Бу прогрессив усул Москва атрофи ва Узоқ Шарқдаги улкан паррандачилик фермаларида муваффақиятли синовдан ўтган эди.

Бу ердаги катак цехи иккита катта залдан иборат, ҳар бир залда 12,5 мингдан, ҳаммаси бўлиб 25 минг товуқ боқилмоқда. Бу прогрессив усулнинг афзаллик томонларидан бири шуки, товуқлар дон, сув ташвишида ортиқча ҳаракат қилиб қувват йўқотмайди. Натижада бу ерда товуқлар сергўшт бўлаётир, тухумлари йирик, очиқ ҳавода боқилган товуқларнинг тухумига қараганда бир, бир ярим баравар катта. Бу усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, ҳамма ишлар техника воситасида амалга оширилганлиги туфайли ишчи кучи кўп сарфланмайди, 25 минг товуқни бор-йўғи беш киши боқмоқда. Тухумнинг таннархи шу сабабли арзонга тушмоқда.

— Тухум таркибидаги витаминлар камайиб кетмаяптими?— деб сўрадик зоотехникдан.

— Йўқ, камаймайди,— изоҳ берди Темур Имомхўжаев,— тухумларни кун сайин лаборатория анализидан ўтказиб борамиз, таркибида қайси модда камайса, озуқани ўшанга мўлжаллаб берамиз.

Товуқчиликни халқимиз етти хазинанинг бири деб бежиз айтмаган. Тошкент паррандачилик фермаси ҳам шу кеча-кундузда чинакам бебаҳо хазинага айланибди: тухумлар арзон, донаси 6,5 тийинга тушмоқда, гўшт ундан ҳам арзон! Шу юз гектарлик майдон бир маҳаллар ташландиқ ер бўлган экан. Энди эса ана шу ташландиқ ерда йилига 700 минг сўмдан ортиқроқ соф даромад олинмоқда.

Қани энди шундай фермалар ҳар бир районда, ҳар бир хўжаликда ташкил этилса, ҳар бир район, ҳар бир хўжалик ўзининг еттинчи хазинасига эга бўлса!

Х. АҲМЕДОВА,

Х. ТЎХТАБОЕВ

Н. А. Некрасовнинг
150 йиллигига

ХАЛҚ ШОИРИ

Улуғ рус шоири ва революцион-демократик ҳаракатнинг улкан етакчиларидан бири Николай Алексеевич Некрасов туғилганига 150 йил тўлди. Бу фақат илғор рус маданияти ва рус поэзиясининг байрамигина бўлиб қолмай, бутун тараққийпарвар халқлар байрамидир.

Некрасов қўлига қалам олган пайтларда Россия зулм ва зулмат занжирида эди. Айниқса рус деҳқонининг ҳаёти йиғлагулик, рус ишчиси оғир эксплуатация панжасида, рус зиёлиси қаттиқ таъқиб остида эди.

Кичик ёшиданоқ ўз халқининг оғир ҳаётини кузатган бўлажак шоир ижодий йўлида, изланишларда меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб олди.

Некрасовнинг бу йўлдаги курашида Белинский, Герцен, Чернишевский, Добролюбов каби революцион-демократлар унга катта кўмак бердилар. Некрасов асарларида рус табиати, рус деҳқонлари ҳаётининг манзаралари, қишлоқ болаларининг гимсоллари, эрк ва тенглик учун курашгувчи ёш инқилобчиларнинг сиймолари мислсиз маҳорат билан акс эттирилгандир.

Шоир асарларида рус халқи турли табақаларига мансуб вакилларнинг тасвири бой, ранг-барангдир: итоакору исёнкор, ғарибу эрксевар солдат, ювиндихўр малай ёки қўли қон ёвуз заминдор, халқ бахти учун курашчи — умри сургунда ўтган демократ, ёш умрини инқилобчи ҳаёт йўлдошига бағишлаб, ўз ихтиёри билан совуқ Сибирга кетган вафодор аёл...

Некрасов асарлари ҳамиша чуқур ғояли, сермазмун, манзарали — воқеабанд. Шу сабабдан таъсирчан, мудроқ туйғуларни уйғотгулик. Шоир асарлари китобхон учун ўша асрни англаб олишда қомус хизматини ўтаса, қаламкаш учун ҳаётни не тарзда тасвирлаш кераклигини ўргатувчи буюк мактабдир. Унинг асарлари ўта халқчил, ўта миллий; ҳар бир шеъри, ҳар бир поэмасида мақол бор, халқ ибораси бор, халқ оғзаки адабиёти билан уйғунлик бор, жарангдорлик бор. Яна ҳаммаси ўз ўрнида, қуймадек. Бу — унинг халқ тилини, халқ эртакларини яхши билганидан, узлуксиз меҳнатидан, тинимсиз изланишларидан, қисқаси, халққа, меҳнаткаш табақаларга яқинлигидан юзага келгандир.

Николай Алексеевич Некрасов бус-бутунлай рус шоиридир. Унинг асарларида рус колорити жуда кучли. Мен Некрасов асарлари таржимасига киришар эканман, бу мендан зўр масъулият ва маҳорат талаб этди. Шу сабабли Некрасов асарларини қайта-қайта ўқиш, шоир ҳақидаги адабиётни мутолаа қилиш менда буюк санъаткорга, унинг асарларига янада зўр завқ-шавқ, юксак эҳтиром туйғуларини уйғотди. Мен аввало Некрасовнинг «Деҳқон болалари» деган хрестоматик шеърини таржима қилдим. Кейин «Русияда ким яхши яшайди?» эпопеясига қўл урдим. Узоқ ишладим. Бу достон шу қадар тўкис, кўламли, ҳаяжонли, жонга титроқ солувчи ҳаёт манзараларига бойки, китобхонни чексиз ҳайратга солади.

Мен узун кечаларда етти сайёқ деҳқон билан чексиз Россияни кезар эдим. Мен еттовлари билан ҳам шу қадар иноқлашиб кетган эдимки, уларнинг ҳар бирини яқин кишимдек яхши билардим. Уларнинг рус деҳқонига хос саркашлиги ва тўпорилигидан мен ҳам мийиғимда кулиб қўярдим. Менинг Матрёнушкага қўшилиб норасида тобути устида йиғлаган туналарим кўп бўлди. Эзгу рус баҳодири Савелий бобонинг дев сиймосидан дарҳайрат эдим. Бу мислсиз асарнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ибораси устида тер тўкишдан эринмадим. Бу меҳнатим қаламкаш дўстларимга ҳам, китобхонларимизга ҳам маъқул бўлди, шекилли. Мен талай йиллар Некрасов тимсоллари ва қаҳрамонларининг таъсирида ижод этдим. Некрасов менинг учун ҳам улкан мактаб бўлгани сир эмас. Некрасов асарлари (Ғ. Ғулом, Зулфия, Т. Тўла, Н. Оҳундий, И. Муслим ва бошқа шоирларимиз таржималарида) худди Фирдавсий, Навоий, Пушкин, Шота Руставели, Фузулий, Байрон, Гейне, Шевченко, Абай шеърларидек ўзбек совет шеъриятининг тадрижий камолотида етакчи бўлди, машъал бўлди. Буни мен фахр билан барала айта оламан.

Некрасовдан биз, қалам аҳли ҳамиша халқ билан бўлиш, халқ тақдирини ўйлаш, халқ ҳақида ёзиш, халқдан ўрганиш, халққа фидойи бўлиш, халққа дардкашликни ўргандик.

Чинакам халқ шоирининг номи, асарлари ҳеч қачон унут бўлмайди, халқ билан бирга яшайди. Халқнинг умри эса боқийдир. Шунинг учун ҳам Николай Алексеевич Некрасовнинг юз эллик йиллик умри унинг шарафларга тўла абадиятининг бир кичик қисмидир, холос.

МИРТЕМИР

Н. А. НЕКРАСОВ

* * *

Қоронғу кўчадан тунда ўтсам жим,
Ҳаво булут бўлса, увласа бўрон,—
Ҳимоясиз, бемор, бемакон дўстим,
Кўлаганг қаршимда бўлар намоён!
Дилозор бир хаёл қалбни эзади,
Ёшлигингдан толе севмади сани;
Отанг фақир эди, бағри тош эди,
Эрга тегдинг, аммо севиб ўзгани.
Толеингга яхши чиқмади эринг,
Қаттиққўл, беадаб ҳамда мутаҳам,
Маҳкуми бўлмадинг, сен чиқиб кетдинг,
Бироқ, ёлчимадинг менга тегиб ҳам...
Ёдингдами, бир кун мен бетобу оч,
Маъюс, дилгир эдим, дардчил, бедармон!
Уша ўзимизнинг совуқ, ялангоч —
Уйда дилдирардим чулғаб ҳаяжон.

Ёдингдами, хира уйга томчилаб,
Сачрарди туйнукдан ёмғир тун-куни!
Йиғларди ўғилчанг қўллари музлаб,
Иситардинг илиқ дамингда уни.
У тиним билмасдан чинқирар эди
Қулоғинг битириб... Қуюларди тун;
Узоқ йиғлади-ю, гўдагинг ўлди...
Йиғлама, шўрлигим, бекор бўлма хун!
Очлигу қайғудан эртага биз ҳам
Худди ўғлинг каби ўлармиз, аён,
Хўжайин лаънатлаб, олар уч тобут,
Сўнг элтиб қабрга қўяр ёнма-ён...
Биз икки бурчакда турардик маҳзун.
Едимда, сен беҳол, рангларинг сўлғин.
Яширин ўйларинг сочарди учқун,
Қалбинг курашига ясардинг якун.
Мен мудрай бошладим. Аста кийиндинг,
Ясаниб-тусаниб чиқдинг жим шу дам.
Бир соатдан кейин тобут келтирдинг,

Отасининг кечки хўрагини ҳам.
Очликни бир нафас ҳайдадинг нари,
Қоронғу кулбада ёқдик жинчироқ.
Уғлингни тобутга ётқиздик шу чоқ...
Тасодиф қўллади бизни! Ё тангри!
Икрорга шошмадинг ғамгин эгиб бош,
Мен-да сўрамадим бирор нарса ҳам,
Фақат термилардик — кўзимизда ёш,
Қайғу ва ғазабда ёнарди танам.
Энди қаердасан! Эй, бахтсиз, гадо,
Сен ёвуз курашда ҳалок бўлдингми!
Оддий йўлни ўзингга кўрдингми раво
Ва машъум тақдиринг сени енгдими!
Ким қилар ҳимоя! Сени одамлар
Даҳшатли ном билан атар бегумон,
Фақат менда бунга нафрат повуллар,
Ловуллару сўнар бефойда шу он!..

Мамарасул **БОБОЕВ** таржимаси.

Русь

Шўрлик жон ҳам — сен,
Фаровон ҳам — сен,
Паҳлавон ҳам — сен,
Нотавон ҳам — сен,
Онажоним — Русь!

Қулликда омон қолган
Юраги эркин —
Халқнинг юраги тоза
Олтиндир, олтин!

Халқнинг кучи, қудрати
Ўзи бир жаҳон —
Гўё қимир этмас,
Русь гўё бежон!
Яширинган учқун,
Енди ногаҳон —

Улмади ҳақиқати,
Тинч ва пок виждон!

Халқ қўзғалмоқда —
Беҳад, беомон,
Қақшамас қудратини
Кўрсатар аён!

Куч-қудрат ҳақсизлик-ла
Иноқ яшолмас!
Ҳақсизлик қурбонларга
Сабаб бўлолмас —

МИРТЕМИР
таржимаси

Ўрилмай қолган пайкал

Кеч куз. Учиб кетди қораялоқ ҳам,
Урмонлар — ҳайҳотдек, дала — шип-шийдам.

Фақат ўрилмаган бир пайкал ётар...
У руҳда ҳасратли ўйлар уйғотар.

Наздингда, пичирлар бошоқда донлар:
«Жонимизга тегди шанғи бўронлар,

Булутдай ҳосилни чангга белатдик,
Тупроқ ялай бериб қон бўлиб кетдик!

Бизларни туну кун мечкай галалар —
Ҳар кўниб ўтгувчи суқ қушлар талар.

Қуён пайҳон қилар, поралар чақин...
Қаерда қўшчимиз! Не кутар тағин!

Балки, бошқалардай унмадик тўкис!
Бирдай чангланмадик, пишдик нотекис!

Йўқ! Бошқалардан ҳеч кам еримиз йўқ,
Тобида қуюлдик, етилдик бўлиқ.

Қаро терга ботиб, майиштириб беп,
Экканмиди, ахир, совурсин деб ел!..»

Шум хабар келтирар хирмон шамоли:
— Қўшчингизнинг йўқдир юрарга ҳоли.

Биларди — не учун экди, тиришди,
Лекин қурби етмас ишга киришди.

Шифтга термилганча ётибди шўрлик,
Хаста юрагини кемирар хўрлик,

Бу ерни кўкартган у қўллар толган,
Қуриган новдадек осилиб қолган,

Омочни ўрганлаб не умидларда,
Қўш изидан ўйчан борган пайтларда —

Ҳазин қўшиқ айтган у товуш тинди;
Хира тортиб кетди у кўзлар энди.

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ
таржимаси

* * *

Қаҳратон қиш пайти эди, кунлардан бир кун
Мен ўрмонда келар эдим. Кун совуқ гоят,
Учраб қолди — тепаликка чираниб секин
Шох-шаббали зўр ченани тортаётган от.
Юганидан етаклаган бир мужик бола,
Кетар эди жуда сипо, улуғвор, тетик,
Катта этик, қўй теридан пўстин эгнида.
Қўпол қўлқоп, ўзи эса — тирноқдан кичик.
— Ҳорма йигит! — дедим, деди: — Йўлингдан қолма!
— Серзардароқ кўринасан,— дедим,— йўл бўлсин!
— Урмон ёқдан келмоқдаман, не ишинг менда!
Тинглайсанми, отам кесар, ташигувчи ман.
(Болта товши келар эди ўрмондан ҳар дам.)
— Хўш, отангнинг онласи каттами!— дедим
— Оила-ку катталикка катта, одам кам,
Эркаклардан икки киши: отам, мен ўзим.
— Ҳа...ҳа, ҳали шундай дегин, исминг-чи!
— Влас.
— Неча ёшга кирдинг!
— Олти босилиб ўтди.
Ҳаром ўлгур, чуҳ! — деярак йўғон овоз-ла
Мурғак бола юган тутиб илдамлаб кетди.

* * *

Шамол эмас ғулув солган ўрмон устидан,
Ирмоқлар ҳам тоғдан қуйи жилдираб оқмас.
Совуқ ботир, жанговарки, кўзи остидан
Қочирмасдан айланади мулкин ҳар нафас.

Синчиклайди ўрмондаги сўқмоқ йўлларни—
Уюрмалар яхшигина босдими тағин!
Бирор ерда ўнқир-чўнқир ҳеч қолмадими,
Бирор парча ялангоч ер бўлмасин тағин.

Қарағайга қўнганмикан момиқ булдуруқ,
Дуб шохларин гажим билан безаганми туз;
Катта-кичик дарёларнинг сувлари тўнғуқ,
Уни маҳкам ўз забтига олопганми муз!

Совуқ мағрур қадам ташлар ўрмон устидан,
Музлаган сув қисирлайди у юрар экан.
Порлоқ қўёш шуълалари тиниқ ва равшан
Уйнашади унинг пахмоқ соқоли билан.

Бу азамат қарағайга минади секин,
Унинг шоху шаббасига гурзи солади.
Уз-ўзича қувонади ва ундан кейин,
Мақтанчоқлик қўшиғини куйлаб қолади:

— Қайда бўлса уюрмалар, қорлар, туманлар,
Бўйин эгар мен совуққа, кўркади мендан.
Ҳозир бориб денгизларда, океанда бир бор
Музлатиб келаман ҳаммасини, ҳозир!

Истаб қолсам, каттагина наҳрларни ҳам
Узоқ муддат ғазабимга буйсундираман;
Унда муздан шундай кўприк ясайман —
кўркам,
Одамзод ҳам бу ҳунарни ўтказмас мандан.

Кечагина озод-эркин шалдираб оққан
Тоза ва шўх, чўнқир шовва, ўйноқи сувлар
Букун яккаёқ йўлга айланиб қолган —
Мол юклаган аравасин карвон қувлар.

Бадавлатман, хазинамга йўқдир сон-саноқ,
Бунча давлат билмайди ҳеч
камиш-озайкш,
Мен у шўхлик қилган ерни безайман
оппоқ,
Бари бўлур бунда олмос, марварид,
кумуш...

Ғафур ҒУЛОМ таржималари

Ахлоқ, таълим-тарбия

ҲУСН ВА БАХТ

Инсон фақат ҳусни билан эмас, одамийлик жавоҳири билан гўзалдир.

Хисрав ДЕҲЛАВИЙ

Ҳусн, бахт-саодат, ақл-идрок, хусусан, ахлоқ бобида жуда кўп таърифлар бор. Масалан, ҳусн — табиатнинг инсонга берган эҳсони эканлиги маълум. Аммо баъзилар, ҳусн инсоннинг навқиронлик, ёшлик фаслигина мансуб десалар, баъзилар уни бошқача таърифлайдилар. Ҳусн, менингча, ёшликкагина мансуб бўлмай, балки умрнинг ҳамма фаслларига хосдир. Шиллер: «Ёшлик умрнинг гули, у фақат бир марта очилади»,— деган эди. Демак, ёшликдаги гулдек ҳуснни бир умр ардоқлаш, унга мазмун ва камол бағишлашга интилмоқ керак.

Кимнинг хушрўй, чиройли бўлгиси келмайди! Йигит ва қизларимиз чиндан ҳам ҳусн ва бахт эгаси бўлишга, ақлли, илм-ҳунарли бўлишга интиладилар. Соғлом ҳаёт, одоб, режали меҳнат — саломатлик ва ҳуснни ардоқлайди. Қадди-қомати келишган йигит ёки қиз сиймосида, аввало, саломатлик, куч-қувват, ниҳоят гўзаллик гуркираб туради. Одамнинг ўзини тута билиши, кийиниш маданияти, ўзгаларга муносабати — ҳаммаси унинг ҳуснига ҳусн қўшади.

Баъзи қизларимиз қош-кўзларини керагидан ортиқ бўяйдилар. Бу билан табиат берган ҳуснни бузиб, ўзларидаги нафосатни, латофатни йўқотиб, беўхшов қиёфага кирганларини сезмай қоладилар.

Кутубхонадан чиқиб келаётсам, қаршимдан З. исмли собиқ ўқувчим рўбарў келиб қолди. Киприклари беўхшов бўялган, кўйлаги тиззадан юқори, оёғида ажабтовур туфли, сочлари пахмоқ... Қиз менинг нигоҳимдан дилимдагини сездими, бир оз ноқулай аҳволга тушди, ўзини оқлай бошлади:

— Аяжоним, нега бундай қарайсиз, мен... бу последний мода, ҳамма шундай кийиняпти...

Йўқ, мен, аёл киши ўзига қарамасин, оро бермасин, демайман. Аксинча, қизларимиз доим ўзларини назорат қилишларини, маданий юришларини, дид билан кийинишларини истайман. Умрнинг гўзал фаслида ўз ҳуснига доғ тушираётган кибор, бачкана, оқибилак, димоғдорларгагина таъна қиламан, холос.

Ясама чиройга интилувчилар фақат қизлар орасида эмас, ўғил болалар орасида ҳам учраб туради. Улардан баъзилари сочларини беўхшов ўстириб, ғайритабиий, кийинишни, ўзгаларни менсимай, ножўя қилиқларни эп кўрадилар. Улар ўринсиз шовқин солиб кишиларнинг асабига тегадилар-да, буни «шўхлик» деб атайдилар. Баъзилари эса, ота-онани, қарияларни менсимайдилар; ўз «лексика»ларини «ижод» қилиб, нотаниш одамларни «ҳой» деб чақирадилар, мўътабар оналарни «кампир» деб атайдилар ва ҳоказо.

Гўзал хулқ ва ҳуснинг яна бир белгиси ширинзабонликдир. Бу хислат одамни иззат-ҳурматли қилади. Киши ҳар сўзини етти ўлчаб, бир кесиб айтса, фикрларини чиройли ифодаласа, дилозорлик қилмаса ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам дили равшан бўлиши муқаррардир.

Энг муҳими — ҳусн ташқи гўзалликдангина иборат бўлмаслиги керак. Инсоннинг асл ҳусни — маънавий гўзаллик, руҳий бойлик, олижаноб туйғулар билан белгиланади.

Мен ҳамма ёшларимиз ҳусн ва бахт эгаси бўлишларини дил-дилдан истардим.

Фарида ҚОСИМОВА,
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи

СОВЕТ ШАРҚИДА БИРИНЧИ ДЕКРЕТ

Қонун

Ушбунинг билан Бухоро Шўролари Жумҳуриятининг Марказий Инқилоб Қўмитаси эълон қиладурки:

1. Туширилган амир ва оиласига ва ҳокимларга махсус бўлган экин ерлари, устидаги жонли ҳайвонот ва зироат, асбоб ва иморатлари бирлан халқ мулки ҳисоб этилиб, ақчаси олиниб, ерсиз ва оз ерлиқ деҳқонларга бўлиниб бериладур.

2. Биринчи моддада айтилган ерларнинг ҳисобини олув иши Зироат назоратига топшириладур. Ерсиз ва оз ерли деҳқонлар орасида ерларни бўлиб бермоқ учун, ҳар бир уйлиқ деҳқонга зарур бўлган ер миқдорини Зироат назорати тайин қилиб, Нозирлар Шўроси ва Марказий Инқилоб Қўмитасининг тасдиқига топшиradур. Ер миқдори тайин этилган замонда ернинг яхши ва ёмонлигини назар-эътиборга олинсин.

3. Биринчи моддада айтилган ерларни олиб-сотмоқ ва гаров қўймоқ, ҳиба ва ҳадия қилмоқ мамнуъ бўлиб, бунинг хилофида иш қилғон кишилар қаттиқ жазога гирифтор бўладурлар.

4. Экин ерларидан амир вақтида олинмокда бўлғон хирож, муштибор, амлоқ чиқимлари ва бошқа чиқимлар ва бошқа буромадлар битириладур. Бул хусуслардан кимки деҳқонлардан бир нарса талаб қилса, хоҳ фуқародан бўлсин, хоҳ ҳукумат, идора хизматкорларидан бўлсин, қаттиқ жазога гирифтор бўладурлар.

Танбеҳ: Бугунга қадар амлокдор ва маъмурлари тарафиндан олиб тўпланган нимарсалар инқилобий ҳукумат тарафиндан олинадур.

5. Ушбу Қонунни амалга қўймоқ учун Зироат назорати лозим бўлғон дастурил амал ва таълимотини Нозирлар Шўросиндан оладур.

Марказий Инқилоб Қўмитасининг раиси А. МУҲИДДИНОВ.
(30.IX.1920.)

1917 йили Бухоро амирлигининг Кўрғонтепа беклигида бўлган сайёҳ П. Гаевскийнинг ёзишича, деҳқонлар хон хазинасини тўлдириб туришдан ташқари яна маҳаллий маъмурларга капсан ҳам тўлашга — бекка ботмондан бир пуд, амлакдорга ҳам бир пуд, миробга бир ғарамдан бир ярим пуд, дарғага шунчадан тўрт пуд ғалла бериб туришлари керак эди. «Оқибатда,— деб ёзади П. Гаевский,— аҳоли иш ҳайвони, сигир-бузоғини сотишга ёки судхўрлардан пул қарз олишга мажбурдир».

«Солиқларни ундириш учун амлакдорлар камбағалларни ўз хотинлари ва қизларини сотишга мажбур қилмоқдалар», дейилган эди халқ революцияси арафасида бир ярим минг деҳқон Бухоро Компартияси Марказий Комитетига йўллаган мактубда.

1920 йил 2 сентябрда қўзғолон кўтарган Бухоро халқи Қизил Армия қисмлари кўмагида амирни қувиб, ҳокимиятни ўз қўлига олгач, Бухоро Халқ Совет Республикаси ер ҳақида Декрет қабул қилди. В. И. Ленининг шогирди, РСФСР ҳукуматининг БХСРдаги мухтор вакили Валериан Владимирович Куйбишев Декретни тайёрлаш ва амалга оширишда ташаббускор бўлди.

Ер ҳақидаги бу қонун ҳамма ерни эмас, фақат амир, унинг оила аъзолари ва аксилинқилобчи амалдорларнинг ерларини умумхалқ мулки, деб эълон қилди. Декретнинг РСФСР Ҳукуматининг «Ер ҳақида Декрет»идан фарқи ҳам шунда. 1917 йилнинг 8 ноябрида доҳий имзо чеккан Декретга асосан РСФСРда ҳамма ерлар давлатники деб эълон қилинган ва катта ер эгалари — помешчиклар тугатилган эди.

Бундай инқилобий тадбирларни амалга ошириш учун Россиянинг марказий районларида шарт-шароит бор эди. Бухоронинг иқтисодий жиҳатдан қолоқлиги, деҳқонлар синфий онгининг заифлиги, деҳқонлар орасида мусулмон руҳонийларининг таъсири кучлилиги ва ёш Бухоро Халқ Совет Республикасига хос бўлган бошқа шароитлар ҳамма ерларни давлат ихтиёрига ўтказиш имконини бермас эди.

Шу сабабли Бухоро ҳукуматининг ер ҳақидаги қонунида фақат амир ва унинг йирик амалдорларига тегишли ерларни, от-хўкиз ва бошқа мулкларини мусодара қилиб, камбағал деҳқонларга бўлиб бериш зироат маъмуриятига топширилган эди.

Декретга мувофиқ, амир ва унинг амалдорлари мулкидан дастлаб 1637 хўкиз ва бошқа қорамол, 100 минг пуддан кўпроқ ғалла, 50 минг пуддан ортиқ чигит мусодара қилиниб, энг камбағал деҳқонларга бўлиб берилди.

Бухоро, Кармана, Ғузор, Қарши ва Шаҳрисабз вилоятларида ўша кезлардаёқ 13 минг 811 таноб ер мусодара қилинган, камбағалларга бўлиб берилган эди.

Совет Шарқида биринчи марта Бухоро халқ ҳокимияти қабул қилган бу тарихий ҳужжат ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ғоят оқилона тадбир эканлиги халқ совет республикасини қуришда, уни душманлардан ҳимоя қилишда тўла намоён бўлди.

И. АЛИМОВ,
тарих фанлари кандидати

ТЕЖАМКОРЛИК СИРЛАРИ

Тежоғлиқ иш — бежоғлиқ, деб бежиз айтишмаган. Тежамкорликка тўла амал қилинса, пойтахтдаги саноат корхоналари бир йил ичида иқтисод этган маблағдан бир неча янги корхона қуриш мумкин экан.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорликни кучайтириш тўғрисида» деган хатида тежамкорликнинг йўллари батафсил кўрсатиб ўтилган эди. Бутун мамлакат меҳнаткашлари қаторида республикамиздаги муассаса ва ташкилотлар ҳам шу хатда кўтарилган масалаларга амалий иш билан жавоб бермоқдалар.

Бу борада, айниқса, Тошкентдаги Ворошилов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ишчи ва инженер-техник ходимларининг ишлари ибратлидир. Ўтган йили биргина ихтирочилик таклифларидан 655 минг сўм тежалди. Бу — қўшимча 135 дона тўрт қаторли пахта териш машинаси демакдир.

Завод коллективининг тежамкорлик борасида нималарга қодир эканлигини уларнинг ўзлари шундай таърифлайдилар:

Завод партия комитети секретари **Пўлат Юсупов:**

— Партия ва ҳукуматимизнинг тежамкорлик бўйича белгилаган вазифалари заводимиз ишчиларини руҳлантириб юборди. Энг аввал вақтдан унумли фойдаланишга эришдик. Конструкторлик бўлими ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштирди. Бир қанча ихтирочилик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди, натижада пахта териш машиналарига сарф бўлаётган материаллар анча тежалди, салкам 300 тонна металл иқтисод қилинди.

Энергетиклар биргина 1970 йилда 1 миллион 200 минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолдилар. Бу рақам йиллик электр қуввати истеъмолининг 3—3,5 процентини ташкил этади.

Меҳнатни илмий асосда уюштириш — заводнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланишда аниқ кўринади. Ишлаб чиқаришни тўғри режалаштириш, меҳнат интизомини ўрнатиш, илғор техника афзалликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосий тадбирлардир. Ўтган йили меҳнатни илмий асосда уюштириш туфайли 80 ишчи кучи ёки 2500 сўмлик маблағ тежалди. Ишлаб чиқариш унумдорлиги эса салкам 4 процент ортди.

Асосий пайвандлаш бўлимининг ходимлари пайвандлашнинг янги, самарали усулини жорий этдилар. Иш жараёни ярим автоматлаштирилди. Натижада 16 ишчи кучи тежалди.

Тежамкорликнинг яна бир кўз илғамас томони бор. Кўпинча, омборлардэ туриб қолган ускуналардан фойдаланилмайди. Биз эндиликда бунга чек қўйдик. Шу туфайли 94 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш тасарруфига киритилди.



Тошкентдаги Ворошилов номли Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективи КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорига жавобан корхонадаги имкониятларни тўла сафарбар этди. Суратда: слесарь Илҳом УМАРОВ янги ишлаб чиқарилган мясорубкаларни йиғмоқда.

А. ВАНШТЕЙН фотоси

Хуллас, белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида қўшимча 800000 сўмлик маблағ ишлаб чиқариш муомаласига киритилди. Йиллик режалар тўла бажарилди.

Ихтирочилик ва техника ахбороти бюроси бошлиғи **Яков Кушнер:**

— Мен тежамкорлик тўғрисида бир мисол келтирмоқчиман. Иқтисодий фойданинг бош омили ихтирочилик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишдир. Б. Иброҳимов, В. Карлов, Ю. Дитолов ва Ж. Даненов ўртоқлар яратган ихтиронинг ўзиёқ 7 тоннадан зиёд металлни тежаб қолишга имкон берди. Пахта териш машинаси бункери ихчамлаштирилди. Мазкур ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этилгач, олти ой мобайнида салкам 18000 сўмлик соф фойда келтирди. Тежалган металлдан 5884 дона шпиндель ясаш мумкин. Бу шпинделлар терим агрегатларида ишлатилган тақдирда 40 минг тонна «оқ олтин» териб олинади. Бундан келадиган фойдани ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Ихтирочилик — кони фойда. Заводимизда ҳар ўн уч ишчининг бири ихтирочи. Ихтирочиларнинг таклифлари ўтган йилда 700 дан ошиб кетди. Буларнинг салкам ярми ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ихтирочиликдан келган соф фойданинг миқдори 500.000 сўмга етди.

Кун сайин терим агрегатини такомиллаштирувчи таклифлар тушиб турибди. Бу эса ишимизнинг янада яхши боришига гаров бўлмоқда. Ҳозирги пайтда ихтирочиларимиз тўрт қаторли агрегатни олти қаторли агрегатга айлантириш устида бош қотирмоқдалар.

Бош технолог ўринбосари **Соқижон Тожиев:**

— Корхонамизнинг Иттифоқда ягона, жаҳонда эса пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган иккинчи завод эканлиги билан жуда фахрланамиз. Пахта териш машинаси ниҳоятда мураккаб агрегат: ҳар бир механизми бир неча деталдан иборат. Ҳар бир деталь эса жуда мураккаб жараёнларда тайёр бўлади. Биргина шпинделнинг ўзини олинг. У дастлаб кесилади, ички томони силлиқланади, тишлар чиқарилади... Ана шуларнинг ҳаммаси махсус мослама аппаратларда бажарилади.

Ўтган йилда завод давлат конструкторлар бюросининг ташаббуси билан «01—07» маркали автомат яратилди. Ихтиро тез орада ўзини оқлади, унда чиқитсиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунинг ўзидан йил давомида 10.000 сўмлик фойда келди. 4 ишчи кучи қисқарди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, шпиндель деталлари ишлаб чиқариш ҳамон эски усулда олиб борилмоқда. Камида етти жараёндан сўнг шпиндель тайёр бўлади. СССР Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги шпиндель тайёрловчи автомат яратишни тезлаштиришга қатъий киришса, механик усулга чек қўйилган, корхонанинг энг мураккаб техник вазифаси бажарилган бўлур эди. Металл ва механизмлар тайёрлаш жараёни қанчалик тез автоматлашса, тежамкорлик, соф фойда шунчалик ортади.

15-цех ишчиси **Зайни Абламов:**

— Очиғини айтганда, кимки ўз касбига ихлос қўйса, у интизом билан меҳнат қилиб, топшириқларни ортиғи билан бажаради, сифатли маҳсулот топширади. Менингча, чиқитсиз маҳсулот — тежамкорликнинг асосидир. Буни ўз тажрибамда кўп синаганман. Вақтинг кетди, нақдинг кетди, деб бекорга айтмаганлар. Мен ишга кечикмай келаман. Техника хавфсизлигига кўз-қулоқ бўлиб тураман. Ўзим ҳам техника хавфсизлиги бўйича жамоатчи инспекторман. Бунга амал қилиш асосий ишимизга катта таъсир кўрсатади. Бўш вақтларимда электр пайвандлашнинг янги усулларини қидираман. Пайвандлашда материални кам сарфлаш туфайли 460 сўмлик фойда олинибди. Тежаш учун изланиш, ишда интизом, аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш зарур....

Хуллас, корхона жонкуярлари бу борада яна кўплаб қимматли мулоҳазаларини айтишлари мумкин. Дарҳақиқат, тежамкорликнинг энг катта сири — меҳнатда интизом ва ҳар бир иш жараёнига тадбиркорлик кўзи билан қарашдадир.

К. НОРМАТОВ

Қутб минордаги ўйлар

Бошимда — сўнги йўқ мусаффо осмон
Ва нилий гумбазда сайр этган қуёш.
Қошимда — осмондек сўнгсиз Ҳиндистон
Ва қуёш қалблилар мен билан сирдош.

Мармар минорадан — бир шеър ишқида
Ҳиндистон ҳуснига боқиб турибман.
Гўё меҳмон бўлиб дўстлик кўшкида,
Боғларда хаёлан кезиб юрибман.

Бу мармар — минора — илҳом маскани—
Юз йил бино бўлган юксак иморат.
Бир соатга меҳмон этдию мани,
Илҳоми — юз йиллик шеърдан иборат.

Юз йил агар тошга гул ўйсам яккаш,
Юз йил панжа урсам сухан конига,
Шеърият мулкида бўлиб бир наққош,
Юз йил ғазал битсам Ҳинд девонига;

Мармар миноранинг нақшу нигорин,
Кўчирсам шеъримнинг туроқларига,
Балки шод этардим унинг меъморин —
Бош эгиб Жамнанинг қирғоқларида.

Уйларим чарх урар мисли кабутар,
Уфқда жимирлар Ҳинд океани.
Боғларда анқийди бўйи муаттар,
Қалбимни забт этган Тагор ватани!

Карачи

Карачи денгизга бўлиб маҳлиё,
Хурмозор қўйнида ётар энтикиб.
Табиат шаънига ўқиб мадҳия,
Денгиз шовуллайди унга кўз тикиб.

Денгизнинг бу дилбар қўшиғин тинглаб,
Менга пешвоз чиқди Карачи бугун.
Қадрдон қирғоққа аста қўйиб лаб,
Унинг пойин ўпар лаҳзакор тўлқин.

Қуёш оташида ҳансираб, ёниб,
Нигорон боқади фараҳли шомга.
Самодан сочилган ёғдуга қониб,
Аста бош қўяди салқин оқшомга.

Неон чироқлари парпираб бирдан
Баҳс бойлашар осмон юлдузи билан.
Карачи жилмайиб сирли сурурдан,
Денгизга боқади минг кўзи билан.

Икки дунё унда яшар ҳануз ҳам,
Денгиз алла айтар онадек бедор.
Бири — сармоянинг домига қарам,
Бири — саодатнинг ёғдусига зор.

Бу ҳолдан бехабар, эй мушфиқ она,
Карачи бошида уйғоқсан тунлар.
Фарзандинг қошида бўлиб парвона,
Дардини қўшиққа солмиш тўлқинлар!

Иқбол мақбарасида

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Анвойи гулчамбар қабри бошида.
Юзларга маъюслик чўккандай хиёл
Одамлар бош эгар шоир қошида.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Она ери унга мангулик макон.
Қалбларни чулғайди минг турли хаёл,
Шоирнинг бошида заъфарон девон.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Бу дунё ғамию дардидан холи.
Оташин юрагин ўртамас илҳом,
Бошида чарх уриб ҳаёт шамоли.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Шарқ бўйлаб таралар ғазали лекин.
Унга ҳамдард бўлди бахтли истиқбол,
Шоир эркпарварлар сафида бугун.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Мавлон РАҲМОНИЙ

Умр дафтари

АРК УСТИДА АЛАНГА

Дархондаги Маъдали қассобнинг ҳовлисида — Иноятхон амаки, Хўжахон пакананинг ташқари ҳовлисида — Файзуллахўжа ака, Салоҳиддин муфтизоданинг уйида — Ибодхон ака, яна бошқа ҳовлиларда эса мен номларини билмайдиган кишилар жойлашган эди.

Бухоролик инқилобчиларнинг идораси Занжирлик маҳаллада Сайдалихўжа мутаваллининг болохонасига жойлашган бўлиб, Бухоро ревкоми ҳам ўша ерда иш олиб борарди.

Бу идора ошкор эмас, кўпроқ яширинча ишларди. Чунки Бухоро амири инқилобчиларнинг ишидан хабар топмаслиги керак эди. Бинобарин, Файзуллахўжа акалар ўзларини одамлардан узоқроқ тутишиб, уй-жойларини, идораларини тез-тез ўзгартириб туришарди.

Иноятхон Бахшилла ўғли табиб сифатида отамни даволаган, яхши танишмиз. Оиласи билан борди-келдимиз бор. Бухорода амир 1917 йили унинг акаси Назруллахонни сўйдиргач, Иноятхон курашга қасд қилди. У ревкомда ишларди.

Одатимча, Иноятхон амакиникига эшик қоқмай кириб келдим. Ташқари ҳовлида бухороликлар ҳарбий машқ ўтказаётган эканлар. Мени кўришиб: «Қори, эшикни занжирлаб келинг», дейишди. Эшикни занжирлаб келгач, четроқда томоша қилиб турдим. Қиличбозлик, тўппончабозлик қилиб, ҳар ким ўз маҳоратини намойиш этарди. Аммо, командирдан бошқалари отишда анча нўноқ, фақат қулги бўлишарди. Қизиқиб кетиб, яқин бориб қолибманда, уларга қўшилиб кулиб юборибман. Шунда биров елкамга туртиб, койиди:

— Нима, сенга масхара бўлиб қолдикми?!

Бу Ибодхон ака эди. У киши Файзуллахўжа аканинг иниси, мендан ёши катта, болачақалик одам. Беш-олти ой илгари менга бир тилла портсигарни заргарга сотиб келишни буюрган, мен ҳожатини чиқариб, у кишини хурсанд қилган эдим. Шунинг учун дўкларидан чўчимасдим. Бирдан:

— Менга ҳам рухсат берсанглар,— деб юборибман. Ҳамма бир-бирига қаради.

— Майли, навбат сенга,— деди Иноятхон ака. Рус командир исм-фамилиямни сўраб олиб, қуролни қандай ушлаш, тепки босганда туртиб юборишини айтиб, нишонни кўрсатди. Тўппончани ўқлаб қўлимга тутқазди-да, ўзи ёнимда турди. Нафасимни ичимга тортиб олиб, нишонни кўзлаб туриб, тепкини босдим. Бахтимни қарангки, нишонга тегди. Ҳаммалари қизиқишиб, «Қаерда ўрганган?», деб қолишди.

— Ов милтиғим бор, отиб юрганман,— дедим.

Файзуллахўжа ака мени кузатиб турган экан, секин олдимга келди:

— Ука, биз билан бирга бўлинг, ўртоқ Ивановнинг батареясига ёзиб қўямиз.

У кишини ҳамма негадир «Эшон ака» дерди. Ўзи юмалоқдан келган, оқ юзли, бўйи кўз, пастроқ бўйли, хушбичим одам эди. Файзуллахўжа ака қора қошларини чимириб, менга тикилиб турарди.

Мен Ивановга қарардим, у қўлини узатди.

— Амирга қарши урушга борасизми?

— Бораман,— дедим қатъий.

Биз, бир қанча қизил аскарлар билан эртаси кечгача тайёргарлик кўрдик. Кеч соат тўққизда «Тошкент эшелонига бориб, ўртоқ Иванов батареясига қўшилдик.

Бухорога жўнар эканмиз, Тошкент вокзалида ва йўл-йўлакай кўп ерларда бир соатли, икки соатли машғулотлар ўтказаверибди, кўзимиз анча пишиб қолди.

Эшелонимиз йўл-йўлакай ўтин, сув олиб, артиллерия ортилган оғир вагонларни зўрға судраб бормоқда эди. Олдинги икки вагонда командирлар, раҳбар ходимлар, мухбирлар, ўртадаги тўққиз вагонда аскарлар, кўнгиллилар жойлашган. Яна олти вагонга снаряд ва ўқ-дорилар, икки вагонга ёқилғи, озиқ-овқат ортилган эди. Станцияларда баъзан икки-уч соатлаб туриб қолинар, ёқилғи ғамланиши билан паровозимиз вишиллаб ҳаракатга келарди.

Қуёш худди мис баркашдек икки марте

Охири. Боши журналнинг 11-сонида.

уффқа юмалади. Икки ярим кун деганда Когонга етиб бордик. Эшелонимиздаги аскарлар буйруқларга кўра жой-жойларга тарқатилишди. Тўпчилар расчётларини тўғрилар, пулемётларни ўт очадиган ўринларга қўяр эдилар. Станцияда бизникидан бошқа яна ўнлаб эшелон бўлиб, улар биздан бир неча кун олдин келган экан. Қўмондонлик Чоржўйни олиб, энди, уч кунлик қамалдан сўнг, амир Олимхон билан музокара олиб бораётган экан. Ниҳоят кечаси соат ўн бирларда Туркфронт қўмондони Михаил Васильевич Фрунзе ва сиёсий раҳбар Валериан Владимирович Куйбишевнинг буйруғи эълон қилинди.

Артиллерия ҳужумга тайёрланиб, ўт очишга буйруқ берилишини кутиб турарди. Эшитишимизча, икки кундан буён отишма тўхтамаган бўлса-да, бир неча соатдан бери ҳамма ёқ жимжит эди. Фақат итларнинг, чиябўриларнинг овози эшитиларди. Эски Бухоро билан Когон ўртасида кичик-кичик кўллар, қамишзорлар кўп бўлиб, унда шақаллар тўда-тўда бўлиб юрар, бирор шарпани сезишлари биланоқ, улий бошлар эдилар. Соат ўн иккиларда Шербудун тарафдан сарбозларнинг ғала-говури, ўқ овозлари эшитила бошлади. Соат учларгача тўпларимизни яна текшириб, расчётларни ўзгартирдик. Снарядларни М. В. Фрунзенинг ўзи кўздан кечирди. Тилларда достон бўлган бу қаҳрамон жуда содда, ҳазилни яхши кўрадиган, ўзбекча-қозоқча аралаш бир тилда жангчилар билан оддийгина гаплашадиган, соқоли бўлса ҳамки ёш кўринадиган ёқимтой одам эди. У киши:

— Уртоқлар, қўмондонликка ўртоқ Ленидан топшириқ бор. Амирликни емириб ташлаб, Бухоро меҳнаткашларини озодликка чиқаришимиз керак!..— деди ўша куни.

Фрунзенинг айтган сўзларини ўйлаб қолдим: у вазифани соддагина қилиб қўйди. Снаряд яшиги устида шуни ўйлаб ўтирсам, бирдан команда берилиб қолди. Снарядларни қўлма-қўл узата бошладик. Олти вагонга ўрнатилган ўн саккизта тўпдан снарядлар ўн уч чақиримга — амир Олимхонни «зиёрат» қилгани кетма-кет учиб турди. Тахминан, ўн беш минут ичида ҳар қайси тўп саккизтадан ўқ узди. Сўнг ўқ узишни тўхтатиб, жануб томонга икки-уч километр маневр қилдик. Биздан бошқа эшелонлар ҳам станцияни бўшатиб қўйишди. Кўп ўтмай, амир тўплари ҳам станцияни бетартиб тўпга тута бошлади. Амирнинг «жаҳонгир» тўплари темир йўлнинг баъзи жойларини бузиб ташлашгагина қурби етди, холос. Аскарий қисмдан бирор жонлига зарар етказа олмади. Темир йўл ходимларининг оилалари турадиган бир неча хонадонда ёнғинлар чиқди, улар ўз вақтида ўчирилди. Бухорода эса алвон аланга ғарб томонни бутунлай қоплаган эди. Ёнғин Арк атрофидаги майдонларни тутган бўлиб, у ерларда аҳоли яшамас эди. Мени командир чақириб, штабга боришни буюрди. Вагонлар оралаб, жангчилар ва алоқачилардан сўрай-сўрай тўртинчи қатор изда турган қизил вагонга яқинлашиб, навбатчига исм-фамилиямни айтдим. У менга кутиб туришни буюриб, ўзи ичкарига кирди.

Пайтдан фойдаланиб, икки қатор изни кесиб ўтиб, водопроводдан сув ичиб турсам, қоронғида икки кишининг сўзлашиб келаётгани қулоғимга кирди. Қулоғим тўп гумбуридан битиб қолган эди, эшита бошлаганидан хурсанд бўлиб кетдим. Келувчилардан бирининг шпори жиринглаб, суворийлиги билиниб турар, ҳар иккисининг талаффузидан тошкентлик эканликлари англашилар эди.

Синчиклаб қарасам, Тошкентдаги Шўртепа маҳаллалик Раҳматулла Носирий билан Бешёғочдаги Мўркон кўчалик Тоживой Қорахонов экан. Мен уларни яхши биламан. Раҳматулла аканинг опаси Робия Носир қизи Тошкентда биринчи бўлиб паранжи ташлаган аёллардан. Ўзи ҳам чиниққан жангчи. Тоживой ака ҳам жанговар курашчилардан.

— Ҳа, Раҳматулла ака, қоронғида нима қилиб юрибсизлар?— дедим.

— Ростини айтсам, мана бу Тоживой уч кундан бери мени ўз ҳолимга қўймайди. Майнани, командир қизни кўрсатасан деб, хархаша қилавериб жонимга тегди. Бугун кечқурун бир соатга рухсат олиб, Когон эскадронига бориб, ўша командирга меҳмон бўлдик, қўмондонликнинг мукофоти билан табрикладик. Лекин ҳуш-жамолига, ақл-идрокига, иш тутишига қойил қолиб, анча ўтириб қолибмиз.

Улар кўрқмас командир қиз Майна Ҳасанова ҳақида гапиришарди. Мен ҳам унинг довруғини эшитган эдиму, ўзини кўрмаган эдим.

Мени вагонга чақиришди, ичкарида бир неча командир суҳбатлашиб, стол устидаги кичик харитани ўрганишар, хонани иккита шам хиралигина ёритиб турарди. Салом бериб, фамилиямни айтдим.

— Қори, сизмисиз?— деб сўради Иванов.

— Ҳа, хизматингизга тайёрман, ўртоқ командир,— дедим.

Командиримиз Иванов чиниққан чекист. У Эски Бухорони беш қўлидек билар, ўзбек тилида яхши гапирар, самимий, ғоят қатъиятли одам эди.

Бу орада ҳалиги икки киши — Раҳматулла ва Тожибой акалар ҳам кириб келишди. Биргаликда буйруқ кутиб турдик. Вагоннинг бўлингак иккинчи қисмидан Михаил Васильевич Фрунзе чиқиб келиб, ҳамма билан саломлашди. Мулойим, аммо синчков назар ташлаб чиққач сўради:

— Чақирилган жангчилар шу ердами?

— Шу ерда,— деб жавоб беришди.

— Сизлар Бухорода илгари бўлганмисизлар?

—Ҳаммамиз ҳам бўлганмиз,— деб жавоб қайтардик.

Шунда командарм ҳаммадан якка-якка сўрай бошлади. Навбат менга келганда:

— Менинг акаларим Бухорода ўқишарди, 1914 йилда амаким ва бувим билан бирга келган эдим. У киши Бухорода тўсатдан вафот қилди, биз бу ерда беш-олти ой туриб қолдик. Бундан ташқари, Хўжа Зайниддин мақалласида танишларимиз бор,— дедим.

— Демак, бу ерни яхши биласиз.

— Уйма-уй, кўчама-кўча биламан.

— Бери келинг, ўртоқ Иванов,— деди қўмондон,— мана бу ўртоқлар сизнинг ихтиёрингизда бўлишади. Топшириқ жиддий, режа ҳалиги кўрсатганимдек, ҳеч ўзгаришсиз бажарилсин. Керакли нарсаларни таъминотчидан олинг, аҳоли билан яхши муомала қилинглар. Икки кундан сўнг Эски Бухорода кўришамиз. Оқ йўл!— деб, ҳаммамиз билан қўл қисиб хайрлашди.

Биз иккинчи хонада, чакка сочи оқарган штаб бошлиғидан тегишли ҳужжатларни олиб, Иванов бошчилигида саҳар пайти кийим-кечакларимизни ўзгартириб, эшак миниб, Эски Бухорога тушиб кетдик.

Биз Бухорода вазифамизни яхши бажардик — енгил артиллерия, отлиқ ва пиёда аскарларимиз шаҳарни ишғол қилишда биз берган маълумотлардан фойдаланишди. Биз кўрсатган дарвозалардан ёриб ўтиб, Заргарон, Мир Араб мадрасалари, заргарлик расталари ва Боло Ҳовуз ҳамда Арк майдонларида шиддатли жанг бошлашди. Амирнинг ёлланма, қурама сарбозлари Қизил Армиянинг икки соатлик зарбасига бардош беролмай, тушдан кейин Арк ичига қамалиб олдилар. Ўша куни кечгача Аркни қўлларида сақлаб туриш, Дарвозаи Қавола томонда афгон ротларини ҳам ишга солиб, чет эл миссиялари ва амирни қочириб, Қизил Армияни чалғитишни режалаштирган эканлар.

Биз бу режани пайқаб, хабар қилдик. Ниҳоят, кечга бориб, соат ўн бир-ўн иккиларда Арк ҳам эгалланди. Унинг пештоқида ўроқ-болғали қизил байроқ ҳилпиради. Командарм Владимир Ильич Ленинга телеграмма юборди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Тошкент, Фарғона ва Урта Осиёнинг бошқа шаҳар-қишлоқларидан қочиб келган бойлар, савдогарлар Бухоро амири паноҳида ажнабий мамлакатлар билан алоқа боғлаб юборган эканлар. Бухорода уруш ҳолати бўлишига қарамай, савдо-сотиқ қизиб борар, бой-савдогарлар у ёқдан-бу ёққа зир югуришмоқда эди.

Эртасига Арк майдонида митинг бўлиб, унда М. Фрунзе, Туркфронтнинг сиёсий раҳбари В. Куйбишев, Файзулла Хўжаев ва бошқалар нутқ сўзладилар.

— Жафокаш Бухоро меҳнаткашлари ҳақиқий озодликка чиқдилар,— деди Куйбишев.— Яшасин Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти! Яшасин Бухоро меҳнаткашлари!..

Митинг охирида оркестр «Интернационал» маршини чалди. Ҳамма қўлга киритилган буюк ғалабадан беҳад хурсанд эди.

В. ДУМКИН чизган

Инсон ва қонун

Ҳ. ЯҲЁЕВ,
ЎзССР Ички ишлар министри,
II ранг ички ишлар генерали

ҲАМИША ПОСБОНЛИКДА

«Ҳар бир совет граждани,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев,— ҳаёти ва омонлиги, мол-мулки, ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати ва осойишталиги давлатнинг ишончли муҳофазасида эканлигига амин бўлиши керак».

Бу сўзлар биз, ички тартиб муҳофазаси ходимлари учун ҳам бевосита тааллуқлидир, ишимизда дастурдир.

Ўзбекистон ички ишлар органлари жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини изчил амалга ошириб бормоқдалар.

Ишимиздаги жиддий ўзгаришлар аввало партия ва ҳукуматимизнинг 1968 йил ноябрь қарори билан боғлиқдир. Бу қарорни амалга оширишга қаратилган тадбирлар совет милицияси фаолиятида жиддий ислоҳот бўлди, бу борада зарур шарт-шароитларни яратиб берди.

Ички ишлар органларининг куч-ғайрати бошқариш системасини такомиллаштириш, кадрлар составини мустаҳкамлаш, жиноятнинг олдини олиш ишларини кескин яхшилаш каби асосий вазифаларни ҳал этишга, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслиги принципига, қонун бузувчиларни тарбиялашни тубдан яхшилашга, социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлашга қаратилди. Сўнгги йилларда қонун бузувчиларга қарши курашни кучайтириш мақсадида ички ишлар органлари структураси қайта қурилди. Қонун бузиш ҳолларининг олдини олиш ишларини такомиллаштириш соҳасида бир қанча ташкилий тадбирлар кўрилди. Йирик шаҳар ва районларнинг ички ишлар бўлимларида махсус бўлинмалар тузилиб, уларнинг асосий иши — жиноятнинг олдини олиш, тарбиявий ва огоҳлантириш ишларини олиб бориш, қонун бузилиши ҳолларини келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш, меҳнаткашларнинг ишлаш ва яшаш жойларида жамоатчилик ташкилотлари билан мунтазам алоқа ўрнатишдан иборат, деб топилди.

Кадрларни танлаш, уларга таълим бериш масаласига алоҳида эътибор қилинди. Милиция органларида ишлайдиган кадрлар, одатда, меҳнаткашлар коллективларининг тавсиясига кўра партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари йиғилишларида қабул этилади. Фақат сўнгги йиллардагина ишга қабул қилинганларнинг 65 проценти КПСС ва ВЛКСМ аъзолари, 90 процентдан кўпроғи олий, махсус ўрта ва ўрта маълумотга эгадир. Кўпчилик шаҳар ва район органларининг бошлиқлари, терговчилар олий маълумотлидирлар. Жиноят қидириш, социалистик мулкнинг ўғирланишига қарши кураш, давлат автомобиль назорати хизмати, меҳнат-тузатиш муассасалари ходимлари орасида ҳам юқори маълумотлилар кўпайиб бормоқда. Ички ишлар органлари снёсий-тарбия аппаратларига тажрибали партия ходимлари келдилар; милиция хизматидаги ёшлар ўз касбларига оид билимларни жанговар ва хизмат тайёргарлиги системасида, оператив маҳорат мактабларида ошириб бормоқдалар.

Милициянинг техника жиҳатидан қуролланиш даражаси анчагина ўсди. Ҳозирги кунда республика ички ишлар органлари энг замонавий криминалистик, оператив-техник воситалар, махсус транспорт ва турли-туман алоқа воситалари билан қуролланган.

Аппаратларимизда телетайплар, портатив радиостанциялар, тунги кузатиш жиҳозлари, магнитофонлар, металл қидирувчилар, жиноят изларини топиш ва қайд қилишга хизмат этадиган кўпгина бошқа воситалар кенг кўлланилмоқда.

Партия ва совет органлари раҳбарлигида, комсомол, касаба союз ташкилотлари, жамоатчиликнинг актив ёрдамида олиб борилаётган иш ижобий натижалар берди. Бизда жиноятлар содир бўлиши тобора камаймоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съездида республика маъмурий органларининг ишига юқори баҳо берилди. «Ички ишлар, прокуратура, суд ва юстиция органлари ходимларининг зўр ғайрати билан,— деб қайд этди ўз докладида ўртоқ Ш. Р. Рашидов,— кўпгина жиноий гуруҳлар, халқ бойлигини таловчилар, порахўрлар, чайқовчилар ва бошқа жиноятчи унсурлар фош қилинди ҳамда зарарсизлантирилди».

Бундай юксак баҳодан биз хурсандмиз, албатта. Лекин биз муваффақиятларимизга ҳам, камчиликларимизга ҳам тийраклик билан қараймиз, камчиликларимизни бартараф этиш учун амалий кураш олиб борамиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг жиноятчиликка қарши кураш масалаларига оид қарорларини амалга ошириш, КПСС XXIV съезди қарорларини оғишмай турмушга татбиқ этиш асосида фан-техника ютуқларидан ҳар тарафлама фойдаланиш, бошқариш системасини, кадрларнинг снёсий тарбиясини яхшилаш, малакасини ошириш, жамоатчилик ва бошқа маъмурий органлар билан алоқани кенгайтириш, жиноятнинг олдини олиш ишларини тубдан кучайтириш, социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу тадбирлар натижасида жиноятчилик мунтазам камайтириб борилади, республикамизнинг шаҳар-қишлоқларида жамоат тартибини муҳофаза қилишга эътибор янада оширилади.

Қонун бузилишининг олдини олиш ички ишлар органлари фаолиятининг асосини ташкил этади. Қонун бузилишини бартараф қилиш борасидаги ишнинг муваффақиятида жиноятнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳал қилувчи аҳамиятга молликлиги КПСС Марказий Комитетининг XXIV съездидаги Ҳисобот докладида кўрсатиб ўтилди. «Қонунларда кўзда тутилган жазо чораларини қўлланиш билан бир қаторда,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев,— жиноятларнинг олдини олиб, уларга йўл қўймаслик борасида ҳам тобора кўп ғамхўрлик қилмоқдамиз». Қонун бузилишининг олдини олиш — мураккаб ва масъулиятли ишдир.

Қонун бузилишининг олдини олиш ишларини самарали равишда амалга ошириш учун кенг ваколатга, малакали кучлар, таъсирчан воситаларга эга бўлиб, бу вазифани муваффақиятли бажаришимизга шак-шубҳа йўқдир.

Аммо, жиноятнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар билангина чекланиб бўлмайди. Тажриба ашаддий жиноятчини, безорини ва ўғрини насиҳат билангина тарбиялаш мумкин эмаслигини кўрсатади. Шу сабаб-

Муҳокама, мунозара, мулоҳаза

АЁЛЛИК САОДАТИ

Мен ўзбек қизиман, қалбда аланга,
Шарқдан қуёш бўлиб боқдим оламга...

Қ

из бола туғилса ўчоқ боши севинар, ўғил бола туғилса тоғу тошлар севинар, деган маталнинг эскириб, истеъмолдан чиққанига ярим асрдан ошди. Бугунги қиз-жувонларимизни кўриб қувонасиз, мафтун бўласиз! Улар энди фаол жамоатчи, мисли кўрилмаган меҳнат зафарларини қўлга киритаётган илғор ишчи, фан доктори, зангори кема капитани, Қаҳрамон она, ихтирочи инженер, қалами ўткир адиба. Қайси соҳа, қайси жабҳага назар ташламанг ўз меҳнатидан, замонасидан, уй-рўзғоридан мамнун, хушнуд қиз-жувонларни учратасиз. Ақлидрокда, ижодий меҳнатда партия ва халққа садоқатда кишиларнинг ишончини қозонган оқила аёлларимизни эл қадрлайди. Уларнинг иқтидори ва истеъдодини эъзозлаб парвариш қилади.

Пахтакор ўлка қизларимиз. Гурунгимиз, шеърларимизнинг мавзуи ҳам кўпроқ пахта, дала ҳақида бўлади.

«Оқ олтин» етилиб, ҳосил кўтарилаётган чоғлар эди. Урта Чирчиқ районидаги Николаева-Терешкова номли колхозга йўлимиз тушди. Шу колхозга ўн тўрт йил раислик қилган Юсуф ота Юнусовнинг суҳбатида бўлдик:

— Қаридим, белимдан мадор кетди,— деди ота.— Колхозни тадбиркор ёшларга топшириш ташвишида қолдим. Шунча йил меҳнат қилдим, колхоз хўжалигини яхшиладик. Бўлажак раис ана шу эришилган ютуқларни кўз қорачиғидай асрай оладиган одам бўлиши керак. «Оқ олтин»— колхознинг асосий бойлиги. Ҳосилга ҳосил қўша оладиган бир жонкуярни раисликка танласак, армоним қолмас эди. Кўпчиликка маслаҳат ташладик. Халқ колхозимизда вояга етган, меҳнаткаш қизимиз Умрихон Ҳасановани раисликка тавсия этди. Баъзи шуди йўқ эркаклар аввалига: «Хотин кишига қолган қунимиз нима бўларди?» деб бурунларини жийиришди. Умрихон эса оғир карвон, ўз ишида давом этаверди.

Умрихоннинг далаларини, хўжаликни кўздан кечирдик, мўътабар кексалар билан суҳбатлашдик. Янги олмазор барпо этилибди, янги ҳаммом, мактаб қурилибди. Колхозчиларнинг турмуши яхши. Уфқларга туташ далаларнинг кўрки кўзни олади. Механизаторларнинг кўпчилиги қизлар, жувонлар — Умрихоннинг сафдошлари. Улар бу йил механизаторлик курсини битириб келишди. Ҳар бирининг юраги пахтани машина билан териш ишқида ёнади...

Бу қизларнинг юрагига қўл солиб бир нарсага қаноат ҳосил қилдик. Улар ҳам ишдан бўш вақтларда, сайлларда, колхоз боғидаги гурунгларда, тўй-ҳашам ва қизлар мажлисла-

ли биз социалистик жамият қонунларини қасддан бузган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўришдан асло воз кечмаймиз.

Ҳар бир коллектив ахлоқ бузувчи шахсларни тарбиялашда бизга яқиндан ёрдам бермоғи даркор. Жиноятнинг олдини олиш борасида меҳнат коллективларимиздан оммавийроқ, қудратлироқ ва самаралироқ восита бўлмаса керак.

Жамоатчилик таъсирини кучайтиришда ишни режали олиб бориш учун ҳар бир корхона, қурилиш ва хўжалик ташкилотида махсус кенгаш ва группалар тузиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноятнинг олдини олиш тадбирлари билан шуғулланадиган бундай кенгашлар республикамизнинг кўпгина саноат корхоналарида тузилган бўлиб, уларнинг ажойиб тажрибалари тўғрисида айтиб ўтиш ўринлидир.

Гагарин номидаги Тўқимачилик машинасозлиги заводида тузилган кенгашга партия комитети, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари, энг яхши ишчилар, ветеранлар кирган. Кенгаш йил давомида милиция органлари билан яқиндан алоқа боғлаган ҳолда қонун бузишнинг олдини олиш борасидаги ишларни амалга оширади, ғайри қонуний хатти-ҳаракатлар сезилган шахсларнинг юриш-туришидан кўз-қулоқ бўлиб туради. Бундай кимсаларнинг ҳар бири билан тарбиявий иш олиб борилади. Кенгаш аъзолари ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Цехларда махсус режа асосида қонунчилик мавзуларида лекциялар ўқилади, ички ишлар, прокуратура, адлия ходимларининг суҳбатлари ўтказилади.

Қонун бузишни бартараф этиш борасидаги ишлар илғор социалистик анъаналарни турмушга фаол татбиқ қилиш билан бирга олиб борилади.

Корхонада ҳуқуқ-тартиботни ва меҳнат интизомини бузувчилар анча камайганлиги шубҳасиз жамоатчилик ғайрати туфайлидир. Ҳуқуқ-тартиботни бузишнинг олдини олиш борасидаги самарали ишларни ташкил этган бундай илғор корхоналарнинг тажрибаларини кенг оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қонун бузилишининг, айниқса кўча-кўйда, оилаларда юз берадиган майда жиноятларнинг камайишига милиция билан кўнгилли халқ дружиначилари ҳамда комсомол оператив отрядларининг ўзаро муносабати тўғри ташкил этилганлиги туфайли эришилмоқда.

Республикамиз шаҳар-қишлоқлари кўча тартибини сақлашда милицияга кўплаб халқ дружиначилари, комсомол оператив отрядлари ёрдам бермоқда. Бундай ёрдамчи кучлар жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда умумшаҳар рейдларини ўтказишда, аҳоли яшайдиган жойларда қонунга риоя қилиш борасида фойдали фаолият кўрсатмоқдалар. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида айрим кунларда тартиб сақлаш учун 5 мингдан ортиқ дружиначи ва жамоатчилик вакиллари навбатчилик қиладилар. Улар кўпгина жиноятларнинг олдини олдилар. Халқ дружиначилари ўз гражданлик бурчларини фидокорона адо этадилар.

Сўнгги вақтда кўнгилли халқ дружиначиларининг милиция билан алоқаси кучайиб бормоқда. Жиноят қидириш, социалистик мулкнинг дахлсизлиги учун курашувчи, давлат автомобиль назорати аппаратлари билан биргаликда ҳаракат қилувчи махсус дружиналар тузилмоқда. Комсомол оператив отрядлари эса болалар хоналари ходимлари билан доимий алоқа боғлаганлар.

Аммо бу ҳали катта ишнинг ибтидосидир.

Мамлакатимизда юз берган кескин ижтимоий ўзгаришлар натижасида аҳоли орасида ножўя ва хунук ҳолларга муросасизлик ҳисси ғоятда кучайиб кетди. Халқимиз безори, текинхўр ва тамагирларга қарши кескин, омонсиз кураш очишни талаб қилмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз қонун-тартиботни мустаҳкамлаш борасида ўтган йилнинг ўзида бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товловчи ва жамоат тартибларга зид ҳолда, текинхўрлик билан кун кечирувчи шахсларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида» деган қарори, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Дайдиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида» деган Фармони шулар жумласидандир.

Қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларини бартараф этиш жараёни мураккабдир. Бу проблемани ҳал қилмоқ учун изчил равишда янгидан-янги иш шакллари топиш, амалда синалган самарали усулларни такомиллаштириш зарур.

Милициямиз ходимлари сидқидилдан хизмат қилиб, фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Масалан, Амударёда тошқин юз бериб, Беруний шаҳри ва районидаги айрим қишлоқларни сув олганда аҳолини қутқариш учун биринчи бўлиб ички ишлар ходимлари етиб бордилар. Ўжар дарёга қарши кечаю-кундуз мардонавор жанг олиб борилди. Бу мураккаб табиий офат шароитида тартиб ва осойишталик сақланиб, қонун бузиш ҳолларига йўл қўйилмади.

Нукус шаҳар ички ишлар бўлимининг ходими Жумаевнинг қаҳрамонлиги республикамиз меҳнаткашларининг ёдида. У жонидан кечиб бир неча кишини қутурган қуролли жиноятчи тажовузидан сақлаб қолди. Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг йўл назорати инспектори, милиция офицери Жамол Давидов пойтахт гражданлари пахта йиғим-теримига кетаётган автобусни ҳалокатдан қутқариш учун ўз ҳаётини аямади. Тошкент станцияси темир йўл милициясининг ходими Владимир Пирожков оғир ярадор ҳолда жиноятчилар гуруҳини қувиб бориб, улардан бирини қўлга туширди ва қуролсизлантирди. Яқинда Ленин район ички ишлар бўлимининг милиционерлари Виктор Жердочкин ва Эргаш Зиётов кечаси пойтахт аҳолиси осойишталигини бузган хавфли ва қуролланган жиноятчи билан олишиб қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Милиция ходимларининг фидокорлигига оид бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Республика ички ишлар органлари ва бўлинмаларида Владимир Шиманский, Игорь Искра, Саркис Колустьян ва Николай Нарижний каби бир талай етук, тажрибакор ходимлар социалистик қонун дахлсизлиги учун курашда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Халқнинг миннатдорчилиги — уларнинг серташвиш, оғир меҳнати учун катта мукофотдир.

Совет милицияси обрў-эътиборини кўтариш, совет қонунларини оммалаштириш борасида ташвиқот-тарғибот воситалари ҳамда ижодий ташкилотларнинг аҳамияти ғоят каттадир. Республикамизда ҳам бу соҳада кўпгина ишлар қилинмоқда. ЎзССР Ички ишлар министрлиги коллегиясининг Маданият министрлиги, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, Матбуот давлат комитети, Кинематография давлат комитети, Ёзувчилар союзи, Журналистлар союзи, Рассомлар союзи, Композиторлар союзининг раҳбар ходимлари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилиши ички ишлар органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасида олға қўйилган қадам бўлди.

Республика, область, шаҳар газеталарининг кўпчилигида милиция фаолиятини пропаганда қилувчи жамоатчилик редакция кенгашлари тузилган, махсус рубрикалар очилган. Радио ва телевидениеда ҳам худди шундай ишлар амалга оширилмоқда. Милициянинг фидокорона хизмати тўғрисида ҳикоя қилувчи «Тўлқинда—02», «Инсон ва қонун», «Мардлик вахтасида» каби эшиттиришлар қизиқарли ўтказилмоқда.

Бу йил мамлакат ва республика экранларига «Фалокат оёқ остида» бадиий фильми чиқарилди. Бу фильмда Ўзбекистон милиция ходимларининг қаҳрамонона ишлари тўғрисида ҳикоя қилинган. Бундан ташқари, бир неча ҳужжатли фильмлар яратилди. Сўнгги йиллар ичида совет милицияси тўғрисида ҳикоя қилувчи ўнларча китоблар нашр этилди.

Буюк совет шоири Владимир Маяковский: «Менинг милициям — мени қўриқлар», деган эди фахр билан. Чунки совет милицияси ходимлари коммунистик жамият қураётган халқимизнинг осойишталигини, унинг ҳаётини, тинч-омонлигини муҳофаза этиб, мамлакатимиз муқаддас қонунларининг дахлсизлигини ҳушёрлик билан қўриқламоқда.

рида, шоир ва ёзувчилар билан ўтказиладиган учрашувларда шаҳар қизларидай ўзларига оро бериб юришни севишади, замонавий кийинишни, мусиқа чалишни, қўшиқ айтишни, ёшлик кечаларида қатнашишни яхши кўришади. Мана, Дилбархон Қодирова. У илғор механизатор. Ўз ишидан мамнун. Далада пахта теришдан ташқари, завқини, қалб тўлқинларини шеърга солади. У ҳали ёш, ҳар нарсага сурурли кўз билан қарайди. Муҳаббат сатрларидан ёниб-жўшиб ўқиб ҳам берди. Ҳар сатридан шу дала, чаноқларни тўлдириб турган шу беғубор «оқ олтин», шу қадрдон қишлоқ руҳи барқ уриб турибди. Ғоят самимий мисралар.

Нурхон Нурматованинг қўшиққа, мусиқага иштиёқини кўрдик. Унинг тиниқ овози далаларни тўлдиради. Нурхон қамишдан най ясаб чаларкан.

Мен қишлоқ қизларининг завқ-шавқи, маданияти ҳақида ўйлаб кетдим. Колхоз боғи ишкомларидан узум узаётган қизнинг қўшиғини эшитганман. Шамалоқдек узумларига термилиб шеър тўқиганини кузатганман. Тонг палласида гўдагини аллалаётган аёлнинг юрагидаги завқ тўлқинига ошно бўлганман. Аёлларни табиат латофат учун, гўзаллик, нафосат учун яратган дейман. Онамнинг қўлидан дутор тушмасди. Айниқса, баҳор кезлари боғда ҳар ғунча, ҳар ниҳолнинг куртак ёзишига термилиб дутор чертгани ёдимда. Укаларимни аллақандай таъсирли, ўтли аллалар айтиб ухлатганини ҳамон кечагидай эслайман. Мен билган барча аёлларнинг иккисидан бири албатта дутор чалишни билади ёки қўшиқ айтишга майли бор.

Аёллар даврасидаги ҳар бир гурунг, ҳар анжуманда албатта дутор чертилади, ўйин бўлади, қўшиқ, ғазал айтилади. Бу азалий удум. Ўтмишда паранжи, сачвонга ўралиб бўлса ҳам шоирлар даврасига дадил кириб борган Увайсийни яхши биламиз. Шеъриятга ҳавас, ўтли эҳтирос уни бу даврага етаклаб келган. Оналаримиз ироқи каштасига қатим тортаётганда қўшиқ куйлашган, қизларини турмушга узатаётганда ёр-ёр айтишган. Ўтмиш қўшиқлари, албатта мунгли эди, лекин, ҳар ҳолда, қўшиқ бор эди. Ҳозир эса хотин-қизларимизнинг бой маънавий дунёси билан ошно бўлсангиз, яна кўп фазилатларини сезиб оласиз. Юртда ҳаёт фаровон, осойишталик, маъмурчилик бўлса, ҳамма ёқда қўшиқ-куй янграйди. Халқ орасидан чиққан истеъдодли хонанда, созанда, раққосалар беҳисоб.

Деярли ҳар бир районда халқ театри, ҳар бир колхозда хотин-қизлар ансамбли тузилган. Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозининг ўзида юзга яқин ашулачи, мусиқачи қиз бор. Улар музика билимига, музика маданиятимизнинг бойликларига, бастакорлар таълимидан баҳраманд бўлишга ташна. Шу ўринда баъзи мулоҳазалар ёдимга келади. Музика билим юртларида, консерватория, мусиқа мактабларида ўқиётган ўзбек хотин-қизлари ҳали ҳам оз. Тошкент Давлат консерваториясида 1314 киши таҳсил кўраётган бўлса, шуларнинг атиги 129 тасигина ўзбек қизлари. Ҳамза номидаги музика билим юртида эса 841 ўқувчининг 57 тасигина ўзбек қизлари. Островский номидаги Театр ва рассомлик институтида 864 студент ўқийди, улардан 114 тасигина маҳаллий хотин-қизлар. Музика мактабларини бевосита колхозларнинг ўзида, ақалли, район марказларида ташкил этилса, уларни республикамизнинг атоқли, малакали санъаткорлари оталиққа олса бўлмасмикан? Чунки санъат ҳаваскорларининг кўпи қишлоқларда, колхозларда — сабзалар қулф урган, анҳорлар тўлқинланиб оққан, дарахтлар барг ёзиб, мева туккан табиат қучоғидадир. Яна бир томони ҳам бор. Колхоз ёшларининг ҳаммаси завқли ишини ташлаб, пахтакор дўстларини ранжитиб шаҳарга ўқишга кетолмайди-ку! Ҳозирги аҳволда кўпларининг санъатга, музикага бўлган иштиёқи қамишни най қилиб чалишдан нарига ўтмай қолиши мумкин. Менинг отам ҳам музика шайдоси. Танбур, дутор, ғижжак чалади. У киши менга ўттизинчи йилларда энг илғор колхозларга рўйхат билан пианино тақсим қилишгани ҳақида гапириб берган эди. Ҳозир Тошкент Марказий универмагига кирсангиз, пианинолар қаторлашиб турибди. Баъзи колхоз клубларида бурчак-бурчакда пианино-

ҚУРДОШ, ҚАЛАМДОШ

Ёшликдан бирга ўсган, ҳар бир қадами, ҳар бир асарининг ёзилиш тарихидан хабардор бўлган дўстинг ҳақида қисқа мақолада бир нима дейиш ҳам осон, ҳам қийин. Шунинг учун осонки, кузатувларинг, хотираларинг, таассуротларинг, умуман, айтмоқчи бўлган юрак сўзларинг бисёр — улар катта-катта мақолаларга ҳам етарли. Қийин жиҳати шундаки, дўстингнинг катта ишлари, адабиётда воқеа бўлган асарлари сенга оддий бир нарсадай бўлиб кўринади. Балки, у билан ҳамиша бирга бўлганинг, бирга ўқиганинг, бирга ишлаганинг, хуллас, бир авлодга, ягона ижодий оилага мансуб бўлганинг учун шундайдир.

Мен Рамз Бобожон билан 1935 йилда танишганман. У ўша вақтда ҳам Рамз Бобожон эди, яъни илк шеърларига шундай деб имзо чекар. Ёзувчилар союзи остонасига шу ном билан қадам қўйган эди. Қарабсизки, орадан бир етук инсон умричалик вақт — 36 йил ўтибди!

Ҳозир адабиёт кемасини юргизиб турган — «ўрта авлод» деб танилган романчилар, шоирлар, драматурглар, олимлар урушдан аввалги ўша йилларда, ўн беш-ўн олти яшар ўспиринлик фаслимизда Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон, Ойбек ва Уйғун Абдулла Қаҳҳор ва Комил Яшинлар билан учрашдик. Улар бизнинг қўлимиздан маҳкам ушлаб, адабиётнинг кенг йўлидан етаклаб кетдилар.

Рамз Бобожон бу қутлуғ даргоҳга инқилобчилар оиласидан кириб келди. Унинг «Бобом билан суҳбат» достонида:

Менинг бобом Ленинни кўрган,
Ленин билан суҳбат ҳам қурган...—

деган мисралар бор.

Шоирнинг бобоси Очил Бобожонов Улуғ Октябрь социалистик революциясининг фаол иштирокчиларидан бўлган. Тошкент Эски шаҳар Советининг биринчи раиси сифатида Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун астойдил курашган. Рамз Бобожоннинг отаси Насриддин Бобожонов, амакилари ҳам социализм фронтининг олдинги жабҳаларида курашганлар ва меҳнат қилганлар.

Шоирнинг яқиндагина ёзган «Уч қаҳрамон ҳақида баллада»сида шундай ибратли сатрлар бор:

Замон
беомон,
Замин нотинч,
Ўт чиқса ногиҳон,
Коммунист шубҳада,
Коммунистдан кўрар жаноблар...
Ҳолбуки,
олдинги жабҳада
Коммунист инсон
тинчликни қўриқлар,
Келажакка берар
шонли йўриқлар.
Тақдир учун,
жаҳон учун
Ҳис этади ўзин
жавобгар!

Шу ғоя, шу аъмол Рамз Бобожон поэтик ижодини суғоради, унга жанговарлик бахш этади.

Рамз Бобожон шоир сифатида ўнлаб шеърий тўпламларнинг ва «Қадрдон дўстлар», «Бобом билан суҳбат» «Оби ҳаёт» достонларининг, драматург сифатида «Тоға-жиянлар», «Лўлини алдолмайсан», «Инсу-жинс» комедияларининг авторидир. Айниқса, унинг устоз Ғафур Ғулом оқ йўл тилаган рубоийлари машҳур. У анчагина таржималар ҳам қилган. Булар орасида А. Твардовский «Василий Тёркин» поэмасининг таржимаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Совет ёзувчисининг энг яхши фазилатларини ўзида жам қилган Рамз Бобожон таниқли жамоат арбоби ҳамдир. У республика газета, журнал, нашриётларида кўп йиллар давомида самарали ишлади, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи раисининг ўринбосари.

Шоирнинг:

Янгидан туғилди ҳамма нарса ҳам,
Янгича кўринар яқин-йироқлар...

деган мисралари рамзийдир.

Рамз Бобожон — янги даврни зийрак кўз билан кўрган, халқи, Ватани бахтини улуғлаган, коммунизм тантанаси учун ўз илҳоми, ижоди билан астойдил курашаётган етук ёзувчи.

Муборак 50 ёшингиз қутлуғ бўлсин, азиз қурдошим, қаламдошим!

Ҳамид ҒУЛОМ

нинг чанг босиб ётганини кўрасиз. Нега шундай? Бу ҳақда маданият муассасалари, колхозларнинг раҳбарлари ўйлашлари, қайғуришлари керак. Ишчи клубларида, тикувчилик фабрикаларида, Тўқимачилик комбинатида бунинг учун шароит яратиш, музика тўгараклари кенг тармоғини йўлга қўйиш лозим. Зар дўппи тикаётган соҳибжамол қизларимиз музика чалишни билишса, қўшиқ айтиб, рақсни эшиб юборса қандай яхши! Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг Яхшитепа участкасида яшовчи бир гуруҳ ўқувчи қизлар хат ёзишибди: «Биз ҳам шаҳар қизларидай ўқимишли бўлишни, завқу дидимизни бойитиб замонага муносиб яшашни истаймиз. Аммо колхозда шунча ишимиз туриб, шаҳарга ўқишга боришимиз қийин. Колхоздаги ишимизни севамиз, лекин соз чертишни ҳам истаймиз. Жуда истаймиз!»

Қишлоқ қизларининг кўнглидаги интилишлар табиий. Улар мутлақо тўғри талабни ўртага қўймоқдалар.

Қишлоқ қизлари билан гаплашганимда яна бир мулоҳаза туғилди. Қишлоқда ёш-ёш қизлар, баъзан беўхшов, ўзларига ярашмайдиган, қоматларини бузиб кўрсатадиган кийимларда юришади. Ишда махсус коржомалар кийиш одат бўлмаган. Уйда ҳам, далада ҳам бир кийим. Бу йўқликдан эмас, ахир! Энг чиройли газламалардан дала ҳуснига монанд, ихчам, ишбоп кийимлар, либослар тикиш мумкин эмасми? Колхозларда бичиш-тикиш устахоналари ташкил этилса бўлмайдими? Колхозчиларимиз бадавлат, ҳамма нарсага қудрати етади. Лекин ҳамма гап пулни жойини билиб сарфлашда.

Яна бир мулоҳаза. Қишлоқларда маиший хизмат тармоқлари ҳали ҳам етарли даражада эмас. Хотин-қизларимиз кундузи далада, болалари ясли ва боғчада. Бу жуда яхши. Онанинг иш куни хотиржам ўтади. Аммо ишдан кейинчи? Ишдан қайтган аёл ҳамир қоради, кечалари нон ёпади, кир ювади, дазмол босади. Бу орада у ўзига, болаларига, эрига ҳам қараши керак. Қишлоқларда маиший хизмат тармоқлари шаҳардагидан ҳам муҳим эмасми? Новвойхоналар ташкил қилинмаган. Кир ювиш хоналари, сартарошхоналар етарли эмас. «Ленин йўли» колхозидан хат ёзган қизларнинг гўзалликка, санъатга, шеъриятга қизиқиши зўр. Лекин ҳар қандай интилиш ҳам шароит бўлмаса сўниши мумкин.

Оилалар кўп. Оналарнинг кўп қисми маълумотли, ҳатто олий маълумотли. Улар рўзғорда ўралашиб қолишни хоҳлашмайди. Эрта саҳарда туриб, апил-тапил кийинишади, нонушта қилишади, болаларнинг бирини отаси етаклайди, яна бирини онаси етаклаб боғча, ясли-га олиб боради. Аёл ишдан яна бола билан қайтади, йўл-йўлакай дўконга кириши, рўзғорга керакли нарсалар сотиб олиши керак. Уйга келиб овқат пиширади. Эрқаклар билан баробар ишлаб қайтган аёл ярим кечагача яна тинмайди. Бирор саҳифа китоб варақлаш учун уйқудан кечиши керак. Айтмоқчиманки, аёлнинг уй ишлари ва жамоат ишлари етиб ортар экан, нима учун у ишдан бирор соат илгарироқ кетиши мумкин эмас? Менингча, кўп болалилар учун буни қонунлаштириб қўйилса яхши бўларди...

Атоқли немис адиби Альфред Курелла Узбекистонга меҳмон бўлиб келганда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Тўқимачилик комбинатида бўлди. Ёзувчи ишлаб чиқариш илғори, ажойиб меҳнаткаш аёл Марҳамат Йўлдошеванинг сермазмун ҳаёти билан танишди. Бир вақтлар бойлар эшигида чўри бўлган, инқилоб йилларида эса қон кечиб жанг қилган, босмачиларнинг таҳқирларига бардош бериб мардонавор курашган, бўронли йилларда тобланган оналаримизнинг ҳикояларини кўп тинглаганмиз. Улар бугунги бахт учун жонини тиккан, мард аёллар. Уларнинг шонли кураш йўли бизни шу кунларга олиб келди. Марҳаматнинг кўксидаги Олтин Юлдуз аёлларимиз тақдирининг нақадар порлоқлигини кўрсатиб турарди. Уша суҳбатда меҳмонимиз ҳам худди шу гапни айтди.

Аёллар юрагига қулоқ тутсангиз, азим дарёга ўхшайди. Шу дарё ҳамиша тўлқинланиб турса, мавж урса деймиз. Бунинг учун орзу ғунчаларини парвариш этмоқ керак. Ғунчалар гулга кирганда табиат ёришиб кетади...

Эътибор ОХУНОВА

Рамз БОБОЖОН

ДОВОН ОШАЁТИБ...

* * *

Ёшлигимдаги суратим,
унутилган сурат
Тилга кирди,
Қалбимга
солиб қўйди ғашликни!
Ақлим
ёқа йиртиб
қилгудай ҳайрат...
Таажжуб!
Бу суратни
қайтариб ким берди!!
Қайтариб беролмади,
аммо, ёшликни...

Кўзинг қоралиги етмасми?..

Нечун кўзларингда қора кўзойнак,
Кўзинг қоралиги етмасми ўзи!
Кўз қоранг ғолиблик қилдими, малак,
Қорага муҳтожми ё тонг юлдузи!

Қорага шунчалик ўчми кўзларинг,
Балки сир бермаслик учун уринар...
Қора кўзойнакда тиниқ юзларинг
Булут қирғоқлаган ойдай кўринар.

Сенга ярашади қора кўзойнак,
Менга ҳам ёқади, тақсанг — тақавер!
Парпираган нурнинг ошиғи юрак,
Майли, ишқ ўтида ёқсанг — ёқавер!

Қора кўзойнагинг айлансин сендан,
Бари бир қалбингни кўраман аниқ.
Қанча яширсанг ҳам кўзингни мендан,
Тун яширолмаган юлдуздай ёниқ...

Гулни ким олади

Ажаб!
Камолами ёки Қорасоч!
Иккиси ҳам чиройли исм:
Қорасоч гўёки болаликка тож,
Асли
болалик ҳам пошшолик,
қизим!
Сен ҳамон гўдаксан, отанг наздида,
Ҳолбуки
ирмоқдай чувалган ҳаёл,
Туйғуларнинг кураш азмида
Камолингни кўриб,
қолгудайман лол...
Камола
десам гар,
ярашар балки,
Камол топиб, бўйинг ўсибди,
Киприкларинг кўзни тўсибди,
Лабларингда қувноқлик,
кулки,
Сенга ном изладим туғилганингда,
Бириси ёқдию
бири ёқмади,
Бамисоли сен кулганингда,
Мен топган ном кулиб боқмади.
Сенга ном изладим,
топмадим гўё,
Сенга бахт излайман,
топсам эҳтимол.
Билсам,
кўзларингга яширинган ҳаё
Бахт экан —
сеҳрли соҳиби жамол!
Бахтлисан, жигарим!
Бахт ўзи келмас,
Сен,
ёшлик қалбига тўлқин солгансан!
Ким бахтни ўйламас,
ким орзу қилмас!
Мен эмас,
сен уни енгиб олгансан.
Мен сени эркалаб,
дейман Қорасоч,
Гувоҳномаларда эса Камола...
Шарқираб оққандай тоғдан шалола
Ҳамиша болалик китобингни оч,
Қизим,
Юлдузим!

Камола —
етукликдан даракчи, элчи,
Наврўзни хабарлаб учган қалдирғоч...
Ўйлайман:
бахт синаб чиққанда гупчи,
Гулни ким олади очиб кенг қулоч,
Камолами ёки Қорасоч!
Иккиси ҳам қалбимга яқин:
Жажжи Қорасоч
кўркам Камола.
Мен шунчаки қиламан талқин,
Тақдир исмгамас,
бахтга ҳавола.

Балки, зерикардим

Тинч оқар дарёга қилмайман ҳавас,
Мавжларида қуёш ўйнамаса гар!
Уни кўлмак сувдай этаман фараз...
Юрак тўлқинга ўч,
тўлқинни севар!
Бепарво умримдан бўлмайман рози,
Бепарво боқмайман шовқин-суронга!
Синмаса кифоя кўнглимнинг сози,
Чидаш бермагандай бир тош бўронга!
Мевали дарахтга
тош отилади,
Ўғри ҳам тешади ғазнанинг турмин.
Имонсиз,
бетавфиқ қалб сотилади,
Олчоқ қуритади бировнинг умрин...
Аммо
қурбим етар —
тўса оламан
Бадният,
шумқадам ўғри йўлини,
Даф қилса,
йўлбарсдай боса оламан,
Шарт узиб дафъатан қонли қўлини!
Қайтара оламан отилганда тош,
Мабодо,
тегса ҳам бераман бардош!
Ҳайҳот!
Имонсиздан сақла,
эй худо!
(Мен даҳрий бўлсам ҳам,
бу беистеҳзо!..)
Тириклар қатори
мен ҳам
бекўст-кам:
Душманим йўқ эмас,
дўстим беҳисоб!
Умр —
умр эмас беташвиш, беғам,
Кўникиш —
кишининг жонига азоб!
Баҳра ололмаса биров меҳримдан,
Биров сололмаса дилга ҳаяжон,
Балки,
зерикардим поқайд умримдан,
Паст-баландсиз йўлдан ўтгандай карвон!

Таклифлар, истаклар

АРИҚ, СУВ ВА ХОНАДОН

Сув тирикчилик манбаи бўлгани сабабли ота-боболаримиз қадимдан сувга яқин жойларда ошён қурганлар. Кўп қишлоқлар дарё, сой ва ариқлар бўйида жойлашган. Шу удум ҳануз давом этиб келмоқда. Ҳовли оралаб ярим тегирмончина тоза сувнинг шилдираб оқиб туриши — ҳар бир шаҳарлик учун армон!

Лекин сўнгги вақтларда анҳорларимиз ифлосланиб кетмоқда, оби ҳаёт деб эъзозланадиган зилол сувлар булғанмоқда.

Тошкентдаги Солор анҳорининг илон изи ўзани бўйлаб баланд-паст уйлар тизилиб кетган. Ана шу анҳор ёқалаб юрганда нохуш манзаранинг гувоҳи бўлдик, дилимиз жуда ранжиди. Кўп хонадонларнинг ахлатхонаси анҳор қирғоғида қурилган экан. Пўчоқ, қоғоз, хас-чўп — ҳаммаси шу анҳорга ташланади. Ахир, худди шу анҳорда болалар чўмилишади, одамлар юз-қўл ювишади-ку!

Ариқ, сув, хонадон... Бу масала ҳозир айниқса катта шаҳарларда кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини жалб этиши керак.

Бизга таниш кекса деҳқон Саттор бобо бир куни шундай воқеани ҳикоя қилиб қолди:

— Менинг ўйинқароқ неварам бор. Уйимизнинг ёнгинасидан оқиб ўтадиган ариқда чўмилгани-чўмилган. Лекин негадир, неварам тез-тез бетоблана-диган бўлиб қолди, денг. Дўхтирга олиб бордик. Дўхтир боланинг аҳволи-руҳиясини кўриб, менга: «Уйларингизни бир кўрсам бўладими?», деди. Бир-галашиб уйга бордик. Дўхтир ҳовлимизни бир сира кўздан кечирди. Кейин унинг қистови билан уйимиз ёнидан оқадиган ариқ ёқалаб юрдик. Дўхтир, негадир, уйларга кўпроқ разм солаверди. Бир ҳовлига етганимизда дўхтир тўхтади. «Неварангизнинг касал бўлишига мана шу хонадон айбдор», деди. Ҳайрон бўлдим. Дўхтир сабабини тушунтирди: «Кўряпсизми, ота, қўшнингиз молхонани ариқ ёқасига қурган...»

Тошкент ҳозир борган сари обод бўлмоқда. Бўз, Солор, Кайковус каби тошқин ва гўзал анҳорлар пойтахтимизнинг ўртасидан оқиб ўтади. Уларнинг соҳилларини обод ва гулзор сайргоҳларга айлантириш мумкин. Аммо бу жойларнинг жуда кўп қисми ҳали нообод, бегона ўт босиб ётибди, у ерларга баъзи кимсалар ҳатто ахлат ҳам тўкмоқдалар.

Тирикликнинг зарур шарти ҳисобланган оби ҳаётни ота-боболаримиз доим ардоқлаб келганлар. Тоза ариқ жилдираб оқиб турмаса элнинг кўнгли тўлмаган. Сув доимо нондек азиз бўлган, сувга туфлаган ёки ифлос нарса ташлаган кимса нон тепгандек, жамоатчиликнинг ғазабига дучор этилган. Шу удумни қўллаб, ҳар бир маҳаллада озодалик комиссиялари тузилса айни муддао бўлур эди. Кўчаларимиз, маҳаллаларимиз янада озода, сувимиз тоза бўлур, ҳар хил касалликлар яна ҳам камайиб кетар эди.

Жамоатчиликнинг бу фикрига шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка советлари қандай қарар эканлар?

Ҳ. ТОШТЕМИРОВ,
М. РАҲМОНОВ

Чиннисозлар

Очерк

— «Чинни асбоблар ясамоқда ҳеч ким хитойларга бас келолмайдир», деган бир замондошига Алишер Навоий: «Рост, хитой фағфури оламга машҳурдур, аммо ҳафсала қилсалар, бизнинг усталар ҳам ўшандай чинни асбоблар ясай оладилар. Бизда чинни ясамоқ учун керакли нарсалар бор», деб жавоб берган экан.

Қўлларидаги Тошкент пиёласини томоша қилиб, суҳбатлашиб ўтирган мўйсафидларнинг гапига қизиқиб қолган Ҳикмат, уларга яқинроқ борди:

— Кейин нима бўлган экан?

— Кейин Навоийнинг китобдори Муҳаммад Наққош ўзига ўхшаган моҳир бир кулолни топиб ишга киришибди. Хитой чинниларидан ажратиб бўлмайдиган, чертсангиз жаранглайдиган лаган, кўза, яна бошқа буюмлар ясабди. Навоий хурсанд бўлиб, бу идишларни меҳмонхона токчасига тизиб қўйган экан.

— Шу бўлган воқеамикан, амаки?— яна савол берди Ҳикмат.

— Аслида бўлган воқеа, ёзувчи Миркарим Осимнинг китобида ўқиганман, илгари ўтган улуғ зотларнинг ҳам, оддий кишиларнинг ҳам ўз чиннимизни орзу қилганлари рост. Мана энди орзу рўёбга чиқмоқда.

— Завод жуда катта бўладиганга ўхшайди, жуда кўп одам олишяпти,— деб қўшиб қўйди суҳбатдоши.

Ҳикматнинг айни кучга тўлган, қайси ишга қўл урса уддасидан чиқадиган пайти. Вазмин, мулоҳазали йигит. Бир ишга киришса ўйлаб, билиб қилади. Ёш бўлса ҳам тажрибали трактторчилардан қолишмайди. Қишлоқнинг олдинги йигитларидан. Ери Тошкент шаҳрига туташ Калинин районидаги Ленин номли колхознинг «Ҳурмат тахтаси»дан расми тушмас эди. Шунда ҳам баъзан: «Бирга катта бўлган кўп ўртоқларим ўқишни давом эттириб кетишди. Катта-катта олим, инженер бўлишади. Шу уй-рўзғор ташвиши эртароқ тушиб қолди-да бошимга! Бўлмаса мен ҳам бўш келмасдим», деб кўнглидан ўтказиб қўярди.

У 1953 йили Тошкент Чинни заводига ишга кирди.

«Содда, оқ кўнгил бола, бирон кишининг сўзига учган бўлмасин, иссиқ жойини совитмасин, қайтсин. Тушунтир, заводнинг иши оғир бўлади. Янги соҳа. Қўлида ҳунари, тузукроқ билими бўлмаса, эплолмай шармандаси чиқмасин тағин. Қайтсин, кейин келса олмаймиз. Узоқ, йўл чатоқ, машина йўқ», дебди колхоз бригадирларидан бири «қочоқ»нинг ўртоғига.

— Қайтмоқчимасман,— деди Ҳикмат,— узримни айтиб қўй, осонликча жавоб бермасликларини ҳам билиб келганман. Колхоздан нолийдиган жойим йўқ. Фақат янги ҳунарга, чиннисозликка ишқибоз бўлиб қолдим. Таним соғ бўлса, сизларни уялтирмайман. Ҳозир заводда ишлаётган бир юз ўн беш шогирднинг ҳаммаси ҳам менга ўхшаган, бири косиб, бири хизматчи... Ҳув анави Роҳат опа Нишонова энди ишга чиқди. Менинг ҳунариммас, қўлимдан келмайди, деб кетаверсак, иш ҳам, обрў ҳам бор, деб жойимиздан силжимасак, заводни ким юргизади, ўзбек чинниси қачон чиқади?

Йигит тим қора жингалак сочларини кафти билан силаб, жилмайди. У айтган сўзини, тутган ишини, танлаган йўлини тўғри деб биларди. Иш жойига қайтаркан, кўнглидан ўтказди: «Хайриятки қилаётган ишимни кўрмади, бўлмаса буни ҳам гап қиларди. Лекин шу ишни ўзим сўраб олганимни билиб ўтирибдими!»

Ҳикмат 1949 йилдаёқ «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласидаги кулолчилик, бўёқчилик артеллари ўрнида чинни заводи қурила бошлаганини эшитган эди-ю, лекин келиб кўрмаган эди. Ишга кираман, деб келган куни кўзларига ишонмади. Едида: ёшлик чоғи уйлари яқинидаги жарликда мол боқарди. Жарликнинг бир боши Ачаобод гузарига келиб тақаларди. Бу ерларда хонадон кам бўларди. Теварак-атроф боғ-роғ эди. Боғларнинг эгалари баҳор-ёз ойларидагина кўчиб келиб, кузакда ҳамма ёқ яна ҳувиллаб қоларди. Шундай кунлардан бирида Ҳикматнинг ўзи сингари мол боқиб юрган болаларнинг қий-чуви эшитилди. Чопиб борса, булоқлардан бирининг суви лойқаб, пуфакчалар чиқиб ётибди. Билса, бир оғайнисининг сигири чўкиб кетибди. Катталар етиб келгунча анча вақт ўтган, улар ҳеч нарса қилишолмаган эди. Гузардан кун чиқар томонга қараб кетган, кўкон арава юрса гупчаги деворларни ялаб ўтадиган тупроқ йўл бор эди. Шу йўлдан озгина юрилса — гумбазга ўхшаган тупроқ тепа бўлиб, унинг этагида, ертўлада уч-тўрт киши ҳар хил идиш-товоқ ясар эди. Зиё ота деган кулол байрамларда ичига сув солиб пуфланса булбул бўлиб сайрайдиган сопол ҳуштак қилиб берарди.

Энди ўша кулолчилик артелининг кўримсиз иморатидан ном-нишон қолмабди. Беш йилда катта, ойнабандли, баланд бино қад кўтарибди. Атрофда баланд-баланд иморатлар. Жарликка тупроқ суриб, боғ қилинибди.

Заводга барвақт борган Ҳикмат тушгача кимга учрашишини, нима дейишини билмай, дарвоза олдида айланиб юрди. Эшикда турган киши зийрак одам экан, буни пайқаб йигитни имлади.

— Мен — Усмон Маърупов бўламан, шу ерда ишлайман. Нима хизмат бор, тортинмай айтавер?

— Ишга кирмоқчи эдим.

— Жуда яхши, завод сендек азаматларга муҳтож. Қурилишнинг каттасига олиб кирай.

РАНГЛИ САҲИФАЛАРДА. Биринчи бет: 1. Тошкент Чинни заводининг рассомлари бош рассом Анвар Нуъмонов билан биргаликда янги маҳсулот нусхаларини муҳокама қилмоқдалар. 2. Корхона директори Абдурауф Иброҳимов заводнинг тажрибакор усталари, ветеранлари билан бамаслаҳат иш олиб боради. Иккинчи ва учинчи бет: 1. Рассом Людмила Қаюмова ўз касбининг сирларини пухта эгаллаган. 2. Ишлаб чиқариш топшириқларини 150 процентдан ошириб бажараётган пардозловчи Фануза Зайнулина шогирди Фарида Мавлоновадан ёрдамини аямайди. 3. Қуйиш цехининг ишчиси Зарофат Ғаниева лойдан санъат асари яратади. 4. Бўлажак нафис идишлар моделчи Мирсолиҳ Раҳмонбердиев қўлида ўз шаклини топади. 5. Рассомлардан Раиса Борисова ва Аҳмад Мирзабоев ўртоқларнинг ҳам коллектив самарали меҳнатида муносиб ҳиссалари бор. 6. Саид Ҳамидов пиширган идишларнинг сифати элни мамнун этади. 7. Завод конвейеридан чиқаётган чинни буюмларнинг кети бир дам узилмайди. Тўртинчи бет: корхона ишлаб чиқараётган нафис маҳсулотлар халқимизга манзур.

А. ВАНШТЕЙН фотолари

БИЗ
ЎЗБЕК
ЧИННИСИНИ
ЯРАТМОҚДАМИЗ!

Мўъжизакор қўллар бунёд этган нафосат дилларга қувонч бағишлайди.

Суратларни А. ВАНШТЕЙН олган.

Йўлда истараси иссиққина бир аёлга дуч келишди.

— Татьяна, бошлиқни кўрмадингми?— деб сўради Усмон ака.

Аёл бошлиқнинг шу ердалигини айтди.

— Экспедиторимиз, заводнинг пойдеворини қурганлардан,— деб таништирди Усмон ака. У бу ернинг ҳар ишидан, ҳар ишчисидан мамнун, мағрур кўринар эди.

Идорада бошлиқ мажлис қилаётган экан.

— Ҳурматли ўртоқлар, сизларни чақиришдан мақсад шуки, завод атрофидаги маҳаллалар аҳолисини ишга тортишга ёрдам берсангизлар. Уйда ўтирган аёллар ҳам кўп. Бу йил маҳсулотни сотишга чиқаришимиз керак. Волга бўйидаги Дулево чинни заводига ўқишга юборган кишиларимиз қайтиб, ёшларга устозлик қилишади. Дулеводан олти ойга келган уста Яков Моисеевич Ратуш кетмасдан кўпроқ одам келса, кўпроқ нарсани ўрганиб қоларди.

— Ҳозиржавобликни қаранг,— деди Усмон ака кулиб.— Мана, қабул қилинг, оти Ҳикмат!

— Нима ишда ишлагансан?— деб сўради бошлиқ.

Ҳикмат айтадиган гапини мулоҳаза қилиб жим турарди.

— Тортинма. Ишчи одам юрагидагини дадил айтиши керак.

— Чинни хом ашёси завод эшигидан кириб келгандан кейин қилинадиган биринчи ишни менга берсангиз. Чинни қандай чиқишини бир бошидан ўргансам.

— Азамат йигит экансан, лекин сенга ёқармикан у иш,— гап қотди ишчилардан Собир ака Тўхтаев.— Тошни саралаш-да!

— Маъқул!— деди у бу ердагиларнинг шунчалик қайғуриб, меҳрибонлик қилаётганларидан қувониб. «Баъзи раҳбарлар янги ишга кирган кишининг қобилияти, истаги билан қизиқишмай, дуч келган ишни буюриб, ҳафсаласини совитиб қўядилар. Булар тадбирли экан», деб ўйлади ичида.

Чиннининг «масаллиғи» асосан учта маъдан экан: кварц, дала шпати, каолин. Кўринишдан тош, харсангга ўхшайди. Шуларнинг орасига тушиб қолган «курмак»ни териб, тозалаб ювиб, кейин тегирмонга солиб, ун қилинмаса, чинни тиниқ чиқмайди. Оддий иш-у, заводнинг юзини кўрсатадиган, коллектив меҳнатини юзага чиқарадиган иш.

Ҳикмат шу ишда бир йил ишлади. Бу давр ичида Ўзбекистонгина эмас, Ўрта Осиё кўз тутиб турган заводни тўла қувват билан ишга тушириб юбориш, янада кенгайтириш зарурати туғилган эди. Одамлар қалбига йўл топа оладиган, интизомни ҳам, ифтихорни ҳам севган зўр ташкилотчилар керак. Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимизнинг турли томонларидан кўчиб келган корхоналарни тез ва соз жойлаштиришда тажриба орттирган, минглаб ёшларни ҳунарга ўргатган Содиқ Ҳусаинов директор бўлиб келди. Партия, совет ишларида чиниққан, ишчан ходим Абдурауф Иброҳимов унга ўринбосар қилиб тайинланди. Содиқ Ҳусаинов ҳар бир ишда интизом талаб қилди, кўп ўтмай, бу одамнинг ажойиб юраги намоён бўлди. Кучлар жой-жойига қўйилди. Айтгандай, Ҳикматнинг таниши — Усмон ака Маъруров ҳам масъулиятли ишга — тегирмонга ўтказилди. Тажрибали ишчи Иноғом Икромов партия ташкилоти секретарлигига сайланди. Шу завод биқинидаги маҳаллада ўсган косиб йигит Собир Тўхтаев чинни пишира бошлади. Деҳқон ўғли Салоҳ Аҳмедов хумдонга мол тахлайдиган бўлди.

— Эшитдим,— деди Ҳикматни чақириб янги директор,— ўзингиз талаб қилиб шу ишга кирган экансиз. Энди ақлингизга, тажрибангизга, кучингизга мос, яна ҳам оғирроқ иш чиқиб қолди. Эски касбни шогирдларингиздан бирига топшириб, лой тайёрлаш цехига ўтинг.

Ҳикмат билан шу чинни лойини тайёрлаш цехида кўришдик.

— Қалай, колхоздаги оғайнингиз кейин келдими, ярашиб кетдиларингми?— деб сўрадим, 1953 йилдаги воқеани эслаб.

— У ўқишга кириб кетди, биз эса, мана, чиннисоз бўлдик,— деди Ҳикмат. У ҳақиқатан ҳам салобатли ишчи бўлиб қолган эди.

Заводнинг юксалиши ўз-ўзидан бўлмади, албатта.

Директор кабинетига кираверишда завод маҳсулотлари кўргазмаси очилган. Дастлабки йилларда ишлаб чиқарилган коса, лаганларга бир қаранг: анча қўпол, қалин, тайпоқ, қийшиқ, олапес, сарғимтир.

— Пушаймонимиз йўқ,— деб гапини давом эттирди Ҳикмат,— Кўрикни очиб бердик, эндигилар бизча қийналишмайди. Самарқанддаги чинни заводини ҳам ўзимизда етишган усталар ишга туширишди. Бошқаларга ҳам устоз бўла оламиз энди.

— Директиваларни ўқигансиз,— деди у.— Директивада шундай бир жумла бор: «Бухоро ип-газлама комбинати ва Хива гилам комбинати, Фарғонадаги сунъий тери комбинати, Қўқон кўн заводи, чинни заводи ишга тушурилсин». Чиннига оид шу жойи бизга тегишли. Ўтган бир йилда 9 миллион дона чинни буюм берган бўлсак, 1975 йилга бориб 25 миллионтага етказишимиз керак.

— Йўқдан бор қилган одамлар, буни қилолмайсизларми!— дедим.— Ҳозир заводда қанча одам ишлаяпти?

— 950 киши! Ҳар бири ўз ҳунари, малакаси, тажрибасига эга. Курувчилар бўш келишмас бас...

У дадил гапирарди. Гапирганда ҳам воқеаларни, рақамларни шунчаки айтиб қўймас, уларга ўзининг муносабатини билдирар, таҳлил қилар, мулоҳазаларини қўшиб сўзлар эди. Ўтган давр ичида тажрибали ишчилардан, инженерлардан кўп нарсани ўрганибди, партия сафида тобланибди. Ҳозир цехда сиёсий ахборотчи экан. Энг муҳими — йигирмага яқин ҳунарни ўзлаштириб олибди.

Лекин Ҳикмат ўзини эмас, ўзгаларни гапирарди.

— Директоримиз, Абдурауф ака Иброҳимов, заводнинг бош инженери Дилшод Мақсудов, бош механик Леонид Давидович Гитес ҳамда бош технолог Галина Грибенникова 1966 — 70 йилларда ишлаб чиқаришга 500 минг сўмдан ортиқ фойда берадиган ихтиро ва таклифлар киритишган. Устозларимиз мана шундай кишилар!

Завод 1952 йилда синов тариқасида биринчи маҳсулот берган эди. Ҳозир қўша-қўша корпуслар, жамоат бинолари, кўркам, мевали боғ ишчи-хизматчилар ихтиёрида. 1963 йилда Содиқ Ҳусаинов бошқа ишга ўтиб, директорликка тайинланган Абдурауф Иброҳимов сиртдан ўқиб, малакали иқтисодчи бўлиб етишди. Заводда ҳисоб-китобни яхши йўлга қўйди, завод коллективини тежамкорликка, ички имкониятларни ишга солишга, механизацияни кенг жорий қилишга сафарбар этди. Лойиҳада кўрсатилган қувват тўла ўзлаштирилди. Ярим автоматлаштирилган иккинчи корпус, ремонт-механика цехи, янги ошхона, клуб ишга туширилди. Заводга газ келтирилгач, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш маданияти юксалди, сарф-харажат камайди. 1957 йилдан бери завод давлатга анчагина фойда бериб келади. Ҳозир корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг тури ўттиздан ортиқ.

Моҳир усталардан М. Раҳмонбердиев таклиф этган, донгдор ишчилардан З. Муродов, Н. Исоқов, Б. Зокиров, Ф. Зайнуллина, Г. Петрухина, Д. Пўлатов, Т. Иброҳимов, Ю. Олимжонов сингари фидокорлар йўлга қўйган, рассомлардан А. Нуъмонов, Б. Собиров, Р. Борисова, Ҳ. Азизова безаган, ўз ҳунарларининг моҳир эгалари С. Тўхтаев, Ш. Пўлатов ва бошқа касб соҳиблари пиширган чиройли, бежирим, ранг-баранг чинни идишларининг жаранги букун жаҳоннинг турли бурчакларига эшитилмоқда. Улар Цейлон, Руминия, Канада, Норвегия, Гвинея, Бразилия сингари мамлакатларда савдо-саноат кўргазмаларида, Дамашқ, Познань, Лейпциг шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро ярмаркаларда юқори баҳо олди. Чехословакиялик чиннисозлар келиб Тошкент усталарининг тажрибаларини ўрганиб кетдилар.

— Корхонамиз тўққизинчи беш йилликда реконструкция қилинади,— дейди капитал қурилиш бошлиғи ўртоқ Рабинович.—Бунга 12100 минг сўм маблағ ажратилган. Реконструкция 1974 йилнинг бошларида тамомланиб, 1975 йилда заводнинг қуввати икки баравардан кўпроқ ошади. Ана шунда ҳозирги 9 миллион ўрнига 25 миллион дона турли чинни ашё тайёрланади. Дастгоҳларни Чехословакия, ГДРдан оляпмиз.

Гапнинг қисқаси, беш йилликнинг охирига бориб, халқимиз чинни идишларга маъмур бўлиб қолади. Самарқанддаги чинни заводи 22 миллион дона буюм берса, бизники билан йилига 50 миллионтага боради.

Расул РАҲМОНОВ

* * *

Гўдак эдим, қувониб беҳад
Қўйганимда илк бора қадам.
«Ерга эмас, олға боқ фақат,
Йиқилмассан», деганди дадам.
Ўқувчилик пайтимда бир кун
Велосипед келтириб дўстлар,
Ўргатишди: «Дадил бўл, лекин
Узоқроққа тикилсин кўзлар».
Яна бир пайт, равоч ахтариб,
Чўққиларга тирмашдик тонгда.
Дедиларки: «Кетмагин тойиб,
Юксакка боқ, қонун шул тоғда».
Бу ўгитлар мурғак онгимда
Учмас бўлиб қолди умрбод.
Мен уларни ҳаёт тонгида
Такрорладим мисли қасамёд.
Шундан бери яшайман доим —
Қайларгадир интилиб масрур.
Гоҳ, парпираб, гоҳ бўлиб ғойиб,
Уфқларда чорлайди бир нур.
Оёғимдан чалса-да гоҳо
Йўлларимда чўкиртак, тошлар —
Тўхтатолмас шиддатим, гўё —
Юрагимда ёнар қуёшлар.
Чунки йўлга бошлар орзум,
Бахш этади чидам ва ғурур.
Узун тунлар ўй сураман жим,
Хаёлимда ўша сирли нур.
Интилишга чек йўқ, ҳар манзил —
Кейингисин бўлар дояси.
Узоқларни кўзлаб яшашдир
Ҳаётимнинг олий ғояси.

* * *

Навқирон ёшда у. Ҳар нега қодир;
Ишу ташвишлардан гар очсангиз гап,
Беозор жилмайиб, дер: «Шартмн ҳозир!
Ҳали ёшмиз, ака, қолайлик ўйнаб».
Бир кун сочларига қўнганда қиров,
Кайф-сафо қаддини букса қаридек
Дейди гап сочларига ишлардан бирров:
«Замон ёшларники, бизлар қаридик».

Носир МУҲАММАД



Қишнинг ҳам ўз гашти бор.

В. ТАРАН фотоси

«Мен ўзбекларнинг катта шоирлари Ғафур Ғулом ва Ойбек билан дўстлашдим. Навқирон Ҳамид Олимжон ва Зулфия билан танишдим. Садриддин Айнийга таъзим-тавозе билан салом бердим. Берди Кербобоев билан қимиз ичдим...».

Бу сатрларнинг автори, ижодий йўлини бир умрга Совет Шарқи билан боғлаган ажойиб истеъдод эгаси, улкан рус шоири Николай Тихонов ярим асрлик ижодий фаолияти мобайнида совет адабиёти равнақига катта ҳисса қўшди. У 75 ёшга тўлди. Унинг «Михлар ҳақида баллада»си, «Киров биз билан» поэмаси, «Қўш дарё» шеърлар туркуми, «Оқ мўъжиза» сингари қисса ва ҳикоялари аллақачон китобхонлар қалбидан муносиб ўрин эгаллаган. Жаҳон классик адабиёти, қардош халқлар адабиёти асарлари, шунингдек, ўзбек шоирлари асарлари билан Иттифоқимиз шеърхонларини таништириш борасида ҳам Тихоновнинг хизматлари катта. Республикамиз ҳукумати Николай Семёнович Тихоновга Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвонини берди.

Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси бўлган шоир ғалабамиздан сўнг бутун куч-ғайратини тинчлик учун курашга бағишлади. У бугунги кунда фақат улкан шоир сифатидагина эмас, балки Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг раиси, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси, Адабиёт, санъат ва архитектура бўйича Ленин мукофотлари Комитетининг раиси — йирик жамоат арбоби сифатида ҳам жаҳонга машҳурдир.

Қуйида эълон қилинаётган «Гул» ҳикояси ёзувчининг Ленин мукофотига сазовор бўлган «Олти стун» китобидан олинган.

Н. ТИХОНОВ

ГЎЗАЛ

Ҳикоя

Катта-Улла ҳозирги аҳвол-вазиятни аниқ тасаввур қилолмайди. Дунёда нималар бўлаётганидан унча воқиф эмас. Кўриб турибди, замонлар ўзгариб кетган. Тушуниб бўлмайдиган янги-янги нарсалар пайдо бўлган. Аммо меҳмондўстликнинг эзгу қонун-қоидалари ўз кучини йўқотмабди.

Мана, у ўзидан йигирма ёш кичик қадрдон дўстининг уйида ўтирибди. Катта-Улла уни кўпдан бери кўрмаган. Тап тортмай унга разм солади. Афзал Ноирхон ўзгариб кетибди. Собиқ шиддаткор аскарлигидан деярли ҳеч нарса қолмабди. Мулойим ва покиза соқоли елпуғичдек таралиб турибди. Лўппи, ялпоқ юзини ажинлар босибди, қўллари оғир меҳнатни унутган кишининг кўлларидек мулойим, осойишта кўзларида энди ташвиш ва интиқом учқунлари кўринмайди.

Эгнида эса покистонликларга хос бўлган ширвоний либос эмас, бошида салла, устида яшил френч, расмий кенг чолвор, қўлида соат, оёғида эса этик ё шиппак эмас, салимшоҳ деб аталадиган шинам хонаки кавуш.

Бу семиз одам Катта-Уллага қандайдир тушуниб бўлмайдиган виқор билан қарайди. Кўпдан бери дараги бўлмаган меҳмони ва қадрдонини мезбон сифатида бўлиб ўтган воқеалар билан таништиради, ўғли Акбарнинг Равалпиндида қўшинда хизмат қилаётганини, қизи эса Лоҳурда ўқиётганини ҳикоя қилади. Салима у ерда олимлар жамиятининг аъзоси бўлган Зулфия опаси билан бирга тураркан. Меҳмон Ноирхондан унинг хотинини суриштирмайди. Биладики, Фарухоним аллақачон қазо қилган, уни эслаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Негаки, эримни ҳар қандай хатарли ишларга тортади, деб, Катта-Уллани унча ёқтирмас эди.

Ўз навбатида Афзал Ноирхон ҳам қадрдон дўстида содир бўлган ўзгаришларни дилида қайд этиб ўтиради. Тоғлик дўстининг қоп-қора соқолида оқ мўйлар кўпайибди; зотан уларга хина теккан бўлса-да, оқлиги яққол кўриниб турибди. Ажинлари ҳам кўпайиб кетибди. Қомати ҳали тик ва адл, аммо ҳаракатларида, юришларида кексаликнинг нуқси бор, чеҳрасида ҳорғинлик, қушларга хос ўткир ва зийрак кўзларида — таажжуб. Уст-боши нимдош, аммо бу ўзини мағрур тутишига ҳалал бермайди.

У Ландихонга нима важдан келди экан? У кўпдан буён тоғдан тушмаган, қоп-қоронғи жонажон ўлкасини тарк этмаган эди. Бизнинг шундай маданий замонамизда унинг қабиладошлари кечириб бўлмас даражада ёввойи бир тарзда ҳаёт кечирадилар, на докторни, на мактабни биладилар. Ислом республикаси аҳолисига янги, маърифат замонаси берадиган кўпдан-кўп нарсаларнинг, имкониятларнинг биронтасидан ҳам баҳраманд эмаслар.

Аммо мезбон билан меҳмон қадрдон жанговар дўстликлари ҳурмати, хавф-хатарларни бирга-бирга бартараф қилганликлари ҳурмати осуда ва дўстона гурунглашиб, диркиллаб турган иссиққина ошни қўллари билан ошамоқдалар. Мезбон меҳмоннавозликни ўрнига қўймоқда. Палов жойида. Карри оғизни яхшилаб ачитиб, томоқни ёқимлигина жазиллатиб ўтмоқда. Қовурилган гармдорига уланган чавати ҳам чакки эмас. Устидан муздеккина зардоб ичиш, ошга бир юмалоқ-бир юмалоқ маска ёғи ташлаб, хушбўй гуручни яна ҳузур билан ошалаш мумкин. Ора-чора тоғда ўсадиган ўт-ўланлар билан туйилган ёнғоқ аралаштирган хушхўр нўҳотшўрвадан ҳўплаб қўйса бўлади. Сабзавот билан қўшиб пиширилган, қалампир мунчоқ, зира, пиёз ва карри хуруш қилинган димлама гўшт оғизда эриб кетади.

Афзал Ноирхон — гумрук амалдори. У чегаранинг қуролсиз кўриқчиси, бу теварак-атрофда каттакон бир кимса. Унга эҳтиром билан мурожаат қиладилар. У ўз ёрдамчиларига охистагина қисқа-қисқа буйруқлар беради. Катта-Улла чегарага келгандан бери ўтказган қисқагина бир муддат ичида шу нарсаларга қаноат ҳосил қилдики, Афзал Ноирхоннинг мартабаси ошиб кетибди. Энг муҳим нарсалар ҳақида ким билан қандай гаплашишни яхши биладиган билимдон киши бўлиб кетибди: чегарадан ўтказилаётган юклар ҳақида ҳам, бой-бадавлат йўловчиларнинг чамадонлари ҳақида ҳам, ажнабийларнинг ҳужжатлари ҳақида ҳам, Лое-Даккага кетаётган савдогарларнинг той-той юклари билан киссаларида нималар борлиги ҳақида ҳам билади.

Хонанинг иссиқлиги ва тўйганидан яйраб, ҳузур билан кекирган Катта-Улла оғзини

Николай Семёнович Тихонов қаламкаш дўстлари Ғафур Ғулом ва Зулфия билан.

қизил дастрўмол билан артатуриб шундай деди:

— Энди сени жаноб деб чақириш керак экан! Катта бўлиб кетибсан, қишлоғимиздаги энг баланд тутдан ҳам катта бўлиб кетибсан. Соянгда ёш-яланг ўйин тушиб, қариялар умр сурадиган бўлишибди Сен жаноби хон бўлиб кетибсан! Қани айт-чи, билимдону нуктадон дўстим, мен кўрган тушнинг таъбирини айтиб бер-чи. Шунисини унутмаки, бу тушни бундан олтмиш йил муқаддам кўрганман...—У тоғдаги кулбасида кечга яқин уйқуга кетиб кўрган тушини муфассал сўзлаб берди.

Тушида Ҳиндистон томондан келган рус сардори кичкина бир истеҳкомга бошчилик қилаётган инглиз комендантидан кулганмиш, негаки, инглизнинг бутун гарнизони тум-тарақай бўлиб қочиб кетганмиш. Ҳаммалари руслар ўтиб кетгандан кейингина қайтиб келишганмиш, акс ҳолда комендант ўз бошлиқларидан балога қолиши мумкин экан...

— Узинг нима деб ўйлайсан?— сўради меҳмонининг бу савол билан нимага шама қилаётганини ҳамон тушунмаган Ноирхон.

— Мен ўйлаб-ўйлаб ўйимга етолмадим-да, таъбирчига бордим. Бизнинг тоғда ўқимишли одамлар йўқ, аммо туш йўйишни беш қўлдек биладиган билимдон одамлар бор.

— Таъбирчи сенга нима деди?

Катта-Улла тер босган пешанаси билан юзларини артди-да, кифтини учирди:

— Таъбирчилар ҳар қанақа тушни ҳам осонликча йўйиб бераверолмайди. У анчагача гоҳ ундай, гоҳ бундай деб тусмоллаб кўрди. Ниҳоят у, тушинг шундан далолат берздики, сен дўстларни яна кўрасан, тушни қандай дабдурустдан кўрган бўлсанг, улар билан бўладиган янги учрашувинг ҳам дабдурустдан бўлади, деди... Чамаси, уруш бўлади шекилли, кўп қон тўкилади шекилли, деди таъбирчи.

Ноирхон кулиб юборди, унинг чеҳрасида муғомбирона бир ифода кўринди.

— Тоғдан тушмаганингга жуда кўп бўлди. Таъбирчи гапининг ярмигагина ишонса бўлади. Кўп қон тўкилишига энди ўрин йўқ. Бу ерда тинчлик ҳукм суради!

Катта-Улла дурдек товланаётган гуручга ўй сурганича тикилиб қолди, паловдан яна егиси, сиқиб-сиқиб олгиси келарди.

— Ахир ўзимиз ҳақимизда етиб борган хабарларга нима дейсан, Ҳиндистон бўлинган кундан бери қочоқлик, жанглар бошланибди, шу кунгача ҳам ёру биродарларимиз олло таолонинг йўлига говпараст кофирларни қирғин қилаётганмиш!

Афзал Ноирхон жиддий қиёфага кириб, насиҳатомуз оҳангда шундай деди:

— Жангу жадаллар бўлиб олло таоло йўлига кўп қурбонлар бердик, аммо бизга омад ёр бўлди, ҳиндилар ҳам, сикхлар ҳам, жайнлар ҳам биздан шармандаларча қочиб қолдилар, биз ҳам кўпгина ёру биродарларимизни бағримизга олдик, улар ҳали ҳануз Кашмирдан то Карачигача сарсон-саргардон кезиб юришибди. Мана ҳозир бир минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йилнинг декабри бўлса, шу йилнинг биринчи январидан жангларни тўхтатиш тўғрисида битим тузилган, қон тўкилиши ҳам тўхтатилди...

Катта-Улла тушининг баҳридан осонликча ўтиб қўймоқчи эмас эди.

— Аммо русларнинг тушимга киргани бежиз эмасдир балки? Балки бостириб келиб қолишса улар билан уруш қилармиз?

Ноирхон қаттиқ гапириб қариянинг дилини оғритиб қўймаслик учун иложи борича вазминлик билан уқтирди:

— Узинг биласан-ку, ҳозир чор Россияси йўқ. Унинг ўрнида Совет Иттифоқи.

— Буни аллақачонлардан бери биламан, сен нима демоқчисан?

— Айтмоқчиманки, таъбирчининг гапининг ярмигагина ишонса бўлади. Русларга тааллуқли қисмигагина. Биз улар билан урушмаймиз, чунки бунинг ҳожати йўқ. Сенинг уларни бу ерда кўра олишинг важига келсак — таъбирчинг ҳақли...

— Кўра олишим қандай бўлди?

— Кеча бу ерга Совет Иттифоқидан вакиллар келган эди. Сен кеч қолдинг. Улар кеча чегарадан ўтиб, Ландихонда бўлишди.

— Катта бир дастами?— қизиқиб суриштирди қошлари чимирилган Катта-Улла.— Қаёққа кетишди?

М. ГРОМИКО чизган

— Атиги беш киши, лекин улар аскар эмас. Ҳаммалари шоир. Одамларнинг дилини хушлаб шеър ёзишади. Сен шеърни яхши кўрасанми?

Катта-Улла кулиб қўйди:

— Қўшиқдай бир гап-да. Қўшиқни ҳаммамиз яхши кўрамиз. Барча қишлоқларимизда ҳар куни кечқурун қўшиқ айтишади. Тутлар, эманларнинг тагида. Таомил шунақа...

— Уша келган меҳмонларнинг ҳаммалари ҳам қўшиқ-шеър ёзишаркан. Уларнинг орасида Тожикистондан келган машҳур ажойиб шоир бор. Навқирон, қорачадан келган, барваста, кўзлари юлдуздек парпираб турибди. У менга шундай шеър ўқиб бердики, тоғлар завқдан ларзага келди, менинг қувончим ичимга сиғмади. Дунёда шундай афсунгарлар бор экан, энди дунё осойиш топиб, урушга йўл қолмайди. Унинг бошчилигидаги вакиллар тинчлик вакиллари бўлиб келишибди...

— Москваликлар ҳақида гапириб берсанг. Келишдан мақсадлари нима экан?

— Улар Покистон шоирларига, олимларига меҳмон бўлиб келишибди, бизнинг мамлакатимизни кўриб, Совет Иттифоқидагиларнинг қандай турмуш кечиришини гапириб беришмоқчи эмиш. Учтаси рус экан. Биттаси — новча, яғриндор, зўр паҳлавондек, бир ўзи аравани тортиб кетса ҳам ажаб эмас, лекин қарашлари, сўзлари мулойим. Иккинчиси — мўйсафид, кекса-ю, аммо бақувват, хушчақчақ. Учинчиси, шеър ёзмайман-у, бировларнинг ёзганини ўқийман, деди. Каттакон портфелини кўкрагига босиб олганидан гапига ишонгим келмади. Портфелида илму ҳикмат тўла бўлса керак. Тўртинчиси жуда машҳур ўзбек шоири экан. Сочлари қоп-қора, ўсиқ, кўзлэри ҳам тим қора. Тоғ кечасини эслатади. Кўзларида шеърият гулхани ёниб турибди. Менга, ҳаммасидан ҳам тожикистонлик машҳур меҳмон ёқиб қолди... Чой ичаётганимизда беназир устозимиз донишманд Муҳаммад Иқболнинг шеърларини олиб келишни буюрдим. Уни биласанми, Катта-Улла?

— Иқболни биламиз, — деб жавоб берди Катта-Улла.— Тоғдаги ёшларимиз унинг ғазалларини қўшиқ қилиб айтишади...

— Муҳаммад Иқбол Сиёлкотда туғилган, мен ҳам ўша ёқдан бўламан. У ҳатто Англияда таҳсил кўрган, дунёдаги бор ҳикматларни хатм қилган. Билиб қўй, улуғ саркарда, салтанатларнинг фотиҳи Бобир ажойиб шоир эди. У ҳамон ҳамманинг ёдида. «Бобирнома» — буюк китоб, уни мактаб-мадрасаю дорилфунунларда ўқийдилар. Иқбол—халқларимизнинг садоси. У мамлакатимизни Покистон деб атаган. Мен унинг кўпгина шеърларини ёддан биламан. Ҳатто унинг богидан атир гулнинг ниҳолини олиб келиб, уйимдан юқорироққа, тоғ этагига ўтқаздим... Яқин жойда. Гулга ҳеч ким тегмайди, чунки уни Иқболнинг номи омон сақлайди... Совет шоирлари бизда шеър юксак қадрланишини билиб, ғоят қувонишди. Ҳар бир мамлакатда ҳам қадрли меҳмонларни шеър билан қарши олаверишмайди. Ҳар бир мамлакатда ҳам меҳмонлар шеър билан жавоб қайтаришавермайди.

Кекса Катта-Улла Ноирхоннинг сўзлари рост эканлигига қаноат ҳосил қилди.

В. РЎЗИМАТОВ таржимаси.

Ҳикоя қисқартиб босилди

БИОНИКА

Фазо кемалари, атом двигателлари, электрон машиналар — булар ҳаммаси ҳозирги замон техника тараққиётининг ёрқин далилидир. Бу юксалишда бионика фанининг ҳам ҳиссаси бор. Бионика биология билан техника орасида кўприк вазифасини ўтамоқда.

Инсонлар азалдан дельфин ва айрим балиқларнинг кемалардан, ҳатто замонавий кемалардан ҳам тез суза олишини билишади.

Вақт ўтиши билан ҳаво кўтаргичли кемалар вужудга келди. Кемалар тезлиги бирмунча оширилди. Олимлар, инженерлар эса, ҳамон дельфин териси, танасини ўрганмоқдалар, кемасозликда жуда тез сузишга ёрдам берувчи механизмлар конструкцияларини қайта-қайта кўриб чиқмоқдалар. Кўршапалакнинг фазода ҳар қандай тўсиқларни ҳам сезиб, ўз йўналишини ўзгартира олиши олимларга кўпдан маълум. Кейинги ўн йилликда сезгирлик қуввати кўршапалак сезги қувватидан анча юқори бўлган кучли локаторлар ихтиро қилинди. Шундай бўлса-да, олимларимиз ҳамон кўршапалаклар «локаторлари»ни катта қизиқиш билан текширмоқдалар.

Улар денгиз ва океанларда пўртана бошланишини анча олдиндан сезиб, ўзларини хавф-хатардан четга олувчи медузаларнинг сирларини ўрганиш орқали пўртана бошланишини ўн беш соат олдин хабар қиладиган асбоб ихтиро этдилар. Электрон ҳисоблаш машинасининг хотирлаш қисми инсон миясининг ишлаш принципи асосида тузилган. Техникадаги овоз тутқич локаторларни барпо этишда инсон қулоғининг тузилишини ўрганиш катта ёрдам берди.

Ер юзида миллиард йиллар мобайнида тараққий этган ҳаёт тирик организмларни шу қадар такомиллаштириб юборганки, ташқи муҳитга мослашишда улар эришган даражани билиш-ўрганиш учун ҳали олимларимиз кўп йиллар бош қотиришлари керак бўлади.

Водород атоми шу қадар кичикки уни оддий кўз билан кўриб бўлмайди, албатта. Ер қобиғи ана шу водород атомининг ярмига тенг даражада силжиса ҳам чигиртка буни дарҳол сезади. Лекин замонавий сейсмограф бундай силжишни сезмайди.

Маълумки, радио ва телевизор антеннасиз яхши ишламайди. Мавжуд антенналар эса айрим ноқулайликлар туғдиради. Шуниси ҳайратланарлики, парвона микроскопдагина кўринадиган учта асаб толачаси билан кўршапалак тарқатадиган ультра товушни бемалол қабул қилаверади. Техника ана шундай ўта сезгир антенна яратишни ҳозирча фақат орзу қилади, холос.

Радиоактив нурларнинг зарарли таъсири кўпчиликка маълум. Бироқ шундай жонли мавжудотлар борки, улар инсон чидаёлмайдиган радиоактив нурларга бемалол бардош бериб тураверади. Масалан, нематода деган чувалчанглар 180 кишини ҳалок қилишга қодир радиоактив нурлар таъсирида бемалол ҳаёт кечираверадилар.

Паррандалар ҳавода парвоз қилганларида қандайдир овоз чиқарадилар. Аммо бойқуш ҳеч товуш чиқармай учади. Нима учун шундай? Ҳозирча бу — фан олдидаги ечилмаган муаммолардан биридир. Сувсизликка чидамли ҳайвон қайси, дейилганда албатта туя эсга тушади. Шимолий Американинг жануби-ғарбидаги чўлларда тош олмахон деган ғалати бир ҳайвон яшайди. Жуда серғайрат бу ҳайвоннинг юз кун давомида бир қултум ҳам сув ичмай юра олишига ишонгингиз келмайди. Ваҳоланки, сувсизликка чидамлилиги билан ном чиқарган туя ҳам узоғи билан бир ойга зўрға бардош бера олади.

Дарё, денгиз ва океанларда кемаларнинг юриши учун сувнинг қаршилиги қанча кам бўлса шунча қулайдир. Япон кемасозлари бу соҳада кеманинг остки қисмини кит гавдасига ўхшатиб қуриб, катта муваффақиятга эришдилар. Натижада сув қаршилигининг камайиши ҳисобига двигатель қувватини йигирма беш процент тежашга эришдилар.

Токарлик станогининг ишлаш принципи ҳаммага маълум. Станок кескичи қаттиқ қотишмадан иборат бўлиб, ўзига хос махсус шаклга эга. Бу шакл эса, ҳаводан олинмаган, албатта, балки кемирувчи ҳайвонлардан сичқон, каламушнинг тишига қиёс қилиб ишланган. Бургутнинг ожизроқ жониворларни, паррандаларни қандай таъқиб қилишини кўпчилик билади. У ҳеч қачон ўлжасининг кетидан қувламайди, балки жониворнинг учиш, қочиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда маълум масофада унга ташланади. Инсон бу қоидани техникага татбиқ этган. Масалан, автоматик зенит тўпининг ўқи тўғридан-тўғри учиб кетаётган самолётга эмас, балки самолёт олдидаги бир нуқтага йўналтириладики, ҳисоб-китобга кўра ўқ то муайян масофани босиб ўтгунча, самолёт шу нуқтага етиб келади. Коста-Рика соҳилида доимий ёруғлик бериб турадиган қўнғиз бор. Унинг шуъласида бемалол газета ўқиш мумкин. Агар бунинг моҳияти аниқланса, яна қанча мўъжизалар яратиш имкони туғиларди.

Биз санаб ўтган шу муаммолар нимадан дарак беради? Фан ва техниканинг ожизлигиданми? Табиат эришган такомилга инсоннинг эриша олмаслигиданми? Йўқ, аксинча, одамзод табиат сир-асрорининг туб моҳиятини очмоқда. Шак-шубҳа йўққи, инсон табиат мўъжизаларини фақат такрорлаш билан чекланиб қолмай, улардан ҳам ўтиб кетадиган мўъжизаларни бионика воситасида яратажак.

Техника тараққиёти инженерлик тафаккури олдига ҳал қилиниши мураккаб бўлган масалаларни қўймоқда. Мана шундай ҳолларда инженерлар табиат яратган хазинага, худди илмий-техника кутубхоналари ва архивларига мурожаат этгандек мурожаат этадилар.

Ҳозирги вақтда бионик олимлар, асосан, қабул қилиш, қайта ишлаш, эслаб қолиш принципларини ва ахборотдан фойдаланиш устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бионик олимлар тирик организм асаб системасида ташқи таъсирларга қараб қандай ўзгаришлар юз бериши принципларини тушунишга уринаётирлар. Инсон ва ҳайвонларнинг эслаб қолиш «механизмлари»ни текшириш устида катта ишлар олиб борилмоқда.

Электрон-ҳисоблаш машиналари жуда яхши хотира қурилмаларига эга. Бироқ электрон-ҳисоблаш машиналаридаги хотира блоклари ҳозирги замон техникаси ва ҳаёт талабларига тўла жавоб беролмаётир.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, бионика механик системалар тузилишига алоқадор бўлган кенг доирадаги масалалар билан ҳам шуғулланмоқда.

Инженерларимиз қушлар, балиқ ва денгиз ҳайвонларининг сузиш ва учиш биомеханикасини ўрганиб, янги принципда ишловчи, сузувчи ва учувчи аппаратлар яратмоқдалар.

Ҳозирги вақтда жуда кўп кўринишдаги нейронлар схемаси бунёд қилинган, яъни инсон ва ҳайвонлар бош мияси ташкил топган асаб тўқималари схемаси ўрганилган.

Булар ичида асаб тўқималарининг электрон, оптик ва электркимёвий ўхшашлари ҳам бор. Илмий-тадқиқотлар асосида таниб олиш системаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай системалар бир ёки бир неча сезги органлари ишини моделлаштириб ахборотни қабул қилиш, ҳатто берилган ахборот ёки таъсирнинг қайси бир категорияга оид эканини белгилашга қодирдир.

Бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқилган билиб олиш системаси сунъий йўлдошлар ёрдамида олинган расмларни аниқлашда фойдаланилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, кишиларнинг қимматли вақтини тежаб, мураккаб меҳнатдан халос этади.

Бионик олим Дельгадонинг иши жуда катта аҳамиятга эгадир. Дельгадо электрон система ёрдамида тирик организмга акс таъсирни амалга оширди. Испания ва бошқа мамлакатларда буқа билан олишув ўйинларини кино экранларида кўргансиз. Фараз қилинг, ана шу буқа олдига ханжар тутган тореадор эмас, балки олим Дельгадо чиқиб боради. Унинг қўлида транзисторли радиога ўрнатилган бошқарув кнопкаси бор, холос. Буқанинг бошига эса радиоприёмникнинг кичик қутиси боғлаб қўйилган. Қутурган буқа Дельгадога ташланади. Масофа оз қолганда олим бошқарув кнопкасини босади. Шу пайт буқа олимни шохига илиб отиш ўрнига, думини ликиллатиб унинг қўлини ялашга тайёр бўлиб қолади. Чунки олим буқанинг миясидаги ижобий эмоцияли бошқарув марказига микроэлектродли буйруқ юборган. Аксинча, яхши кайфиятдаги маймун миясидаги агрессия-эмоцияли марказга буйруқ юборилса, унинг важоҳати ўзгариб, ваҳшиёна қиёфага кириши мумкин.

Хуллас, биониканинг ривожланиши фақат техника тараққиёти учунгина эмас, балки моддий оламни чуқурроқ ўрганиш, билиш доирамизни кенгайтиришга ҳам имконият туғдиради ва кибернетика фанининг ривожига катта йўл очиб беради.

Н. МЎМИНОВ,
ЎзССР Фанлар академияси Кибернетика институтининг илмий секретари, техника фанлари кандидати

Мураббийлик — сермашаққат, лекин олижаноб касб. Педагогика фанлари кандидати Раҳимжон Усмонов ўттиз беш йилдан буён ана шу касбда ажойиб тажриба тўплаб келмоқда. У кўп йиллик кузатишларининг самараси бўлмиш қимматга мойил фикрларини йиғиб «Турмуш сабоқлари» номида китоб тайёрлади. Қуйида шу китобдан ўрин олган фикрларнинг баъзилари билан танишасиз.

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

Мақсадсиз киши булутга ўхшаб шамол эсган томонга оғиб кетаверади.

* * *

Юксак минора ердан қад кўтарганидек, илм чўққисининг замири ҳам ибтидоий таълимдан бошланади.

Ғаразгўй кимса асло муаллим бўлолмайди. Чунки бола энг адолатли ва софдил одамларнигина ҳурмат қилади.

* * *

Мураббий болани фақат ширин таомгагина ўргатиши ўринли эмас, чунки ҳаёт таомлари доимо ширин бўлавермайди.

* * *

Оилавий муносабатларда ҳам бирданига ўт чиқмайди. Аввал тутун чиқади. Оқиллар дудни сезган заҳоти ёнғиннинг олдини оладилар.

* * *

Болага ота-онанинг фойдали ўгит беришлари яхши, лекин ўз ҳаётий тажрибаларидан ижобий намуна кўрсатганлари ундан ҳам яхши.

* * *

Оиладаги тўнғич фарзандининг тарбияси алоҳида аҳамиятга эга, чунки кейинги ғилдирак олдингисининг изидан юради.

* * *

Она қарғиши билан ўсган қизнинг юзи чарм бўлади.

* * *

Инсоннинг эскирмайдиган энг кўркам либоси — камтарликдир.

Ғазаллар

* * *

Бахтимизга тоабаддир муҳташам давронимиз,
Шул сабабдан асрагаймиз, деб уни имонимиз.
Бахтимиз порлоқ қуёшдек, нурга тўлмиш қалбимиз,
Чунки бўлди ҳар бир ишда партия виждонимиз.
Шуҳрати оламга кетган, қудрати оламча бор,
Шул учун билмас хазонни, бу ажиб бўстонимиз.
Кўз қорачиғи каби эл қадрини жон бағрида —
Сақлагаймиз то нафас бор, токи танда — жонимиз.
Кимки дўстлик бирла тинчлик боғин обод айласа,
Ҳар маҳал очиқдир унга қалбу дастурхонимиз.
Юнусо, сен, кексайиб қолдим, дея афсус ема,
Навқирон қилгай йигитдек давримиз-давронимиз.

* * *

Сопланиб ўтдинг ёнимдан минг карашма, ноз билан,
Гўё булбулсан чаманда тенги йўқ овоз билан.
Мисли тундир қоп-қаро соч — қирқ ўрим зулфинг сенинг,
Гўё занжир ҳалқа-ҳалқа товланар пардоз билан.
Ҳуснингга боққанда ҳар гал жон уйинга ўт тушар,
Утса умрим кошки эрди сен каби мумтоз билан.
Баъзида ўт ичра қолган қил каби тўлғонаман,
Кўрганимда юрганингни баъзи бир нозоз билан.
Сен вафо маснадида тутсанг қарор бу зор учун,
Тоабадга умринг ўтгай ҳурмату эъзоз билан.
Эзгу меҳнатдир Юнусга ҳатто соянг изламак,
Утса умрим кошки эрди сен каби мумтоз билан.

Юнус ЮСУПОВ

Урганч

* * *

Тилда номинг муттасил такрор кундуз-кечалар,
Суратинг нақши кўзимга ёр кундуз-кечалар.
Ерда аксин тунда кўргач, тўлган ой ранги ўчиб —
Тонгга қолди, гул юзингга зор кундуз-кечалар.
Боғу бўстонларга имлар гул оёғинг ўпгали,
Мадҳ этар булбул сени бедор кундуз-кечалар.
Элга хушбўй атр тарқатмоқ учун боди сабо
Кокилингни ўпгали тайёр кундуз-кечалар.
Кўз нуринг инжуси қўнди субҳ гуллар баргига,
Шул сабаб баргида шуъла бор кундуз-кечалар.
Термуларман толпиниб, орзу билан зор ҳар нафас,
Бир нигоҳ ташларми, деб, дилдор, кундуз-кечалар.

* * *

Бир касбда топмоқчи бўлсанг камол,
Машаққат, заҳмати келмасин малол.
Боқ, кўкда ўроқнинг сиртидек нарса
Интилиб тўлин ой бўлур, ибрат ол!

Меҳнат тошни қилур асл дурдона,
Ҳосилдир, парвариш топса гул, шона.
Ғайрату ҳамият бағишлар қувват,
Пиёда фарзиндир юрса мардона!

Меҳнатда оққан тер серзавқу лазиз,
Ватан деб тўкилган қон каби азиз.
Халқига фидойи бўлган ҳар умр,
Абаддир, ўлимни билмагай ҳаргиз!

Ҳошимжон РАЗЗОҚ

Андижон.

---

* * *

Бош оғришига уч нарса сабаб бўлади: нопок ва бузуқ ҳавода истиқомат қилиш, хунук ва ташвишли хабар эшитиш, сергап ва эзма киши билан ҳамроҳ бўлиш.

* * *

Иродасиз кишининг калласи — тарозининг палласи, қайси томоннинг тоши ортса, ўша томонга эгилади.

* * *

Атир гул булбул учун завқ-шавқ манбаи. Туя эса уни бир тутам янтоқ деб билади.

* * *

Аҳмоқнинг номатлуб қилиқлари унча ажабланарли эмас, аммо оқилнинг биргина ноўрин ҳаракати ҳам кишиларни таажжубга солади.

Раҳимжон УСМОНОВ



Кўзлари чўлпон.

Н. БЕРДИЕВ фотоэтюди

Муҳтарам журналхонларимизнинг ёдларида бўлса керак, «Гулистон» ўзининг 1968 йил 7-сони ҳамда 1969 йил 9-сонида республикамиз тарихида биринчи марта билимларни умумлаштирувчи замонавий қомус чиқарилаётганлиги ҳақида хабар берган эди. Мана, ниҳоят ўқувчилар Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 1-жилдини олдилар. Шу муносабат билан журнал редакцияси УзСЭ Бош муҳаррири, академик Иброҳим Мўминович Мўминовдан бир неча саволга жавоб беришини илтимос қилди. Қуйида шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.



ЎЗБЕК ҚОМУСИ— ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

— Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбек Совет Энциклопедияси дастлабки жилдининг нашр этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Қомусчилар биринчи жилд имкониятлари доирасида ўз олдиларига қўйган мақсадларини тўла рўёбга чиқара олдими?

— Маълумки, 1967 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишлаб нашр этилган Ўзбек Совет Энциклопедияси 1-жилдининг макети Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган эди. Уша вақтда юзга яқин турли ихтисосдаги кишилар ва коллективлардан мулоҳаза ҳамда таклифлар олинди. Бу мактубларда жамоатчилик вакиллари қомусда эълон қилинажак мақолалар мазмуни, расм, харита ва безаклар ҳақидагина эмас, ҳатто айрим сўз ва тушунчаларнинг берилишига доир мулоҳазаларигача билдирган эдилар. Биз барча диққатга сазовор фикрларни мамнуният билан қабул қилдик ва 1-жилдни чиқаришда уларни назарда тутдик. Энциклопедияни нашрга тайёрлашга киришишда дастлаб бир қанча қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Асосий қийинчилик — турли фан соҳалари ва нашрнёт ишларини биладиган малакали мутахассисларнинг етишмаслиги бўлди.

1968 йилда УзСЭ Бош редакцияси алоҳида илмий муассасага айлантирилди. Шу даврга келиб қомусчиларнинг катта коллективи асосан ташкил топди. Бугунги кунда эса, биз қомус чиқара оладиган даражага етдик, деб дадил айтишимиз мумкин. Даъвомизнинг исботи — УзСЭнинг биринчи жилди. Умуман бу том биз учун ҳақиқий синов вазифасини ўтади. У ҳақда билдирилаётган фикрларга қараганда, 1-жилд халқимиз олдида юзимизни ёруғ қилди. Демак, зиммамизга партия ва халқимиз юклаган катта вазифанинг уддасидан чиқибмиз. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек қомусчилари Закавказье, Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари ичида биринчи бўлиб энциклопедия яратдилар.

— ЎзСЭни нашр этишда қомусчилик соҳасидаги қандай тажрибалардан фойдаланилди? Ўтмишда ўзбек халқи фарзандлари, умуман, Шарқ олиму фозиллари яратган қомуслар тажрибаларидан-чи?

— Катта Совет Энциклопедияси, Москва, Украина, Белоруссия, Литва ва бошқа республикалар қомусчилари тўплаган тажрибаларга суяндик. Кўпгина муҳаррир ва ходимларимиз қардош республикаларга бориб иш ўрганиб қайтдилар. УзСЭни рўёбга чиқаришда, шубҳасиз, Шарқ олимлари бунёд этган қомуслар тажрибалари ҳам замин бўлди.

Қомусчилигимиз узоқ тарихга эга. Ота-боболаримиз инсоният билимларини умумлаштириш тўғрисида кўп орзу қилганлар, айрим илмий соҳалар бўйича қомус ва луғатлар яратганлар, фан хазинасини ажойиб дурдоналар билан бойитганлар. Урта асрларда яшаган халқимизнинг гениал фарзандлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусчи олимларнинг асарлари ўша даврдаги билимларни атрофлича қамраб олган эди. Араб тилидаги дастлабки қомус — Форобийнинг «Фанлар таснифи» китоби, Берунийнинг «Ўтмиш авлодлардан ёдгорликлар», Ибн Синонинг «Донишнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғат-ит турк», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират ушшуаро» асарлари жаҳон энциклопедиялари тарихига қимматбаҳо ҳисса бўлиб қўшилган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ва ундан кейин Ўзбекистонда кўплаб тазкира ва луғатлар тайёрланган, аммо уларнинг ҳеч бири ҳақиқий энциклопедия — «билимлар мажмуи» вазифасини бажара олмаган эди. [«Энциклопедия» аслда юнонча сўз бўлиб, «билимлар мажмуи», демакдир.]

— Қомус яратишнинг заҳмати, мақолаларни эълон қилишда асос қилиб олинган принциплар, УзСЭ қамраган материалларнинг мазмуни ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Қомус яратиш ғоят масъулиятли ва мураккаб иш. Мақолаларни танлаб бериш, уларни ҳозирги илм-фан ютуқлари асосида қисқа, лўнда, равон, илмий-оммабоп тарзда шундай баён этиш керакки, ишчи ва колхозчи, олим ва санъаткор, ўқитувчи ва инженер, агроном ва врач, студент ва ўқувчи, хуллас, барча китобхонлар қомусдан ўзларини қизиқтирган турли-туман саволларга жавоб топа олсинлар. Муаллифлар ва муҳаррирларнинг катта коллективи томонидан яратиладиган қомус таърифларининг аниқлиги, услубининг равонлиги, ноёб воқеа-ҳодисаларни баён қилиши, илм-фан ютуқларини пухта мужассамлаштира олиши ва расм, безакларга бойлиги каби хусусиятлари билан ҳар бир китобхоннинг эътиборини жалб эта олиши зарур.

УзСЭ Бош таҳрир ҳайъатига республикамизнинг тўқсондан зиёд атоқли олимлари ҳамда маданият арбоблари уюшган. Академик олимларимиздан Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов, Ёлқин Тўрақулов, Теша Зоҳидов, Убай Орипов, Яҳё Ғуломов, Обид Акрамхўжаев, Комил Яшин, Воҳид Зоҳидов, Юнус Ражабий, Ғани Мавлонов, Владимир Шчеглов, Малик Набиев, Собир Юнусов, Музаффар Ҳомидхонов, Ҳамдам Усмонов, Сергей Ржов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбек Совет Энциклопедияси — ўзбек социалистик миллатининг етуклик шаҳодатномаси ва республикамиз сиймосини равшан акс эттирадиган кўзгу ҳисобланади. Қомус халқимизнинг узоқ асрли тарихи, бой маданий, илмий мероси, инсоният маданиятига қўшган ҳиссаси, машҳур олимлари, мутафаккир ва шоирлари, халқ ҳунармандлари, қўли гул усталарининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, айниқса, мамлакатимизнинг социалистик қурилиш йилларида халқ хўжалиги ва маданиятининг барча соҳаларида қўлга киритган оламшумул ютуқлари ҳақида маълумотлар беради. Ўзбек қомусининг саҳифаларида республикамизнинг бой ва хушманзара табиати, шаҳар ва қишлоқлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, ер ости ва ер усти бойликлари, санъат ва меъморчилик обидалари, хуллас, халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаёти ихчам, равон мақолаларда ёритилади.

Оқ йўл

Ленинобод педагогика институтини битирган Малик Эгамоннинг шеърлари билан ҳали таниш эмассиз. Аммо қуйида босилаётган бир неча кичик шеърининг ўзиёқ унинг образли фикрлаш жиҳатидан ҳозирги поэзиямиз савияси даражасида ижод қилишга интилаётган ёш истеъдод эканлигидан далолат бериб турибди. Маликнинг ҳар бир жажжи лавҳасида ҳақиқий поэтик фикр бор, эндиликда унга тил бойлиги, бўёқлар рангбаранглиги, туйғу жўшқинлиги, табиийлик ва равонлик керак. Ёш шоирнинг бу фазилатларни ҳам эгаллашига аминмиз.

Куз ва бола

Нам тортган ер узра япроқлар — кўрпа,
Қарғалар қарғиши тутган самони.
Булут ёнбошлаган осмон тўрига —
Офтобнинг йўлига тикибди жонин.
Гандираклаб тушар бир-икки япроқ,
Тонгги ўчоқлардан тўзғийди куллар.
Деҳқон томорқаси бўлибди яйдоқ,
Турар якқам-дуккам томир-чўкирлар.
Заъфарон ажриқзор ичида уч-тўрт —
Товуқ донламоқда чўзиб тумшуғин.
Ўзини тоблашга томда офтобга
Чиқди қўшнисининг қора мушуги.
Ёзда туғилган оқ бузоқ устига,
Уч-тўртта тут барги олибди миниб.
Бобосин отининг ёнида кучук
Кузнинг офтобида ётар исиниб.
Гоҳ чарақлаб, гоҳо юзи тўсилиб,
Қуёш илгарилар — юксак тобора.
Қўлда ёриқ анор, кўзи қисилиб,
Томнинг орқасида ўтирар бола.
Янги телпагини қўндириб қийшиқ,
Тикилиб боқади қишлоқ кузига.

ЎзСЭнинг 1-жилдида фаннинг 48 соҳасидан жами 3350 мақола, шу жумладан, табиийётшунослик ва техника фанлари бўйича 1783, ижтимоий фанлар бўйича 1567 мақола эълон қилинди. 1-жилдда маҳаллий материал жами материалнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бу жилдни тайёрлашда 654 муаллиф қатнашди, улар орасида СССР ФА ва ЎзССР ФА академикларидан 14 киши, мухбир аъзоларидан 13 киши, фан докторлари ва профессорлардан 88 киши, турли мутахассис ва фан кандидатларидан 539 киши бор.

Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 1-жилдида Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Аҳмад Дониш каби Ўрта Осиё халқларининг буюк мутафаккирлари тўғрисида мақолалар берилган. Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ҳақидаги мақолада шу улуғ сиймонинг ҳаёти ва фаолиятини кенг қамраб олишга ҳаракат қилинган. Мақола шоир асарларига машҳур рассомлар чизган нафис миниатюралар билан безатилган.

ЎзСЭ 1-жилдида агрономия, алгебра, арифметика, астрономияга бағишланган мақолаларда шу фанларнинг тарихи ва ҳозирги тараққиёти баён этилган, бу фанларнинг шаклланиши ва ривожланишида гениал ўзбек олимлари—Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Улуғбекнинг қўшган буюк ҳиссалари қайд этилган.

Қува, Денов анори, Марғилон атласи қадимдан бутун оламга машҳур. 1-жилддаги «Анор» мақоласи бу нодир меванинг ватани, етиштириладиган жойлари, навлари ҳақида, «Атлас» мақоласи эса бу нафис матонинг қандай тўқилиши, атлас тўқиш тарихи ва корхоналари тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради. Бу мақолалар ранг-баранг расмлар билан безатилган.

Октябрь революциясининг иштирокчилари, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва социализм қуришда фаол қатнашган Акмал Икромов, Абдулла Авлоний каби атоқли арбоблар ҳақидаги биографик мақолаларга қомусда салмоқли ўрин ажратилган.

Ўзбек халқи маданияти, адабиёти, санъати, илм-фанининг таниқли намояндалари Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳабиб Абдуллаев ва бошқа атоқли кишилар тўғрисидаги биографик мақолалар ЎзСЭ саҳифаларидан муносиб жой олган. 1-жилдда Андижон области ва Андижон шаҳри, номи «А» ҳарфидан бошланадиган бир қанча район ва қишлоқлар ҳақида маълумот берилган.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, илм-фан, адабиёт, санъатнинг таниқли арбоблари тўғрисида биографик мақолалар бор.

Иттифоқдош республикалардан Арманистон ССР, автоном республикалардан Абхазия, Ажария, ажнабий мамлакатлардан Австралия Иттифоқи, Австрия, Аргентина, Афғонистон, АҚШ тўғрисида мақолалар берилган, уларга мазкур республика ва давлатларнинг хариталари, турли расмлар илова қилинган.

— ЎзСЭнинг бошқа энциклопедиялардан, хусусан, Катта Совет Энциклопедиясидан фарқи нимада?

— Ўзбек қомусида маҳаллий материалларга катта ўрин бериш баробарида, бутун дунё учун муштарак бўлган мавзудаги мақолалар маҳаллий материаллар билан тўлдирилган. Масалан, «Армия» мақоласида унинг умумий тарихидан ташқари Ўрта Осиёдаги қўшинлар тарихи ва ҳоказолар баён этилган. «Архитектура» мақоласида эса ўзбек халқининг жаҳон меъморчилик санъати тарихига қадимдан қўшиб келган улкан ҳиссаси ёритилган.

ЎзСЭдаги баъзи мақолаларга муҳим адабиётлар рўйхати илова қилинган, бу эса ўқувчиларнинг муайян масала бўйича ўз билимларини чуқурлаштиришларига имкон туғдиради.

— Ватанимиз — кўп миллатли мамлакат. Бу ҳол ЎзСЭнинг 1-жилдида ҳам ўзининг қонуний ифодасини топган. Қардошларимиз ҳаётига доир мақолалар қандай тайёрланмоқда?

— Қардош республикалар ҳаётига дахлдор йирик мақолаларни ҳар бир республиканинг мутахассис олимларига ёздириб олмоқдамиз. Масалан, Арманистон ССР ҳақидаги мақолани арман олимлари, Белоруссия тўғрисидаги мақолани белорус олимлари ёздилар. Ундан ташқари, Катта Совет Энциклопедияси қошидаги Матбуот маркази бу борада бизга ёрдам бермоқда. Албатта, қардошларимиз тарихи ва ҳаётига алоқадор мақолаларнинг анчагина қисми маҳаллий авторларимиз қаламига мансуб.

— Ҳали ҳам имло ва терминологиямиз такомиллашиш жараёнида бўлганлиги сабабли турли чалкашликлар бор. Бу чалкашликлар қандай бартараф этилмоқда?

— Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми ҳузурида фаннинг ҳар бир соҳаси бўйича илмий секциялар бор. Жамоатчилик асосида ишлайдиган бу секцияларда икки юз элликдан ортиқ олим ва мутахассис уюшган. Барча мунозарали масалалар ана шу секциялар йиғилишларида муҳокама қилиниб, бир қарорга келинади.

Терминология, имло масалаларига келганда, дарҳақиқат, чалкашликлар кўп. Бизни қийнаган масалалардан бири ҳам шу бўлди. Бу мушкулликдан қутулишда илмий секциялар катта ёрдам беришди. Уч марта — ижтимоий фанлар вакиллари билан, техника фанлари вакиллари билан ва табиий фанлар вакиллари билан махсус йиғилишлар ўтказиб, ҳар бир соҳага доир терминларни қандай қабул қилиш ва ишлатиш масаласида ўша соҳанинг мутахассислари билан маслаҳатлашиб олдик. Натижада кўп терминларни ишлатишда муштаракликка эришдик. Бу, менингча, терминологиямиз муаммоларини ҳал этишда олға ташланган яхши қадам бўлди.

— Ўзбек қомуси 1-жилдининг «Муқаддима»сида ЎзСЭ Бош редакцияси китобхонларнинг таклиф ва истакларини мамнуният билан қабул қилажаги ва кейинги жилдларни нашрга тайёрлашда назарга олиб боражаги ҳақида гапирилган. Шу имкониятдан фойдаланиб журнал редакциясининг баъзи мулоҳаза ва истакларини айтсак.

— Марҳамат.

— Қомуснинг 1-жилдида мазмундор ёзилган кўпгина маҳаллий материаллар берилган. Китобхон уларни ўқиб катта фойда олади. Лекин, назаримизда, халқимиз тарихи ва ҳаётига доир материаллар ҳали кутилганидан анча камга ўхшайди. Айниқса, меъморчилик, халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, ирригация иншоотлари тўғрисидаги мақолалар оз. Истагимиз — бу соҳалар ҳам батафсилроқ ёритилиб, қомусдан кенгроқ ўрин берилса, энг муҳими, материаллар бойитилиб тақдим этилса. Масалан, 1-жилдда XVII аср ўзбек меъморчилигининг нодир обидаси — Анушахон ҳаммоми ҳақида мақолача берилган. Лекин мақолачага ҳаммомнинг на сурати, на макети ёки схемаси илова қилинган. Агар халқимизнинг ҳаммомлар қуриш соҳасидаги ғоят кадимий анъанасини, бу ажойиб анъана ҳар бир халқнинг маданият даражасини белгиловчи омиллардан бири эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мақоланинг батафсилроқ, схемалар билан безатилиб тақдим этилиши мақбул эди. Худди шундай мулоҳазани Алишер Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил хаттот, улуғ олим Али Қушчи, ўзбек совет адабиёти ва маданиятининг кўзга кўринган вакили Абдулҳамид Мажидий (шоирнинг ҳатто сурати ҳам берилмаган) тўғрисидаги ва бошқа баъзи материаллар хусусида ҳам билдириш мумкин.

— Сизлар айтган камчиликларга ўхшаш камчиликларнинг иложи борича олдини олиш мақсадида санъат редакциясини амалий санъат ва меъморчилик, театр ҳамда кино, музика редакцияларига бўлдик. Икки янги редакция—физика-математика ва астрономия ҳамда биология редакциялари ташкил этдик.

Шу билан бир қаторда, барча танқидий мулоҳазалар келгуси жилдларни чиқаришда эътиборга олинади, имкони борича, йўл қўйилган камчиликлар тузатилади. Ундан ташқари, янги йилдан соҳалар бўйича қомуслар чиқариш учун жиддий тайёргарлик ишлари бошланади. Дастлаб адабиёт, тарих, медицина энциклопедиялари нашр этиш мўлжалланмоқда. Кейинроқ фаннинг бошқа соҳаларига доир энциклопедиялар ҳам чиқарилади. Бирор сабаб билан ЎзСЭга кирмай қолган сиймолар, воқеалар ана шу соҳа қомусларига киритилади.

— Ўзбек Совет Энциклопедияси яратишдек иш кўп йил мобайнида, катта коллективнинг жуда зўр меҳнати орқасидагина юзага чиқади. Ундан халқимизнинг бир эмас, бир неча авлоди таълим олади. Демак, қомусимиз ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан қанча мукаммал ва гўзал нашр этилса — шунча яхши! Шу муносабат билан бизда баъзи мулоҳазалар туғилган эди...

— Бемалол.

— Маҳаллий материалларга илова қилинган суратларнинг камчиллигини айтган эдик. «Алишер Навоий» мақоласига берилган қадимий миниатюралар кўзни қувонтиради. Агар биринчи жилддаги барча рангли суратлар ҳам шундай сифатли нашр этилганда ажойиб бўлар эди. Сўнгра, Хоразмий, Беруний, Ҳ. Абдуллаев, А. Қодирий каби олиму адиблар ҳақидаги йирик-йирик мақолалар уларнинг қўл ёзмаларидан фото нусхалар, мамлакатимиз ва чет элларда босилган асарлари муқоваларининг суратлари билан безатилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Тўғри. Биринчи жилдни чиқаришда содир бўлган бир камчилигимиз ҳам шу. Иккинчи жилддан бу нуқсонни тузата бошладик. Рангли суратларнинг ҳаммасини сифатли нашр этиш чораларини кўрдик: ҳозир ботиқ босмадан фойдаланмоқдамиз.

— Охирги — анъанавий савол. Қомуснинг навбатдаги жилдларини чиқариш юзасидан кўрилаётган тадбирлар, коллективингизнинг яқин келажакдаги режалари, умуман, янгиликлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўқувчилар янги йилда қомуснинг иккинчи, учинчи жилдларини оладилар. Уларда «Белоруссия», «Буюк Британия», «Бақтрия», «Балх», «Бедил», «Бобир», «Бобирийлар», «Бронза даври», «Бухоро» каби йирик мақолалар бор. Тўртинчи жилд нашрга тушиб кетади. Ҳозир бешинчи ва олтинчи жилдлар тайёрланмоқда. Энг катта янгилик, шубҳасиз, аввал айтганимдек, келгуси йилдан соҳа қомуслари чоп этиш ишига киришаётганлигимиз.

— Сизга, ажойиб коллективингизнинг барча аъзоларига кўп минг сонли «Гулистон» ўқувчилари ва шахсан редакциямиз коллективи номидан янги йилда янги ғайрат, ҳамиша сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, жўшқин ижодий илҳом тилашга рухсат этсангиз!

— Раҳмат.

Суҳбатни ёзиб олувчи **Маҳмуд САЪДИЙ**

У бугун илк марта эрта уйғониб,
Кузнинг тасаввурин йиғар кўзига..

* * *

Қора тун ҳукмрон, ҳамма ёқ жимжит,
Юлдузлар гўёки омонат бир чўғ.
Шу дам қаердадир чақнади гугурт —
Гўё паҳлавонга зимдан тегди ўқ.
Ҳоким сукунатнинг мудҳиш кучидан
Баланддир бир оддий гугуртда журъат.
Ҳайронман оламнинг баъзи ишидан:
Кичикда журъату каттада даҳшат...

* * *

Болалик пайтларим югурардим кўп,
Пахса девор ошиб узардим узум.
Гоҳида қочардим, гоҳ йиғлардим хўп,
Ҳеч ҳам шувитликни сезмасди юзим.
Ўтар оддий куни болалигимнинг,
Овозим дўриллаб недир излардим.
Бир куни синфдош бўлган бир қизнинг
Қорачиғи ичра ўзимни кўрдим.
Сўнгра билдим уят, дакки нелигин,
Илк бор билдим: қилдим кимларни хафа.
Илк бора саҳарда уйғоқ бўлдим мен,
Бировни ўйладим шунда илк дафъа...

Қўллар

Қўл яратади,
Қўл қулатади.
Силаб-сийпайди,
Гоҳ ўқ отади.
Пешанада — қўл.
Гоҳо қиссада.

Қўллар силташар,
Қўллар — ҳассада.
Қўлларда — коса,
Руллар — қўлларда
Бизда-чи, бизда
Қўллар қўлларда!

Малик ЭГАМОВ

Эмин УСМОНОВ

ИНТИЗОР

Ҳикоя

Кампир алламаҳалгача ухлаёлмади. У ёнбошидан-бу ёнбошига ағдариларди. Шифтга тикилиб алламаларни ўйлаб ётади... Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолади. Бора-бора бу жимлик шу қадар зил тортадики, юраги тарс ёрилгудек бўлади. Қулоқлари шанғиллаб битиб қолади. Эндигина кўзи илинганда хўроз қичқиради. Турмай деса, намози қазо бўлади. Пайғамбар ёшига етганида намозини қазо қилсинми? Аслида унга тун билан кунниng фарқи йўқ. Уч йилдан бери кўзи ожиз бўлиб қолган. Ўғиллари роса югуриб-елишди. Не-не докторларга қаратишмади. Нафи тегмади. Асли пешанасига битилгани шу экан, нима қилсин. Аввалига жуда сиқилиб юрди-ю, кейинчалик кўникиб кетди. Иложи қанча? Ҳамма нарса худонинг хоҳиши билан бўлади. Одамнинг дардига ўзи шифо бермаса, бандасининг қўлидан нима келарди? Шунчалигига ҳам шукур.

Кампир кўрпани қайириб ўрнидан турди. Қўлларини олдинга узатиб ҳавони пайпаслаганича тахминлаб бўсағага келди. Оёғи билан тимирсираниб калишини топди. Тўр рўмолига ўралиб астагина эшикни очди-да, ташқарига чиқди. Муздек ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Ётаверіб аъзойи бадани увишиб қолган экан, яйраб кетди. Супа четига ўтириб кеча сукунатига қулоқ солди. Томда мушук миёвлади. Яқингина жойдан итнинг эринибгина вовуллагани эшитилди. Қаердандир, жуда ҳам олисдан узуқ-юлуқ куй қулоққа чалинади. Кампир бутун вужуди билан берилиб тинглай бошлади. Мунча яхши... Бироз кўяётган бўлса керак.

Ҳовли этагидеги уйдан чақалоқ йиғиси эшитилди. Невараси уйғонди шекилли. Энди анчагача ухламай хархаша қилади. Кириб овутсамикан? Йўғ-э... Кирса бўлмас. Ёш нарсалар... Кўнгилларига бошқа гап келиб юрмасин. Шу кичик келини бола боқишга йўқроқ чиқди-да. Ҳамманинг олдида дуч келган нарсани ёдираверади. Ёш бола деган кўзга яқин бўлади. Бировнинг суқи киради ҳам демайди.

Бирдан эшик очилиб, кимдир чиқди.

— Ҳа, хола,— деди келини ажабланган оҳангда,— нима қилиб ўтирибсиз ётмай?

— Боланг нимага йиғлаяпти?— сўради кампир кўзларини дока рўмолининг учига артатуриб.

— Шамоллаб қолганга ўхшайди,— деди келин эснаб,— йўталяпти.

— Қўй ёғи бордир? Томоғини, кўкрагини яхшилаб мойлаб ўраб ётқиз. Бир терласа босилади.

— Кириб ётинг энди, холажон,— деди келин кета туриб.

Кампир анчагача унинг қадам товушларига қулоқ солиб ўтирди. Қадамлари чаққонгина. Ҳозир анча тўлишиб қолгандир. Келин бўлиб тушмасидан кўрган. Нозик-ниҳолгина қиз эди. Қош-кўзи попуддек, сочи нақ тақимига урарди. Кампирга унинг юриши ёқади. Икки елкасини сал чайқатиб, гурс-гурс юрарди. Ўз жигарининг қизи-да. Олдида «хола-хола», деб юриб бўй етди. Тушганига уч йил бўлиб қолди-ю, ҳали ҳам «хола» дейди. Холаси қоқиндиқ, бир марта ойи деса нима қиларкан!..

Кампир тиззаларига таяниб қўзғалди. Пайпасланиб кириб ўрнига чўзилди. Алламаҳалгача яна хаёл суриб ётди. Бир маҳал кўзи илиниб кетибди. Кўзи илинибдию туш кўрибди.

Пешайвон устунига суяниб ўтирганмиш. Тўсатдан ҳовлига бир ариқ сув шарқираб оқиб кирганмиш. Кирибдию бирпасда бутун ҳовлини босиб кетибди. Мундоқ қараса сувда кенжа ўғли оқиб келаётганмиш. Қирғоққа чиқмоқчи бўлиб талпинармишу, қўлига ҳеч нарса илинмасмиш. Кампир у ёқдан-бу ёққа зир югуриб, ҳассасини узатиб, жон ҳолатда бақирармиш: «Сиддиқ!.. Ҳассани ушла... Ушласангчи...» Сиддиқ ҳар қанча уринмасин ҳассага қўли етмасмиш. Бирдан сув кўпайиб, уни ғарқ қилиб юборганмиш...

Кампир чўчиб уйғонди. Катта келини човгумда иссиқ сув олиб кирган экан. Бечора тиниб-тинчимайди. Бозор-ўчар ҳам, уй ишлари ҳам шунинг зиммасида. Аммо нолимайди. Янги тушган пайтларида кичик келини қарашиб юрарди. Унинг қилган ишлари маъқул бўлмади шекилли, ораларида гап қочиб қолди. Каттаси тезроқ. Аччиғи келганда отасини ҳам аямайдиган. Кичиги ҳалигача ош дамлашни билмайди. Аммо хамир овқатни ўринлатади. Оғиргина. Ширинсўз... Ишқилиб, омон бўлишсин.

— Ҳай, нега саҳармардондан туриб олдинг тағин? — деди кампир безовталаниб.

— Хамир қиламан, ойи. Нон тугабди.

— Ҳа-а.— Кампир бир нафас жим қолди-да, шошиб қўшиб қўйди:— Ҳув анави, бурчакдаги токчада жизза бор эди шекилли. Уч-тўртта жиззали кулча ҳам ёпгин. Сиддиқжон келиб қоладиганга ўхшаб турибди. Жиззали нонни соғингандир. Келмаганига ҳам анча бўлди-я?

— Бир ойдан ошди.

— Йўғ-а,— деди кампир овозини сал баландлатиб,— яқиндагина келиб кетган эди-ку?

Кампир атайлаб, кўнглига сал таскин бериш учун шундай деди. Аслида кенжаси кетганига икки ойга яқинлашиб қолган эди. Кампир ҳамиша шундай қилади. Битта-яримта эшитса гап-сўз бўлмасин, дейди шекилли. Тавба, ёмоннинг ўти мунча ёмон бўлмаса?

Кампир намоз устида ўғилларини дуо қилди. Айниқса кенжасини кўпроқ алқади. Инсоф тилади. «Кўнглига меҳр солгин, мени бунчалик сарғайтирмасин», деб илтижо қилди.

Оналарнинг дуоси ижобат бўлади. Зора Сиддиқ ҳам онасини йўқлаб келиб қолса. Кошкийди... Кампир унинг ҳеч нарсасига зор эмас. Шукур, икки ўғлининг топиш-тутиши жойида. Каттаси бригадир. Кичиги аллақайси... хаҳ, оти нима ҳам эди-я... Ҳозир ғалати-ғалати отлар кўядиган бўлиб кетишибди. Тил келишмайди. Ишқилиб, инженер. Кўп қатори ишлаб юрибди.

Кампир пайпасланиб ташқарига чиқди. Одатдагидай, зинадан тушаверишдаги устунга суяниб ўтирди. Қуёш чиқаётган бўлса керак, чумчуқлар жуда қувноқ сайрашяпти. Бир оздан кейин бу ўлгурларнинг чирқиллаши ёқмай қолади. Худди жуволдиз билан миянгни чуқилаётгандай бўлади.

Ўнг тарафдаги ер тандирдан чирсиллаб ўт ёнгани эшитилади. Келини хамир қориб бўлибди чоғи. Киччинаси ҳали турмаганга ўхшайди. Шу одати ҳеч қолмади-да. Неча марта айтган, кун чиқмасдан туриб ҳовли супур, битмаган ишларингни битириб ол, деб. Кун ёйилгунча ётишнинг хосияти йўқ. Бу ёшларга ҳеч тушуниб бўлмайди. Эсли-ҳушлигинаю арзимаган нарсаларга фаҳми етмайди. Ҳозир туриб овсинига қарашса бўлмайдими?

— Ассалом алайкум!—Катта ўғли унинг ёнига келиб ўтирди.— Яхши ётиб турдингизми, ойи?

— Шукур,— деди кампир енгил тин олиб.— Бугун анча тиниқиб ухлабман. Ишларинг қанақа, болам? Тузукми ишқилиб?

— Картошкани чопиқ қиляпмиз. Палаги яхши. Гуркираб турибди. Булутургининг аламига бир бўлиб берса ажаб эмас.

— Худо бераман деса, ажаб эмас...— Кампир ёқимли шабадага юзини тутиб чуқур тин олди.— Мен сенга бир нарсани айтмоқчи эдим.

Одамларга яхши гапир, кўпга бошсан. Бошлиқ ширинсўз бўлиши керак. Бўлмаса одамларнинг ихлоси қайтиб қолади. Яхши гап билан битмаган ишни ҳам битирса бўлади. Отанг раҳматлик доим шунақа қиларди, эсингдами?

Кампир пайпасланиб ўғлининг бошини, кифтларини силади. Энтикиб хўрсиниб қўйди. Соч-ларига оқ оралаган ўғил худди гўдакдай эркаланиб кампирнинг бурушиқ, қоқсуяк қўлига юзини босди.

— Далага кетяпсанми?

— Ҳа, ойи.

— Чой ичдингми?

— Қайтиб келиб ичарман. Кун ёйилиб кетибди.

— Бирпас сабр қил. Хотининг нон ёпяпти. Иссиқ нон билан қаймоқ еб ол. Чанг ютиб далада юрадиган одамсан, қувват бўлади. Очнаҳор юрма, болам. Узилиб қоласан. Ҳозир илиқ қуриган пайт.

— Далани бир айланиб келай.— Ўғли аста ўрнидан турди,— кейин бирга чой ичармиз.

— Майли. Борақол. Ҳаяллаб кетма.

Оғир, залворли қадам товушлари узоқлашаузоқлаша тинди. Негадир кампирнинг кўнгли бузилгандай бўлди. Ўғлининг қадамлари чолининг юришларини эсига солдими... У ҳам шошилмай, оғир-оғир босиб юрарди. Бола ҳам отасига шунчалик ўхшайдими? Кичигининг юзкўзи қуйиб қўйгандай дадасиники. Бироқ феъли ўхшамайди. Индамасроқ чиқди буниси. Отаси ҳазилкаш, қувноқ одам эди. Улфатчиликнинг гули дейишарди. Бир уй одамни кулдириб ўтирарди. Шу жиҳатдан кенжаси отасига тортган. Юз-кўзи ўзига ўхшайди. Ҳушрўйгина. Бирам ёқимтойки... Ўрдадами, Ҳадрадамикан, янги ошхона очилганмиш. Ҳозир ўшанинг каттаси. Бошлиқ бўлса арзийдиган шудликкина. Даромади кўп шекилли, нуқул осмондан келиб гапиради. Баъзида акаларига: «Сизларнинг бир йилда ишлаб топганларингни ҳафсала қилсам мен бир ойда топиб қўяман», дейди. Ҳазиллашади-да... Бўлмаса бир ойда шунча пул топиб бўлармиди? Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор, ахир. Ҳурмати жойида. «Волга»да юради. Катта-катта одамлар ҳам «Сиддиқжон ака» дейишади. Ҳали ёш, боши айланиб қолмасинда ишқилиб. Бир йилча бўлди, «дўм» олган. Уч хонали. Сўққа боши билан ҳозир «дўм»да турибди. Уйланишни ўйламайди ҳам. Шундоқ юргани яхши эмиш. Ҳозирги ёшларга сира тушуниб бўлмайди. Катта акаси: «Елғиз қандоқ яшайсан, шу ерда туравер», деса, унамади. «Дўм»да турмаса, ҳукумат уйни олиб қўярмиш. Нима, ҳукумат шу битта уйга зор эканми?.. Шу кенжасининг боши икки бўлганини кўрса, беармон кетарди.

— Ҳай, болам, тандиринг қизидими?

— Ҳозир қизиб қолади,— деди нонга чакич ураётган қотма, рангпаргина келини.

— Жиззани менга бера қол. Сиддиқжонгинамга ўзим кулча ясаб берай.

Нон ясай туриб ҳозиргина кўрган туши ёдига тушиб кетди. Тавба, нега бунақа туш кўрди экан-а? Сиддиқнинг чўкиб кетгани нимаси? Ишқилиб яхшиликка кўринсин-да. Сув — ёруғлик, дейишади. Кошки... Ҳеч қачон ҳасса тутмасди. Тушида ҳасса кўтариб юрибди. Тушга хўп ғалати нарсалар киради-да.

— Нон ёпаркансиз, айтсангиз бўлмасмиди? Қарашворардим,— ҳовлидан кичик келиннинг овози эшитилди. Эндигина турган бўлса керак.

— Бо, худо, арзимаган ишга сизни овора қиламанми? Бунақа ишларни ойдинда оёғим билан қилиб қўяман. Энди кўрибманми?

Бу катта келинининг овози. Бай-бай... Чақиб олди-ку. Азонлаб туриб ўзингча қарашмаганингдан кейин нима қилардинг гапириб? Бир кун эшитмасанг овсинингнинг гаплари хумор қилиб қоладими?.. Кампир хаёлан келинини койиган бўлди. Кейин авайлаб юриб тандир олдига борди. Келини саватга ташлаётган нонларни сийпалаб, ўзича жилмайди. Нонининг хуштаъм, ёқимли ҳиди кўнглини орзиқтирди. Кампир ўртага шох-шаббалардан гов тутилган қўшни ҳовлига қулоқ солди. Чой ичишаётган бўлса керак, пешайвондан чойнак-пиёлаларнинг шақир-шуқури эшитилиб турибди. Кампир говга яқин келиб чақирди:

— Умри, Умриниса-ю!..

— Ҳув!..— қўшни кампирнинг бир оз хиркироқ, ингичка овози эшитилди.— Вой, айланай, эгачи, азоб чаб нима ҳаркатга тушиб қолдингиз?— У келиб кампир билан кифт қоқишиб кўришди.

— Сиддиқжон келмоқчи экан. Кеннойиси, жиззали нон ёпиб қўяйлик, деб уриниб юрибди.

Тандирдан нон узаётган келин ялт этиб аввал қайнанасига, сўнг қўшни кампирга қаради. Қўшни кампир унинг иссиқдан қизариб кетган кўзларидаги ажабланиш, ачиниш аломатини пайқаб қолди. Аммо сир бой бермай кулиб гапирди:

— Ажаб қипти, эгачи. Сиддиқжон келса кўнгли кўтарилади.

— Қани нонга каранг, айланай.— Кампир пайпаслаб саватни топди-да, битта кулчани ушатиб савати билан қўшнисига тутди.— Олинг.

— Вой, сиз уринманг, эгачи.— Қўшни кампир бир бурда нонни оғзига солиб тамшанди.— Бирам мазали бўлибди. Хамирга думбаёқ солганмисиз дейман?

— Келингинамнинг қўли дард кўрмасин, илойим,— деди кампир,— ёпган нони асалдай бўлади.

— Юринг, эгачи, бирга чой ичамиз.

— Нондан олсангиз-чи. Олинг,— деди кампир саватни узатиб.

— Раҳмат, эгачи, Сиддиқжон келса чиқарман.

У кетди. Кампир бўшашибгина саватни жойига қўйди. Негадир қўллари титраб, аъзойи баданида бир ҳорғинлик сезди. Эҳтиёткорлик билан юриб яна пешайвонга — одатдаги жойига бориб ўтирди. Унинг хира, нурсиз кўзларидаги умид, боягина барқ уриб турган пинҳона севинч учқунлари изсиз сўнган, алланечук ҳорғин, маъносиз боқар эди.

У келини олдига келтириб қўйган саватдан тўрттагина кулча олди-да, қийиқчага ўраб тахмондаги шифт баравар кўрпаларнинг қатига тиқиб қўйди. Истар-истамасгина чой ичди. Келини сузиб берган қаймоққа қўл ҳам урмади. Ҳар ҳўплаган чойи томогида туриб қолар, кампир уни машаққат билан ютар эди. Ҳамма туриб кетгач, косадаги қаймоқнинг устига битта нон ёпди-да, уйга олиб кириб қўйди. Сиддиқжон келса иссиққина нон билан еб олар.

Аммо ўғлидан ҳамон дарак йўқ. Икки ой илгари бирров келиб кетганини айтмаса, қачондан бери мундоқ ёзилишиб ўтиргани йўқ.

Тушдан кейин тўнғичининг ўғли мактабдан келди:

— Бувн, Сиддиқ амакимни кўрдим,— деди ҳовликиб,— машина ҳайдаб ўтиб кетдилар. Машиналари учқур экан. Яп-янги.

— Вой, тилингдан айланай!— Кампир неварасининг юз-кўзидан чўлпиллатиб ўпди.— Қаёққа ўтиб кетди?

— Станция томонга.

Незараси жилдини ташлаб чопқиллаганича

В. ДУМКИН чизган

Театр

Я. ФЕЛЬДМАН,

А. Островский номидаги Тошкент Театр рассомчилик институти театршунослик кафедрасининг мудири, доцент

ҳисса

Ўзбек драматик актёрлари ва умумсовет саҳна санъати ҳақида мулоҳазалар

Ўзбек актёрларининг Станиславский системасининг асосларини эгаллашлари умумсовет саҳна санъатига уларнинг қўшган ҳиссасини бошқа совет миллий театрлари актёрларининг қўшган ҳиссалари билан таққослаш имконини беради. Бундай таққослашлар ўзбек актёрлари сўнгги йилларда эришган муваффақиятлар рус ва бошқа совет театрлари актёрларининг муваффақиятлари билан бир даражада эканлигини, шунингдек бу ҳиссанинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ўзбек актёрларининг кўп миллатли саҳна санъатимизга ҳисса бўлиб қўшилган катта-катта ишлари совет театри усталарининг изланишларини қўллаб-қувватлайди ва кенгайтиради. Ўзбек актёрларининг бу муваффақиятларида уларнинг қардош халқлар йирик саҳна усталари ўйинларини бевосита кузатиб, бу мушоҳадаларни ижодий ўзлаштиришлари ҳам кам ўрин тутмаса керак. Унда бизнинг кунларда ягона бир бутунликни ташкил этган қўш жараённинг иккинчи томони ҳақида: ўзбек актёрларининг бошқа совет театрларидаги ўз ҳамнасабаларига таъсири тўғрисида гапириш керак бўладики, бу ҳам ҳисса муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Қолаверса, ўзбек санъати намояндаларининг, шу жумладан балет, опера, эстрада каби турли театр жанрлари вакилларининг чет элларга тобора кўпроқ бораётганларини кўзда тутсак бу масала янада кенгроқ кўлам касб этади.

Ҳозирги кунда социалистик миллий бадиий маданиятларнинг бир-бирига яқинлашуви, уларнинг халқларимиз интернационал бадиий тажрибаси заминида ўзаро бойиб, теранлашуви яна ҳам кенгроқ кулоч ёйди. Кўпгина миллий санъат ўн кунликлари, ҳафталиклари, фестивалларни, айрим коллективлар ва ижрочиларнинг гастролларидан сўнг баъзи қардош халқлар актёрлари ҳамда режиссёрлари ўзбек саҳна санъатида муайян ҳолларда ўз бадиий вазифаларига жавоб берадиган бўёқларни топмоқдалар, ўз ғоя ва туйғуларини ёрқин акс эттириш учун таянч топмоқдалар.

Бу ишонч ўзбекларнинг саҳна санъатида, жумладан, рус саҳнаси санъаткорларини нималар қизиқтирганлиги ҳақидаги бундан бирмунча олдинги даврга хос бўлган айрим маълумотларга асосланади.

1930 йилда СССР халқлари Биринчи санъат олимпиадасининг жюриси музика, қўшиқ, рақс каби элементларни жамлаштирган миллий спектакль шакллари муваффақият билан топилганини қайд этган эди. Синчков танқидчилар: «драматик ҳаракат музика, қўшиқ ва рақс билан чамбарчас чатишиб кетади», «Ўзбек театрида музика катта роль ўйнайди, айниқса қаҳрамонлар ўз туйғуларини изҳор қиладиган саҳналарда... Бу музикали монолог ўзбекларнинг драматик театрига ҳам, уларнинг музикали театрига ҳам баббаробар тааллуқлидир», деган эдилар. Кўриниб турибдики, бу ерда ўзбек драматик актёрларининг ўйин манерасига хос бўлган ички мусиқийлик ҳақида ҳам гап боради.

1937 йили Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати ўн кунлиги муносабати билан О. Книппер-Чехова ва Л. Леонидов каби рус саҳнаси усталари ўзбек актёрларининг маҳорати ҳақида фикр билдириб, уларнинг ҳаракатлари пластик, комин, ғоятда серифода эканлигини айтган эдилар. Ўз тассуротларидан хулоса чиқариб, буюк рус артисти Н. Хмелёв шундай деб ёзган эди: «Биз рус театрининг актёрлари ўзбек актёрларидан одатдан ташқари пластика, чаққонлик, ҳаракатлардаги алоҳида бир олижаноблик ва танани тута билишни ўрганишимиз керак». Ушанда Н. Хмелёв ўзбек актёрларининг қизғин эҳтироси ҳақида гапирган, В. Немирович-Данченко эса уларнинг ижодида юксак пафос билан ўта самимийлик уйғунлашиб кетганлигини айтган эди.

Зотан, бу баҳолар музикали драма театрининг актёрлари билан танишиш оқибатида изҳор қилинган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги драматик театрга ҳам тааллуқлидир. Модомики, бу фикрлар рус драматик театрининг атоқли актёр ва режиссёрларига мансуб экан, бинобарин, улар ўзбек актёрлик санъатининг рус драматик актёрларини ҳам бойитадиган фазилатларини қайд этганлар.

Биринчи ўн кунликдан йигирма йил ўтгач, Ҳамза номидаги театрнинг «Йўлчи юлдуз», «Ганг дарёсининг қизи», «Жазоир — менинг ватаним!» спектаклларини муҳокама қилар эканлар, Москва театр жамоатчилигининг вакиллари ўзбек актёрларининг ана шу хусусиятлари ҳақида якдиллик билан гапирдилар.

Яна ўзбек актёрларининг пластиклиги, мусиқийлиги (О. Олидор), ғоят даражада серифода тарзда ташкил топган ансамблнинг мусиқийлиги (М. Григорьев), кўпгина рус актёрларига қараганда ифодалироқ мусиқийлик, пластиклик, спектакларга латофат бахш этадиган миллий пластик хусусият ҳақида (В. Плучек) фикрлар изҳор қилинди. Таниқдчиларнинг таърифлашича, ўзбек актёрларига хос бўлган ритмика, пластика, уйғунлик нечоғли яхши ифода этилса, улар ўз халқининг характерини нечоғли тўлароқ ифода этсалар — барча бошқа миллат томошабинлари ҳам буни шунча самимият ва қувонч билан кутиб олади. (Е. Сурков).

Шу муносабат билан, Юлиус Фучикнинг 1935 йили Ҳамза номидаги театрнинг «Гамлет» спектаклини кўрганда ёзган қуйидаги сўзларини беихтиёр эслайсиз: «Уларнинг «Гамлет»и — чинакам шекспирча «Гамлет», фожеийлигини бевосита идрок этадиган ажойиб драмадир. Тилни билмасанг ҳам, Шекспирнинг ҳар бир сўзини эшитиб турасан. Актёр хатти-ҳаракати, юриш-туриши билан гапиради — бу улкан, қудратли театр маданиятидир». Йигирма йилчадан кейин — эллигинчи йилларнинг ўрталарида эса болгар шоираси Лиляна Стефанова Сора Эшонтўраевани нинг «Алишер Навоий» спектаклида Гўли ролини қандай ижро этгани тўғрисидаги таассуротларини бундай қайд этган эди: «мен, албатта Ўзбек тилини билмасдим, дўстларим менга таржима қилиб беришга тиришишди, аммо мен ажойиб мимика ва мукаммал ҳаракатлар туфайли энг драматик моментларни пайқаб олдим, назаримда ҳар бир сўзни тушунаётгандек эдим».

Ўзбек саҳна усталарининг пантомимика воситаларини моҳирона эгаллаганликлари, уларнинг одатдан ташқари пластиклиги ва ритмиклиги, ҳаракатлари ҳамда мимикаларининг ғоятда сермазмун-

---

Охири. Боши журналнинг 8 ва 10-сонларида.

кўчага чиқиб кетди. Кампир чаққон ўрнидан турди. Бир қўли билан устунни тутганича неварасининг орқасидан чақирди:

— Жўра, ҳой Жўра! Самоварга қара.

У илдам юриб уйга кирди. Даҳлиздаги қаймоқни ичкари уйга олиб ўтди. Кўрпа қатидаги нонни пайпаслаб қўйди. Чоғроққина эски сандиқни титкилаб қоғоз халталарни олди. Яшириб юрган майиз, туршакларини ликопчаларга сола бошлади. Сўнг бошидаги чит рўмолини олиб янги дока рўмолини ўради. Худди тўйга кетаётгандек, эгни-бошини тартибга келтирган бўлди. Яна пешайвонга чиқиб устунга суяниб тўпирди. Бироқ энди кун ботишга эмас, дарвозага қараб ўтирарди. Унинг бутун вужуди қулоққа айланган, ҳар бир шарпани илғаб олишга уринар, юз пайлари таранглашиб, кўзларида саросималик пайдо бўлган эди. Охири сабри чидамай кўчага чиқди. Ўтган-кетганнинг саломига ҳардамхаёллик билан бош иргаб жавоб қайтараркан, катта йўл томонга қулоқ тутарди. У машина шовқинини, ғўлининг таниш, қувноқ овозини эшитишни истарди. Тўсатдан моторнинг гувуллагани эшитилди. Кампир шошиб олдинга бир-икки қадам қўйди. Машина шундоққина унинг рўпарасига келиб тўхтади. Темир эшик қарс этиб ёпилдию кимдир тушиб келди. Кампир эндигина «Сиддиқжон» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида тўнғичининг дўриллаган овози эшитилди.

— Ҳа, ойи, кучада нима қилиб турибсиз?

Кампирнинг тиззаларидан дармон қочиб, боши гувиллаб кетди.

— Ўзим...— деди титроқ овоз билан,— уйда ўтираверіб зерикиб кетдим...

— Ҳа-а,— деди ўғли сал хотиржам бўлиб.— Мен районга кетяпман... Мажлис бўларкан.

— Ҳаяллаб қолма. Овқатга етиб кел.

Кампир анчагача узоқлашиб бораётган мотор шовқинига маъюслик билан қулоқ солиб турди. Сўнг ҳовлига кирди. Яна жойига ўтираркан, хўрсинди. Лаблари беихтиёр пичирлади: «Болагинам, мунча зор қилмасанг!..»

Кенжаси олдинги сафар келганида «машина оламан», дегандек эди. Ахир олибди-да. Машина яхши нарса-ю, лекин кампир қўрқади. Келса тайинлаб қўймаса бўлмас. Эҳтиёт бўлиб ҳайдасин. Худо кўрсатмасин...

Кампир шу зайилда кун ботгунча ўтирди. Кечки овқат пайтида атайлаб бир коса суздириб олиб қўйди. Аммо ўзи туз тотмади. Кенжаси келса бирга чой ичмоқчи эди. Аммо то телевизорнинг томошаси тугагунча ҳам Сиддиқдан дарак бўлмади. Кампир чор-ночор ўринга кирди-ю, бироқ кўзи илинмади. Ярим кечага бориб ҳовлига чиқди, дарвозанинг занжирини тушириб қўйди. Тағин кенжаси келса кўчада кутиб қолмасин. Кампир туни билан тиқ этган товушга қулоқ солиб ётди. Тонг ёришганда ҳам кўнглидаги заифгина милтиллаб турган умид учқунлари ҳали сўниб кетмаган эди. Нонушта пайтида Умри хола кирди.

— Кеча истансага борган эдим. Кенжангизни кўриб қолдим. Кўз тегмасин, бирам келишган йигит бўлибди-ей... «Ишим зарурроқ, уйга кейинги сафар кирарман», деди. Машина олибдими?

Кампир чурқ этмади. Вужуди титраб, томоғини аччиқ бир нарса ловуллатиб куйдира бошлади. Беҳолгина устунга суянганича кўз илғамас уфққа тикилиб қолди. Унинг рангидан қон қочиб, юзидаги ажинлар баттар кўпайиб кетган, кўзларида сўнгсиз бир алам, таассуф ифодаси бор эди. Аммо бу нурсиз кўзларда ҳали ҳам худди лип-лип этиб сўнаётган шам ёғдусидек, жуда ҳам ожиз умид учқунланиб турарди...

лиги, нутқларининг мусиқийлиги ҳамда сероҳанглиги зўр анъанага эга бўлган халқ маданияти билан боғлиқдир, албатта. Ўзбек актёрларининг ижросида санъатнинг музика, рассомлик, ҳайкалтарошлик каби турлари самарали уйғунлашиб кетганлиги яққол кўзга ташланади. Бу эса халқ яратган музикали драма ва комедия жанрларининггина эмас, умуман актёрлик санъатининг равнақ топиши учун ҳам зарурий шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, бошқа бир кишини ифода этиш — бу субъектив психологик жараёнгина эмас, актёр руҳининг бутун асаб системасининг ўзгаришигина эмас, гавдасининг, тан ҳаракатларининг, товуш оҳангининг ўзгариши ҳамдир. Бошқа бир кишига айланмоқ — бошқача юрмоқ, гапирмоқ, қарамоқ, тингламоқ, бошқача хатти-ҳаракат қилмоқ демакдир. Уз «руҳий-жисмоний аппарати»ни муайян бир характерга мослаштирган актёр мазкур характерни руҳий кечинмалардагина эмас, тан «кечирмалари» орқали ҳам ифодалайди. Саҳнавий характернинг ички йўсини ролнинг бадиий, пластик тасвирини, хатти-ҳаракат, юриш-туриш, имо-ишоралардан иборат мураккаб бир системани белгилаб беради.

Ўзбек студиячилари Москвада таълим олган йилларида уларга Е. Вахтангов ва Вс. Мейерхольд каби санъаткорларнинг режиссёрлик-педагоглик принциплари муайян таъсир кўрсатган эди. Буни ўша улкан санъаткорларнинг шогирдлари ўзбек шогирдларига тарғиб қилишлари билан бирга, ўша устозлар номидаги театрларнинг спектакллари ҳам ибрат бўлган эди. Бу жараён бир томонлигина бўлдимикан? Р. Симонов, В. Концель, Л. Свердлин ва И. Толчанов каби санъаткор устозлар ўзбек студиячиларини нега бунчалик чуқур ёдда сақлаб қолди эканлар? Нега бундан анча муқаддам ўзбек студиясида олиб борган таълим-тарбия ишлари уларнинг ижодий биографияларида ҳали ҳам муҳим бир факт сифатида қайд этилади? Бу мулоқат уларнинг ижодига ҳам ўз таъсирини кўрсатмадимикан? Жумладан, режиссёрлик ва актёрлик ижодида турлича жанрлар туташиб кетган Рубен Николаевич Симоновнинг латиф киноя ҳамда мусиқийлик, рақсни эслатувчи пластика ҳамда моҳирона жозиба зуҳур этган самимий, чуқур лирик, серзавқ-сершавқ истеъдодига назар ташлаб, унинг бу фазилатларини ўзбек театри ҳақидаги мулоҳазалари билан таққосласак бу борада муайян ҳамоҳанглик мавжуд эканлигини кўрамиз. «Қачонки мен арман театри ва унинг энг яхши режиссёрлари ҳақида, озарбайжон театри ва Искандаров ҳақида, грузин театри ва Хорава, Ахметели ҳамда Моржанов ҳақида ўйласам,— деган эди Р. Симонов,—ҳамма ерда алоҳида фазилатларга эга бўлган ваэндорлик, пластика ва ички мусиқийликни кўраман... Бу ўзбек саҳна санъатига ҳам мансубдир. Мен бу ҳақда Ҳамза номидаги театрнинг «Жазоир — менинг ватаним!» ҳамда «Бой ила хизматчи» спектакллари тўғрисидаги мақолаларимда ёзганман. «Жазоир — менинг ватаним!» спектакли менга умуман жуда ёқди. Бу спектаклда сўнгги йилларда мен учун театр соҳасида катта воқеалардан бири бўлган Эврклин—операда саҳнага қўйилган «Порги ва Бесс» спектакли билан муштарак фазилатларни кўраман. Уз йўсини ва хусусиятлари билан бу спектакль вахтанговча. У Вахтангов саҳнага қўйган «Гадибук» усулида бунёд этилган. «Гадибук» — «Порги ва Бесс» — «Жазоир — менинг ватаним!» — буларни боғловчи «ип» Вахтанговнинг таъсиридан, унинг баъзи принциплари Шарқ театри билан, аниқроғи Шарқ халқлари анъаналари билан руҳан боғлиқ эканлигидан далолат беради». Р. Симоновнинг икки спектакль ҳақидаги мақоласини ўқирканмиз, бу спектаклларнинг қайд этилган фазилатлари режиссёрлик усуллари туфайлигина эмас, актёр ижросининг хусусиятлари туфайли ҳам юзага келганини кўрамиз. Шарқ санъати анъанаси билан вахтанговча йўналишнинг ўзаро алоқаси, жумладан, студия йиллари «Маликаи Турондот» спектакли устида иш олиб борилган кезларда туғилиб ҳозирги кунгача давом қилаётган ижодий ҳамкорликда зуҳур этади.

Рус ва совет театрининг буюк арбоби, устоз санъаткор Константин Сергеевич Станиславский қардош халқлар саҳна санъати билан яқиндан қизиқар, уларга оталарча ғамхўрлик қилар эди. Ўзбек саҳна санъати ходимлари ҳам атоқли устозниң қимматли ўгитларини эшитишга, юксак баҳосини қозонишга муяссар бўлганлар.

СССР халқ артисти Тамарахоним 1924 йили Москвадаги Союзлар уйининг Колонна залида уюштирилган Шарқ халқлари кечасида А. Луначарский у билан М. Қориёқубовни К. Станиславскийга таништирганини эслаб, шундай ҳикоя қилади: «Станиславский ҳеч нима демай, бизга диққат ва жиддият билан разм солди. Кейин Қориёқубов билан мени бир чеккага чақириб, икковимизга театрда учрашув тайин қилди. Бизни самимий кутиб олишди, дарҳол суҳбат бошланиб кетди... Станиславский билган нарсаларимизнинг ҳаммасини бир неча марта такрорлашни илтимос қилди. Бор бисотимиз эса бир неча қўшиқ, рақс ва лапардан иборат эди. Биз ёшларга хос ғайрат ва завқ-шавқ билан куйладик, рақсга тушдик... Станиславский ўйга толар, сўнгра ҳаммасини ёзиб олар, бизнинг миллий кийимларимизни кўздан кечириб, завқланар эди... Ниҳоят Константин Сергеевич шундай деди: «Хўп, дўстларим, буларнинг ҳаммаси яхши, лекин мен шунисидан қўрқаманки, жуда қўрқаманки, москваликларимиз сизларни мақтаб юбориб бузиб қўйишмаса, сизлар ҳам латиф малоҳатларингизни, шарққа хос самимиятларингизни йўқотиб қўймасангизлар. Илк марта сизлар орқали Совет Шарқининг чинакам санъатидан воқиф бўлганимдан ғоят миннатдорман».

Тамарахоним яна кейинги бир учрашувни эслайди: «Константин Сергеевич «Олтин хўроз» спектаклида Жамоха маликаси ролини ижро этувчи артистга маслаҳатлар беришимни илтимос қилди. «Бу — бизнинг умумий катта ишимизга сизнинг қўшган илк ҳиссангиз бўлсин», деди Станиславский».

Совет саҳна санъати буюк устозининг 1936 йили Ҳамза номидаги театр коллективига йўллаган қутлови янги куч билан янграйди: «Пролетар революцияси туфайли бунёдга келган ўзбек драматик театри ўн беш йиллик умри мобайнида ажойиб равнаққа эришди, ижодида ўз юрти санъатининг ранго-ранг латофатини сақлаб, унинг ўтмиш манзараларини яратди, ҳозирги кун учун курашни акс эттирди. Театр замонавий саҳна ютуқларига диққат-эътиборини қаратиб, улардан ўз миллий хусусиятларига мос тарзда фойдаланди, у давримизнинг улкан санъатини барпо этиш учун олға қараб бормоқда».

К. Станиславский берган бу баҳода ўзбек театрининг босиб ўтган йўлидан хулоса чиқарилибгина қолмай, ўзбек актёрлик мактабининг бундан буёнги ўсиш йўллари ҳам белгилаб берилган. Ўзбек санъаткорлари бу йўлдан бориб совет актёрлик мактабига қўшадиган ҳиссаларини янада оширишлари мумкин.

6

Станиславский уқтирганидек, ўзбек театрининг тараққиёти бошқа театрларнинг тажрибаларини ўзлаштириш, замонавий саҳна ютуқларига диққат-эътиборни қаратиш билан боғлиқдир.

Бизнинг кунларда бу принцип бойиб, такомиллашмоқда. Совет санъатида кўпгина бадиий ҳодисалар бир халқнинг иккинчи халқ бадиий маданиятини ўзлаштириш натижасидагина эмас, социалистик санъатнинг коллектив тажрибаси асосида юзага келмоқда.

Сўнгги йилларда совет драматурглари, режиссёрлари ва актёрлари ўз изланишларида замонавий муаммо ва жараёнларни бутун мураккаблиги билан тўла-тўкис акс эттирадиган воситалар топиш учун интилмоқдалар. Бу изланишлар томошабинларнинг диққат-эътиборини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда. Халқда замонавий, ўткир, интеллектуал санъатга қизиқиш тобора кучаймоқда, чуқур фалсафий фикр билан суғорилган замонавий асарлар зўр иштиёқ туғдирмоқда.

Шекспир фалсафий фожиаларига бўлган катта қизиқиш, Горький пьесаларига бўлган катта қизиқиш, Г. Фигейредонинг «Эзоп», М.Каоурунинг «Ўғирланган умр» пьесалари муваффақияти, тафаккур этувчи томошабинларни вояга етказишни мақсад қилиб қўйган янги «Ёш гвардия» театри спектаклларининг тобора мароқ туғдираётганлиги, Э. Роблеснинг «Улимдан кучли» драмасига бўлган қизиқиш, музикали драма театрида Айтматовнинг «Момо ер» асарини саҳналаштириш тажрибаси — буларнинг ҳаммаси мана шундай асарларга эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда, дейишимизга асос бўла олади. «Эзоп», «Ўлимдан кучли», «Момо ер»даги энг яхши саҳналар Брехтнинг тафаккур театри спектакллари туғдирадиган таассуротларни туғдиради.

XX аср театрининг йирик сиймоси, социалистик реализм санъатининг тараққиётига кўпгина янгиликлар олиб кирган санъаткор Бертольт Брехт ижодига мурожаат қилиш, фикримизча, ўзбек саҳна санъати олдида янги истиқболлар очар эди. Ўзбек театрида «ғоялар драмалари»ни муваффақиятли саҳналаштирилганлиги бундай имконият борлигини кўрсатади.

Саҳналаримиз репертуарига Брехт асарларини ва бошқа замонавий фалсафий драмаларни киритиш ўзбек театр санъатини ривожлантириш, актёрлар ва томошабинлар савиясини ошириш йўлларидан бири эканлигини таъкидлаш билан, шуни қайд этиш керакки, бир қанча замонавий ўзбек пьесалари фалсафий драма шаклида ёзилгандир. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна»си, Мақсуд Шайхзоданинг драмалари, Комил Яшиннинг кўпгина пьесалари, Иззат Султоннинг «Имон»и, Сарвар Азимовнинг асарлари шулар жумласидандир. Уз миллий анъанасига содиқ бу асарлар ўзбек саҳна санъатининг замонавий совет ва жаҳон театрининг кенг тараққий этаётган йўналишларидан бири билан бевосита алоқадор эканлигини кўрсатади.

УзССР халқ артисти Яйра Абдуллаева Ҳамза номидаги театрнинг «Қирол Лир» спектаклида Гонерилья ролида.

Расмни **Р. ЛЕВИЦКИЙ** чизган.

* * *

Актёрлар мактабимизнинг равнақи замонавий юксак талабларга жавоб берадиган муҳим пьесалар яратишни, актёрларга замонавий реалистик театр ютуқларини ўзлаштиришда ёрдам берадиган режиссурани тараққий эттиришни тақозо қилади. Актёрлик мактаби шундагина бойийди, шундагина унинг қўшадиган ҳиссаси ортади.

Коммунизм қуриш даврида гуллаб-яшнаётган миллий маданиятларимиз бой имкониятларга эгадир. Ҳар бир халқнинг маънавий бойлигини тўла акс эттирадиган асарлар бутун совет жамиятининг маънавий бойлигини орттиришга хизмат қилади. Ўзбек актёрлари ижро этган, энг аввало, халқ улуғворлиги ва гўзаллигини тараннум этувчи, коммунизмнинг юксак идеалларини барқарор этувчи роллар бунинг далилидир.

Бугунги кунда талант — бу табиий истеъдодгина эмас, илғор дунёқараш, юксак савия ҳамдир. Маънавий бойлик—замонавий актёрнинг муҳим фазилатидир. Барча совет санъаткорлари билан бирга ўзбек саҳнаси ходимлари ҳам халқ билан, ҳаёт билан чамбарчас алоқада, партиявий принципларга оғишмай амал қилиб, ижодий активлик кўрсатмоқдалар.

Энг яхши вакиллари совет санъатининг атоқли арбоблари қаторидан жой олган ўзбек актёрлик мактаби эришган муваффақиятлар ва унинг порлоқ истиқболи ленинчи Коммунистик партиямизнинг доно миллий сиёсати туфайлидир.

НОЁБ МАКТУБЛАР

Али Қушчи ҳаётидан янги саҳифалар

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўл ёзмалар хазинасида Урта Осиё ва қўшни Шарқ халқлари тарихига, маданий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг турли соҳаларига оид минглаб қўл ёзмалар, асл манбалар бор. Тадрижий равишда олиб борилаётган илмий ишлар жараёнида гоҳо ҳали фанда тўла маълум бўлмаган нодир санадлар, асарлар ва уларни бунёдга келтириб авлодлар учун қимматбаҳо мерос қолдирган илм-фан намояндалари ҳаётидан сўзловчи янги-янги маълумотлар учраб туради. Чунончи машҳур шоир Абдураҳмон Жомийнинг (1414—1492) қуйида шарҳламоқчи бўлганимиз хатларини, фикримизча, ана шундай янги маълумотлардан деб ҳисоблаш жоиз бўлар.

Бу хатлар илмий адабиётда «Навоий альбоми» деб номланган «Мажмуайи муросалот» («Хатлар тўплами») таркибида бизгача етиб келган. Альбом XV асрда Моваройннаҳр (маркази Самарқанд) ва Хуросонда (маркази Ҳирот) яшаган адиб ва знёлиларнинг темурийларга, Ҳирот сарой аҳлига, султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга ёзган хатларидан иборат. Унда 600 дан ортиқ хат бор. Хатларни тўплаб альбом шаклига келтириш XV асрнинг 70-йилларидан бошлаб Хуросонда маданий қурилишларнинг аксарига бошчилик қилган буюк Алишер Навоий томонидан ва унинг бевосита кўрсатмаси билан амалга оширилган.

Али Қушчи. Тошкентлик рассом Анвар ИСАХУЖАЕВ чизган

Алишер Навоий ўзи «Насоим ал-муҳаббат мин шамоим ал-футувват» деган асарида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордан олинган хатларни жадвал тортилган бир мажмуага жамлаб, сақлаб келаётганлигини эслатади.

Хатларнинг ярмидан кўпи Навоийнинг устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий томонидан ёзилган. Баъзи хатлар Жомийнинг Навоий билан шахсий муносабатларига оид бўлиб, икки буюк шоирнинг доим ёзишиб турганлиги, бу ёзишмаларда илмий-адабий мавзуларда дўстона баҳслашганликларини кўрсатади. Хатларнинг аксар қисмида Жомий Ҳирот мадрасаларининг талабаларига моддий ёрдам кўрсатиш, шаҳарда тартиб ўрнатиш, баъзи олимларга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги илтимос билан саройга мурожаат этади.

Жомийнинг илтимоснома шаклида ёзилган хатларидан учтаси Мирзо Улуғбекнинг шогирди ва унинг Самарқандда олиб борган илмий ишларида яқин кўмакдоши ва ҳамкори бўлган машҳур олим Алоуддин Али Қушчи ҳаётига оиддир.

XV аср бошларида (тахминан 1402 йил) Самарқандда туғилган Али Қушчи ёшлик чоғларида шу ерда таҳсил кўрди, сўнгра эса Эроннинг Кирмон шаҳрига бориб таълим олди. У ердан қайтиб яна Самарқандда ўз даврининг атоқли олимлари Қозизода Румий 1419 йили вафот этган), Ғиёсиддин Жамшид Коший (1436 йили вафот этган) ва Улуғбек ҳузурида аниқ фанлардан таҳсил топди. Самарқанд расадхонасида олиб борилган илмий ишларнинг якуни «Зиж»ни тузишда Улуғбекнинг яқин кўмакдоши бўлди ва Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Кошийларнинг вафотидан кейин расадхона ишларини ўзи бошқарди, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида мударрислик қилди. У ўзининг чуқур билими туфайли устози Улуғбекнинг муҳаббатини қозониб, унга фарзанди аржуманд — тутинган азиз фарзанд бўлди.

«Бу банда,— дейди Улуғбек «Зиж»га ёзилган кириш сўзида,— юлдузлар расадини тузишни ихтиёр қилиб, ҳазрати устоз... Қозизода Румий деб машҳур бўлган мавлоно Салоҳиддин Мусо ва... Ғиёсиддин Жамшиднинг кўмак ва мадади билан бу ишга киришилди. Иш бошларидаёқ Ғиёсиддин Жамшид вафот топди, иш жараёнида эса, бу муҳим нарса қурилиб тартибга келтирилишидан олдин ҳазрати устоз ҳам парвардигор раҳматига етишди. Шундан сўнг фарзанди аржуманд Али ибн Муҳаммад Қушчи... иттифоқлигида (юлдузлар расади «Зиж») охирига етказилди».

Шундай қилиб, Али Қушчи билимда ўз устозларига етишиб, Самарқанд расадхонасида уларнинг ишларини давом эттириш даражасига эришди. Унинг, «Зиж»ни тузишда Улуғбекка кўмаклашишдан ташқари, яна аниқ ва ижтимоий фанларга оид йигирма бешдан ортиқ асари бор.

Бироқ XV аср ўрталарида Моваройннаҳр ва Хуросонда (умуман темурийлар давлатида) кучайиб кетган ички зиддият, тахт учун курашлар, бу тартибсизликлардан фойдаланиб мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига ўз таъсирларини ўтказишга интилган руҳоний доираларнинг хатти-ҳаракати шунга олиб келдики, 1449 йили Улуғбек фанатик қора кучлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

Улуғбек вафотидан кейин Моваройннаҳрда феодал курашлар янада авж олиб, дин арбобларининг мавқеи ҳам кучая борди. Бундай шароитда ўз илмий фаолиятини осойишта давом эттиролмаганлиги туфайли бўлса керак, Али Қушчининг Самарқанддан кетишига тўғри келади.

У Ҳиротда темурийлар қўл остидаги вилоятлардан даҳлсиз чиқиб кетиши учун расмий фармон олишда Абдураҳмон Жомийнинг воситачилигидан фойдаланади.

Али Қушчи 1471 йили Оқ қўюнлилар давлатининг ҳукмдори Узун Ҳасан (1453—1478) ҳузурига, Табриз шаҳрига (ҳозирги Эрон Озарбайжони) боради. Узун Ҳасан уни яхши қабул қилади. Кейинча Истамбулга, султон Муҳаммад II Фотиҳ саройига элчи қилиб юборади. Али Қушчининг йирик олим ва фозил кишилардан эканлигини билган султон Муҳаммад уни Истамбулда қолишга даъват этади.

Али Қушчи Истамбулнинг Аё Суфия мадрасасига бош мударрис қилиб тайинланади, у расмий вазифасидан ташқари, илмий асарлар ёзади, қуёш соатини ясайди, мадрасалар низомини тузади, хуллас, Самарқанд илмий мактаби ютуқларини кенг тарғиб қилади. У Истамбулда 1474 йили 17 декабрь куни вафот этади ва Айюбсултон қабристонига дафн қилинади. Бу маълумотларни келтирган турк олими Суҳайл Унвернинг «Али Қушчи, ҳаёти ва асарлари» (Истамбул, 1948) деган рисоласида айтилишича, олимнинг мақбарасини 1815—1819 йиллар орасида ҳам шу қабристондан топиш мумкин бўлган. Қабр тошида Али Қушчининг эвараси Мирим Чалабий томонидан битилган қуйидаги тарих бўлган:

Раҳнамойи илм мавлоно Али Қушчи
Чун басуйи равзайи ризвон бирафт
Буд зи ҳижрат ҳаштсаду ҳафтоду нуҳ
Рузи шанба ҳафтуми шаъбон бирафт.

Мазмуни: илм-фан раҳнамоси мавлоно Али Қушчи жаннат гулшани томон жўнаган вақт пайғамбар ҳижратидан саккиз юз етмиш тўққиз йил ўтган, шаъбон ойининг еттинчиси, шанба куни эди.

Али Қушчининг илмий асарлари ва Истамбулдаги ҳаёти ҳақида юқорида айтилган рисоладан кўрилгандек анча тўлиқ маълумотлар бор. Аммо олим умрининг энг маҳсулдор қисми — Урта Осиё даври етарли даражада ёритилган, деб айтиш қийин. Бу даврга оид маълумотлар оз бўлишидан ташқари, улар ҳануз илмий адабиётга тўла жалб этилмаган. Бунинг устига, Али Қушчининг ҳаёти ва илмий фаолиятини ёритишга бағишланган ишларда, айниқса олимнинг Кичик Осиёга қачон кетганини белгилашда чалкашликлар учраб туради.

«Навоий альбоми»даги Али Қушчи ҳаётига оид мактублар эса бу масалага ойдинлик киритади. Бу уч мактуб Жомийнинг ўз дастхати билан битилган, ёзилиш навбатига кўра альбомнинг ҳар жой-ҳар жойига (16, 25, 35-бетлар) ёпиштирилган.

Мазмунан бир-бирининг давоми бўлган шу ноёб ҳужжатлардан иккитасининг таржимасини келтирамиз.

223-рақамли мактуб:

«Ал-фақир Абдураҳмон ал-Жомий.

Ниёзмандлик изҳор қилингандан сўнг арзимиз ушбудирким, жаноб

Йўлдош ШАМШАРОВ.

Тамилла ҚОСИМОВА.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Семён БЕЗНОСОВ.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Журнал редколлегияси «Гулистон»нинг 1971 йил мукофотларини актив авторларимиздан ёзувчи Йўлдош Шамшаров, олим Омонулла Файзуллаев, адиба Тамилла Қосимова ва фотограф Семён Безносов ўртоқларга беришга қарор қилди.

Йўлдош Шамшаров «Уйлар» очерки (1-сон), Омонулла Файзуллаев 4-сонда эълон қилинган «Ой билан диалог» илмий мақоласи, Тамилла Қосимова шу сонда босилган «Довул» ҳикояси, Семён Безносов «Медицина фанлари доктори Нозимахон Деҳқонхўжаева оила даврасида» (4-сон муқоваси) деган рангли фотоси учун мукофотландилар.

Сизларни муваффақиятларингиз билан қутлаб, янгидан-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

мавлоно Алоуддин Алининг шундай илтимослари бор: «[У киши] қай вергаки етиб бормасинлар, [жойлардаги амалдорлар] у кишига таъзим ва эҳтиром кўргазишни ўзларига вожиб деб билсинлар, у кишига тавллуқли [ҳамроҳларига] ҳеч бир жиҳатдан дахл қилмасинлар ва уловларини олиб қўймасинлар, деган мазмунда бир нишон-буйруқ ҳосил қилинса. Умид тутиладики, [жанобингиз] иноят буюриб бу бобда саъй-ҳаракат кўргазурсиз. Тавфиқ ёр бўлсин, вассалом».

Иккинчи мактуб тартиб рақами бўйича 350-ўринда бўлиб, қуйидагичадир:



Абдураҳмон Жомий мактубларидан бири.

«Ал-фақир Абдураҳмон ал-Жомий.

Ниёзмандлик изҳор қилингандан сўнг арзимиз ушбудирким, мавлоно Алоуддин Али Қушчи [илгари жанобингизга] арзга етказилган, ижозат сўраш бобида қатъийлик кўргазмоқдалар ва кўп қайғурмоқдалар. Илтимос: [жанобингиз] иноят буюриб, шундай қилсангизки, ижозат тезроқ ҳосил бўлса. Тавфиқ ёр бўлсин, вассалом».

Альбомда хатларнинг 537-си бўлган учинчи хат мазмунидан аввалги иккита хатда илтимос қилинган ижозатнома қўлга кирганлиги, энди Али Қушчининг оила аъзоларига ҳам ижозатнома олиб беришга уринаётганлиги маълум бўлади. Бу хат тепасида Жомийнинг имзоси чекилган эмас, лекин мазмунига кўра ва бир қўл билан ёзилганлигига асосланиб, бу хат ҳам, шубҳасиз, Жомийникидир, дея оламиз:

«Ниёзмандлик изҳор қилингандан сўнг арзимиз ушбудирки, мавлоно Алоуддин Қушчига тааллуқли [кишилар] Самарқанд томонидан [Ҳиротга] етиб келдилар, у кишининг изларидан жўнашни истайдилар ва [бунинг учун] йўл нишон-буйруғига муҳтождирлар. Илтимос: [Жанобингиз] иноят буюриб, саъй-ҳаракат кўрсатсангиз, чунки [улар] у кишига тезроқ етиб олиш истагидадирлар. Тавфиқ ёр бўлсин!»

Мактубларнинг кимга ва қайси йили ёзилганлиги номаълум. Бу ҳақда фақат қиёсий текширишлар орқалигина хулосага келиш мумкин. Чунончи Жомийга тааллуқли бир қанча мактублар бевосита Алишер Навоий номига ёзилганлигига асосланиб, илтимосномалар ҳам Алишер Навоийга юборилган, деб фараз қилинса, у ҳолда хатлар 1469 йилдан кейин ёзилган деб белгилаш керак бўлади. Чунки Алишер Навоий темурийлар саройида Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтирган 1469 йилдан бошлабгина давлат ишлари бўйича бирор илтимосни адо эта олиши мумкин эди. Бу фаразимизни баъзи ёзма ёдгорликлар ҳам тасдиқлайди.

XV аср муаллифларидан Абдувосе ан-Низомий Жомий ҳаётига бағишланган «Мақомати мавлавий Жомий» асарида шоирнинг Али Қушчи билан суҳбатлари ҳақида ёзади. Ан-Низомий ана шу пайтларда Али Қушчининг етмишларда бўлганлигига ишора қилади ва суҳбат мазмунидан англашиладики, Али Қушчининг Ҳиротда Жомий билан учрашуви унинг Урта Осиёдан кетиши арафасида юз берган ва Жомий мазкур илтимосномаларни шу суҳбатлардан кейин кўп ўтмай ёзган.

Ан-Низомийнинг айтишича, суҳбатлар асосан Али Қушчининг илмий асарлари устида борган. Суҳбатда Али Қушчи ўзининг келажакдаги режаларига тўхтаб, астрономияга оид бир неча асарлар яратмоқчи эканлигини сўзлаган. Жомий эса олимнинг бундай кенг режаларига эътироз билдириб, «киши етмиш ёшга етгандан кейин» бундай ишларни амалга ошириши қийин эканлигини эслатган. Сўнг Али Қушчи ўзининг Рум — Туркияга кетиш ниятида эканлигини айтган. Жомий эса қариган чоқда бундай узоқ сафарга отланишни маслаҳат бермаган. Аммо Али Қушчи ўз қарорида қатъий турган.

Ан-Низомий бу суҳбат ҳақидаги маълумотларини якунлаб, Али Қушчи «узоқ масофаларни босиб ўтгач Рум заминига бориб етди», аммо «шундан кўп ўтмай Ҳиротга унинг вафоти ҳақида хабар етишди» дейди.

Тарихчи Ғиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида ҳам Али Қушчининг Самарқанддаги илмий фаолияти ва устози Улуғбек билан яқин муносабатлари ҳақида сўзланади: «...мавлоно Али умрининг охирги кунларида Рум диёрига бориб қолди ва у мамлакатда бедаво касалга гирифтор бўлиб, тириклик бисотини (йўқлик) шамолига учирди».

Бу икки муаллифнинг маълумотларидан Али Қушчи Ҳиротдан жўнаётган вақтида етмиш ёшлар чамасида эканлиги кўринади. Али Қушчининг тахминан 1402 йили туғилганлигини ҳисобга олсак, олимнинг Жомий билан Ҳиротдаги суҳбати 1470 йил охири ёки 1471 йил бошларига тўғри келади. Шу билан бирга, бу далиллар асосида Жомий мактублари ёзилган муддат ҳамда Али Қушчи, унинг оиласи ва яқин кишилари Ҳиротдан Табриз томон жўнаган вақтни 1470—1471 йиллар ораси, деб белгилашга имкон туғилади.

Буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг ўз қўли билан битилган хатлар, шунингдек Алишер Навоийнинг ташаббуси билан тартибга солиниб, бизгача етиб келган бу альбом XV аср Урта Осиё халқлари ҳаётидан сўзловчи ёзма ёдгорликлар билан қиёсий ўрганилган тақдирда катта илмий қимматга эга бўлган тарихий манба хизматини ўташи мумкин. Бундан ташқари, бу ноёб мактублар уч улуғ зотнинг ўзаро олижаноб муносабатларини кўрсатувчи далилдир.

А. УРИНБОЕВ
тарих фанлари кандидати

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Хатларга жавоб берамиз

Шахмат оламида бу йил ажойиб воқеалар бўлмоқда. Жаҳон чемпиони Борис Спасский билан беллашиш иштиёқида «менман» деган зўр шахматчиларнинг ўзаро мусобақалари ҳар қачонгидан ҳам қизғин ва тасодифларга бой бўлди. Саралаш ўйинларида америкалик шахматчи Роберт Фишер ўзининг ноёб талант соҳиби эканини кўрсатди. У фақат финалда жиддий ва астойдил ўйлай бошлади. Бунга уни собиқ жаҳон чемпиони Тигран Петросян мажбур қилди.

Хотин-қизлар ўртасида жаҳон чемпионлигига саралаш ўйинлари ҳам жуда кескин ўтди. СССР чемпионлиги учун бўлган мусобақаларнинг охирига қадар пешқадамларнинг зичлиги, натижаларнинг тенглиги ҳам айниқса диққатга сазовор бир ҳолдир.

Бу йил Узбекистонда бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам кўплаб ёш шахматчилар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Республикамизнинг қишлоқ ва шаҳарларида шахматга қизиқувчилар, уста ўйинчилар йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу «Гулистон»нинг шахмат бўлимига келаётган хатлар мазмунидан ҳам сезилиб турибди.

Фарғоналик Илҳомжон Орипов хатида шундай дейди: «Мен мактабимиз чемпиониман. Шахматга жуда ихлосмандман. Журналнинг биринчи сонида эълон қилинган Г. Маттисоннинг этюдини ечиб, унга қойил қолдим. Бироқ Халқаро шахмат федерациясининг олтин медалини олган 1-диаграммадаги этюдни ким тузганини билолмадим».

Жавоб: мазкур этюднинг автори Александр Петрович Казанцев. У яхшигина ёзувчи ҳамдир...

Олтин медалга сазовор бўлган бу этюдни андижонлик А. Холмирзаев, А. Носиров, М. Аҳматов, ўшлик А. Исаев, зоминлик У. Мисиров, ҳамзаободлик К. Дадабоев, Китоб районида яшовчи Б. Раҳмонов, Охунбобоев районидаги 32-мактаб ўқувчиси Юлдузхон Аҳмаджоновалар тўғри ечишибди. Айниқса, 7-синф ўқувчиси Юлдузхонга офарин! Масалани ўзи ҳал қилганлиги ёзган хатидан аён сезилиб турибди.

«Гулистон»да махсус шахмат бўлими очганимизда шахмат шинавандаларининг типак-истакларини назарда тутиб, «саволларга жавоблар ҳам бериб турамиз», деган эдик. Мана энди ваъдани бажариш вақти келди.

«Оқлар рокировка қилиш вақтида қораларга кишт тушиб қолди. Шу ҳолатда 0—0 қилиш мумкинми ёки мумкин эмасми!», деб ёзибди ўшлик шахмат мухлиси И. Низомов. Мумкин эмас.

А. Исаев ўзган шаҳридан юборган хатида шахматчига разрядлар қандай берилишини сўрабди.

Жавоб: Ўн бир ҳаваскор шахматчи бир-бири билан ўйнаганда олти очкога эришган кишига IV разряд берилади. Тўртинчи разрядлилар ўртасида бўлган юқоридагидек мусобақада 75 процент очко олган шахматчига эса III разряд берилади. Чунончи ўн уч иштирокчи қатнашган турнирда 12 имкониятдан 9 очко олган [қатнашувчилар сони ўн бирдан кам бўлмаслиги керак] шахматчи II разрядга эга бўлади. Биринчи разряд олиш тартиб ва шартлари ҳам худди шундай.

Андижонлик М. Отабоев: «Ёзишма мусобақаларга қандай қатнашса бўлади!», дебди.

СССР Марказий шахмат клуби [Москва, Гоголь хиёбони, 14] ва Республика шахмат федерацияси [Тошкент, Социализм кўчаси, 21. Шахмат клубида] вақти-вақти билан хат орқали шахмат мусобақалари ўтказиб турадилар. Ана шу адреслараг мурожаат қилсангиз, саволларингизга муфассал жавоб олишингиз мумкин.

Моҳир шахматчи бўлиш учун мусобақаларда кўпроқ қатнашиш, яхши ўйинларни ёзиб олиб муттасил таҳлил қилиш керак. Ўйиндан ўйинга ўз хато ва камчиликларингизни топиб, уларни йўқотишга ҳаракат қилинг. Шунингдек, шахматга доир китобларни ўқиш, кучли ўйинчилар ижодини меъёри билан ўрганиб бориш ҳам яхши натижа беради.

Ҳурматли шахмат шинавандалари, энди марғилонлик ҳаваскор Абдувоҳид Ҳусанов юборган этюдни эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Шарти: оқлар бошлаб икки юришда қораларни мот қилади.

МУШТУМ

МЕҲМОНИМИЗ

«МУШТУМ»ДАН ЎПКАЛАМА...

Яна бир йилдан сўнг «Муштум» эллик ёшга тўлади. Ўтган ярим аср мобайнида «Муштум» дўстларни роса кулдирди, уларга олам-олам севинч бағишлади, дили ва йўли эгриларни, олға юришимизга ғов бўлиб турганларни аёвсиз савалади.

Маълумки, 1955 йилгача журналимиз қирқ минг нусхада тарқаларди. Ҳозир ўша йилдагига нисбатан ўн уч баробар ортиқ, яъни 520—530 минг нусха босилмоқда. Шундай қилиб, у барака жиҳатидан «Крокодил», «Перец» журналларидан кейин, Иттифоқимизда учинчи ўринда туради.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Муштум» журналини янада яхшилашга қаратилган чоралари, ғамхўрлиги туфайли кейинги йилларда ишларимиз анча яхшиланди. Журналнинг ҳажми кенгайди, янги бўлимлар очилди. Бир йўла ўн хил рангда босадиган катта икки универсал машина ишга тушди. Бу — журналнинг босилиб чиқиш жараёнини тезлатди, сифатини яхшилади.

Халқимиз «Муштум»ни севади. «Муштум» меҳнаткашларнинг хушчақчақ дўсти, кўмакчиси; аммо турли иллатларга, қолоқ урф-одатларга, ёмон одамларга шафқат қилмайди. Тайёрга айёр, бели оғримай нон ейдиганлар, юлғичлар, шуҳратпарастлар, игвогару фосиқлар, ахлоқи ноболар, ғарақхўрлар, фирибгарлар ва шуларга ўхшаш номаъқул ва номатлуб шахсларни журналимиз ўзининг ўткир ҳажв найзасига илмоқда, эл орасида шармандасини чиқармоқда.

Журналда босилаётган материалларнинг жанри, тури, мавзуи рангбарангдир. «Янги латифалар», «Лофлар», «Бир қайнови ичида гаплар», «Қизиқчилар меросидан», «Донолар бисотидан», МКБ [«Муштум» консультация бюроси], ЧСБ [«Чала саводликни битириш»], МушТАГ хабарлари, «Номалар-ҳангомалар» «Хулқинг совуқ бўлса «Муштум»дан ўпкалама» каби янги-янги рубрикалар остида хилма-хил материаллар босилиб турибди.

Журнал саҳифаларида Ҳамза, Ғафур Ғулом, С. Айний, А. Қаҳҳор, Т. Қориниёзий каби устодлар қалам тебратганлар. Ҳозир журналимизда Уйғун, Ю. Ражабий, Ғайратий, Собир Абдулла, Н. Сафаров, Ҳабибий, Ҳамид Ғулом, М. Исмоилий, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Чархий, А. Пўлат, С. Зуннунова, С. Абдуқаҳҳор, А. Муҳиддин, Ҳ. Раззоқ, Ж. Жабборов, З. Обидов, О. Қўчқорбеков, Ҳ. Зоҳидий, З. Шокиров, Ф. Насриддинов, Р. Бекниёз, Ж. Аҳмаджон, Я. Қурбон, Ф. Мусажонов, Л. Парпихўжаев, М. Абдукаримов каби авторларимиз фаол қатнашиб келмоқдалар. Шунингдек, «Муштум»да рус совет ҳамвиёти ва қардош халқлар адабиётларидан намуналар бериб борилади.

Бундан ташқари, муштумчилар чет эл прогрессив ёзувчилари ва социалистик мамлакатлар сатирик журналларида босилган материаллар, карикатуралар билан ҳам танишадилар.

«Муштум»да карикатурачи рассомлар масъул ўринни эгаллайди. Узбекистон халқ рассоми Л. Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М. Воробейчиков ҳамда В. Одилов, А. Холиқов, Н. Иброҳимов, Т. Муҳамедов, Муза Дмитриенко, Р. Левицкий, Ф. Кагаров, П. Касянов, А. Қамбаров, А. Ғуломов, С. Субҳонов ва бошқа карикатурачи рассомлар ҳам журнал саҳифаларида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Биз муштумчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, материалларнинг мароқли бўлишига жиддий эътибор бермоқдамиз.

«МУШТУМ» РЕДАКЦИЯСИ

ОТАСИНИНГ БОЛАСИ

Радио мухбири Боқижон очерк ёзиб ўтирибди. Ўғли Умиджон мактабдан хафа бўлиб қайтади.

Боқижон. Салом беришни ташкил қилмадинг, мавлоно Умиджон? Кайфиятинг жуда салбий кўринади?

Умиджон. Ҳа, қатрада қуёш акс этгандек, бугунги олган баҳомда ўқишим кўриниб турибди.

Боқижон. Лаббай? Ўқитувчи билан ораларингда келишмовчилик ҳоллари рўй бердими?

Умиджон. Шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Боқижон. Сени тақрибан неча нафар муаллим ёқтирмайди?

Умиджон. Тўрт нафар десам, хато қилмаган бўламан.

Боқижон. Ўрталарингдаги ихтилофнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаб беролмайсанми?

Умиджон. Имконият доирасида ҳаракат қилиб кўраман. Агар хотирамдан кўтарилмаган бўлса, гуноҳни тил ўқитувчисида деб ҳисоблайман. Зероки, конфликтни у бошлади. Чунончи мен ёшимга номуносиб равишда баландпарвоз ва шаъшаъдор қилиб гапирармишман. Ўқитувчи шундай дегач, мени салбий кайфият чулғади. Ғазаб отининг жиловини қўйиб юбордим. Аччиқ устида пешма-пеш қизғин нутқ ирод этдим.

Боқижон. Боракалло! Гапларингда ҳақиқат гавҳари нур сочиб турибди. Давом этавер.

Умиджон. Кейин ўқитувчининг ғазаби жўш уриб, қўллари асабий титради. Сўнгра шахсий ўч олиш маъносида менга «икки» қўйди.

Боқижон. Тавба, йигирманчи аср ўқитувчиларига ҳайрон қоласан киши! Бадиий равишда образли қилиб гапирган болага, тил билмайсан, деб таъна тошини отишса-я! Бошқа фанлардан ҳам кам-кўстинг борми?

Умиджон. Яширмайман, яна учта «икки» мавжуд.

Боқижон. Майли, ҳеч бокиси йўқ. Директор билан шахсан ўзим музокарага кираман. Келишмовчиликларни узил-кесил бартараф қиламиз.

Умиджон. Вазият шуни тақозо қилади. Миннатдорман, оталик бурчингизни ўташингиз керак.

Боқижон. Чорак ҳам шахдам қадамлар билан яқинлашмоқда, ҳурматли фарзандим. Зиммангдаги «икки»ларни жадал суръатлар билан йўқотишинг керак.

Умиджон. Ички имкониятларни ҳисобга олиб, албатта!

Боқижон. Офарин! Инқирозга юз тутмасдан, суръат дулдулига қамчи бос.

Умиджон. Қалб амрига қулоқ соламан, падарим. Ота, волидаи меҳрибоним уйда мавжудми?

Боқижон. Ҳа, хўжалик ишлари билан машғул. Нима эди?

Умиджон. Кинога бориш масалаларини келишиб олмоқчи эдим.

Боқижон. Томоша қачон бошланади?

Умиджон. Маҳаллий вақт билан соат 8.00 да.

Боқижон. Майли, асосан эътироз билдирмайман. Дарвоқе, ойинг сифатли лағмон тайёрлаган эди, овқат ейишни ташкил қилмайсанми?

Умиджон. Қорин масаласи яхши, бузруквор. Бир дўстимникида маҳаллий гуруҳдан тайёрланган ош истеъмол қилдик.

Боқижон. Унда сукут қилишга мажбурман. Кўчада онгли интизом сақла.

Умиджон. Ўринсиз шубҳага чек қўйинг, падари бузрук. Имкониятлардан тўлиқ фойдаланаман. Хайр!

Боқижон. Оқ йўл, менинг содиқ фарзандим.

Умиджон. Эътиборингиз учун раҳмат.

Абдулла ҚОЗОҚ

Ўт тушганда

Масал

Бўрининг инига ўт тушди бирдан,
Ҳайвонлар ёрдамга келдилар дарҳол,
Фақат Тулкигина у ер-бу ердан
Узини кўрсатиб жаврар:— Бўлақол!
Айиқвой, тезроқ сеп, қимирла чаққон!
Ҳой, Маймун, челакни маҳкамроқ ушла!
Сувни аяйсанми, сепсанг-чи, Қуён!
Тоғанг уйи, Шақал, сен кўпроқ ишла!..
Шўрлик Бўри полвон ўйлар ичида:
«Менга энг қадрдон Тулки экан-ку...»
Охири ўт ўчди кўпнинг кучидан.
Барчанинг усти ҳўл, лой, куя, чангу
Бироқ кўп жавраган Тулкивой эса
Узига заррача юқтирмабди гард.

Кичик қиссамиздан чиқарсак ҳисса:
Ҳануз учраб турар ана шундай «мард».

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

Н. ИБРОҲИМОВ чизган



— Қурбонликка ёш кетган, вой жигаре-эм!

— Стадионда зоғ йўқ, дейишибди, бу нима бўлмаса?

Т. МУҲАМЕДОВ чизган



— Уйимизга бошлаб борсанг мана шу суяк сеники!

М. ВОРОБЕЙЧИКОВ чизган

— Ҳеч гап уқмадинг, уқмадинг! Талон ўрнига қулоғингни тешиб қўяман!

Н. ИБРОҲИМОВ чизган

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

«Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолиб бораётгани учун қишлоғимга бормай, шаҳарда қола қолдим».

(Институтни битириб, шаҳарда қолган йигитчанинг далили)

«Шеър сут бўлса, ашула унинг қаймоғи. Афсуски, баъзи ашула ва қўшиқлардан айрон мазаси келади».

(Танқидчи нутқидан)

«Бошлиғимиз: «Арақ ичиш осонми, қасам ичишми?», деб сўраган эди, «Менга бари бир, иккаласини ҳам ичаверамиз», деб жавоб бердим».

(Бир тутуриқсизнинг суҳбатидан)

«Порахўр» сўзининг ўзаги «пора» бўлиб, «хўр»— тожикча, «емоқ» деганидир. Ҳозирги кунда пора шакл жиҳатдан ўзгариб, совға формасида берилмоқда. Шунинг учун «порахўр» сўзи ўрнига «совғахўр» сўзини қўллаш маъқулдир».

(Тилчи тадқиқотидан)

«Қалб пиёласи севинчга тўлиб-тошган Чевархон йўл-йўлакай кўп хонали икки этагини хипча белига боғлаб, пахтазорга шўнғиди».

(Радиорепортаждан)

«Тушимда «марҳамат»да дум бўладими, йўқми?», деб юборган эканман, хотиним рашк қилиб, жанжал кўтарди».

(Корректор ҳасратидан)

Ҳамро холанинг ўғли бир йигит бўптики, кўрганнинг суқи киради. Гажаклари қўнғироқ, сочи тақимига тушади».

(Аёллар суҳбатидан)

ТУНД ВА ҚУВНОҚ

Бекатдаги ўн чоғли одамнинг назари икки кишига қаратилган эди. Улардан бири бир гапириб ўн кулар, ўзи гапдан бўшамас эди. Чеҳраси синиққан, тунд ҳамроҳи эса тишининг оқини кўрсатмасди. Шу топда кўчани бошига кўтариб «Тез ёрдам» ўтиб кетди. Тишининг оқини кўрсатмай турган киши сўз қотди:

— Бир бечоранинг жони узилаётганга ўхшайди.

Шу заҳоти бекатдагиларнинг чеҳраларига ташвиш соя солди. Бир гапириб ўн кулаётган киши унинг гапини бўлди:

— Балки, янги меҳмон дунёга келаётгандир?..

Одамлар мамнун жилмайиб қўйишди.

ТУЛКИ

Лаганбардор ходим хўжайин билан овга чиқибди. Йўлда хўжайиннинг мерганлигини мақтаб, атрофида гирди капалак бўлибди. Шу пайт қаршисидан бир тулки чиқиб қолибди. Хўжайин отган экан, тулки парво қилмай, думини ликиллатиб кетаверибди. Лаганбардор ҳайратдан ёқа ушлабди:

— Тавба, ўлган тулкининг чопиб кетишини энди кўришим!...

Л. ПАРПИХЎЖАЕВ

ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Афанди ярим кечада хотинини уйғотди:

— Хотин, пичоқ олиб кел. Шу вақтгача сабр қилдим, ортиқ чидай олмайман.

Хотин қўрқиб кетди:

— Пичоқни нима қиласиз, дадаси, тинчликми?!

— Қорним очди, нон кесиб ейман!

* * *

Афанди Султон исмли кассобдан тўрт кадоқ гўшт олган эди, у катта суяк қўшиб берди. Афанди гўштни қоғозга ўраётиб қассобга қаради:

— Султон суягини хўрламас деганлари рост экан-да, қассоб?

* * *

Афанди тунда уйига кетаётган эди, йўлтўсарлар тўхтатиб, ёнини навлашди. Афандининг чўнтагидан бир мири ҳам чиқмади. Шунда йўлтўсарлардан бири Афандининг ёқасидан тортиб дўқ қилди:

— Нега кўчага пулсиз чиқасан, номард! Ким айтади сени эркак деб?

Иззат-нафси лат еган Афанди маҳси қўнжига яшириб қўйган йигирма бешталикни узатиб ўшқирди:

— Манови пул бўлмай нима, хумпар!

* * *

Афанди ёнидан бақрайиб ўтиб кетган бир қизни ҳамроҳига кўрсатиб, афсусланди:

— Аттанг, шундай сулув қиз соқов экан-да!

— Ҳай, чол, ўзингизга қараб гапиринг! Нега соқов бўлар экан-ман?— аччиқланди қиз.

— Қизим, салом бермай ўтганингизга сизни соқов деб ўйлабман, узр,— деди Афанди.

МУҚОВАЛАРДА.

Биринчи бет: Охунбобоев номидаги Андижон область музикали драма ва комедия театрининг истеъдодли артисти Оҳистахон **Маҳмудова.**

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Иккинчи ва учинчи бет. 1971 йилда республикамиз пахтакорлари «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштиришда меҳнатда мислсиз жасорат кўрсатдилар. Бу суратларда Тошкент областининг Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози ва Янгийўл районининг «Интернационал» колхози далаларида қизғин йиғим-терим палласидаги айрим манзаралар акс эттирилган.

С. БЕЗНОСОВ ва **Г. ГРАФКИН** фотолари

Тўртинчи бет. Тоғларда қиш.

В. ТАРАН фотоси



ЗАНЖИР КРОССВОРД

1. Чолғу. 2. Жанубий Америкадаги шаҳар. 3. Музика белгиси. 4. Асбоб. 5. Вақт бирлиги. 6. Нота. 7. Узоқ Шарқдаги дарё. 8. Инерт газ. 9. Африкадаги давлат. 10. Мевали дарахт. 11. Бокс майдони. 12. Спорт тури. 13. Балиқ. 14. Ой. 15. Сайёра. 16. Ўлчов бирлиги. 17. Ҳинди-Хитойдаги мамлакат. 18. Машҳур футболчи. 19. Ғарбий Европадаги давлат пойтахти. 20. Геометрик шакл. 21. Мева. 22. Радиоактив модда. 23. Гул. 24. Ўлчов бирлиги. 25. Тургенев ҳикояси. 26. Николай Островскийни илҳомлантирган асар. 27. Томон. 28. Мусбат ҳам, манфий ҳам бўлмаган сон. 29. Оқпалак. 30. Икки электродли электрон лампа. 31. Футбол командаси. 32. Кимёвий модда. 33. Жанубий Шарқнинг йирик давлат арбоби. 34. Йиртқич. 35. Ўзбекча поэма қаҳрамони. 36. Қалб. 37. «Робинзон Крузо»нинг муаллифи. 38. Италиядаги дарё. 39. Француз физиги. 40. Механик кўтарувчи. 41. Иш, фаолият. 42. Қадимий чолғу асбоби. 43. Ғалла. 44. Боғ. 45. Игна барглн дарахт.

Тузувчи **Камол ОДИЛОВ**

Тошкент

11-СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 2. Мур 5. Погодин 8. Лиард. 9. Илдиз. 13. Ҳирот. 14. Чуд. 15. Олтин. 20. Жомий. 21. Ота. 22. Чад. 23. Дания. 28. Баҳор. 29. Париж. 30. Балет. 31. Саъва. 37. Ливан. 38. «Ароба». 39. Уфқ. 40. Суман. 41. Айний. 46. Бобир. 47. Ирода. 48. Зинин. 49. Токио. 52. Қовун. 53. Она.. 54. Нок. 55. Кумуш. 59. Широк. 60. Бор. 61. Мақол. 64. Радио. 65. Шашка. 67. Комилов. 68. Нил.

Бўйига: 1. Рубоб. 3. Кобра. 4. Висла. 6. Ҳикоя. 7. Пилла. 10. Билим. 11. Луб. 12. Сифат. 16. Мотор. 17. Атоий. 18. Ватан. 19. Титан. 24. Шаталов. 25. Вамбери. 26. Беруний. 27. Увайсий. 32. Мих. 33. Ари. 34. Уфа. 35. Май. 36. Иид. 42. Китоб. 43. «Одина». 44. Чинор. 45. Шопур. 50. Тунис. 51. Жуков. 56. Роман. 57. Дон. 58. Марка. 62. Милод. 63. Тагор. 66. Сигир.

Бош редактор — Асқад МУХТОР.
Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МЎМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОЕВ (бош рассом), Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХЎЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН.

«Гулистон»—общественно-политический литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор **Т. БАҲРОМОВ.** Техредактор **М. ЕФИМОВА.**

Адресимиз: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20, бош редактор ўринбосари — 33-35-90, масъул секретарь — 33-35-90, ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02, адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19, фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Босмахонага туширилди 11/XI-71 й. Босишга рухсат этилди 14/XII-71 й. Қоғоз 70×108¹/₁₆. Ҳажми 4 босма тобоқ. Р-17276. Буюртма 1395. Тиражи 169207. Баҳоси 30 т. Нашр. А—3576.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.